М. Исҳоқовнинг эътироф этишига қараганда, Кармана милоддан аввалги биринчи минг йилликда пайдо бўлган. Кармана аввал “Ҳар – миёна” шаклида бўлган. “Ҳар – катта, улуғ, миёна – ўртаси” деган суғдча сўзлардан олинган бўлиб, “Катта, улуғ йўлнинг ўртаси”, деган маънони ҳам англатган. С. Қораевнинг «Географик номлар маъноси» китобида Кармана «Кариманкент» яъни «Катта манзилли кент» шаклида тилга олинган[Қораев, 1978.]. Профессор Ҳ. Хасанов эса ўз асарида “Кармана” сўзи маъносини “Эски манзилгоҳ, эски қишлоқ”, – деб тарифлаган[Ҳасанов, 1965]. Бошқа манбаларда келтиришича, араблар бу жойларни кўриб, “Ка Арминийа”, “Арманистонга ўхшаш гўзал жойлар”, деб номлаган эканлар[Бартольд., 1963. Б. 149.].

Наршахийнинг Кармананинг қадимги номи – “Бодяйи хурдак” тўғрисидаги маълумоти эса, бевосита шаҳар ёки қишлоқ ҳақида эмас, бу ҳудуднинг эгаллаган ўрни, табиатига оиддир. Икки сўз бирикмасидан ташкил топган бу топонимнинг биринчи қисми “бодийа” шаклида ёзилиб, бу сўз “кўза” маъносини эмас, балки арабча “дашт”, “чўл” маъноларини англатади. “Бодя” сўзига бириктирилган “хурд” сўзи эса форсча бўлиб, у “кичик, майда” каби тушунчаларни билдирган. Бу сўзга бириктирилган “ак” суффикси воситасида у “жуда кичик, майда” сифатига эга бўлган. Шу тариқа “Бодяйи

хурдак” топоними ҳосил этилган. Бундай шаклда топоним “кўзача” эмас, балки “Кичик дашт” маъносини англатган. Тарихда дашт ёки чўл аҳли ўзбек ва тожик халқлари тилларида “Бодийа аҳли ва бодийа нишин” каби иборалар билан аталиб келинган. Араблар эса даштликларни “бадавий”, деб атаганлар. Қадимги Бодийи хурдак даштининг шарқий қисми ўзлаштирилиб, илк ўрта асрларда Кармана рустоғи шаклланган[Хаитова, Қурбонов 1918. Б. 9-10.]..

Ривоятларга кўра, македониялик Александр Бухоро ерларини босиб олиб, Нур қальасидан Зарафшон дарёси томон келаётганда, баланд қир устидан дарё соҳилидаги гўзал, хушманзара кентни кўриб, унга маҳлий бўлиб, “Кармено”, деб юборган. “Кармен” грекча сўз бўлиб, “гўзал” деган маънони билдиради.

Бошқа бир ривоятда эса Қадимда Кармана бекларидан бирининг Амина исмли қизи оғир дардга чалиниб, қар бўлиб қолган бир табиб қизингизни баланд жойга ўтқазиб, атрофига одамларни йиғиб «Кар Амина, Кар Амина» деб қичқирсангиз шунда қизингизни қулоғи очилиб кетади деган эканлар. Бек табиб маслаҳат берган ишни қилганда, қизи бу таҳқирли тадбирдан таъсирланиб соғаяди. Кар Амина ибораси кейинчалик Кармана сўзига айланган. Шундан сўнг, бу жойлар Кармана, деб аталган тахминлар ҳам мавжуд.

Кармана шахрининг тарихи, тарихий географияси, унинг атрофида жойлашган обидаларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар XIX аср охири ва XX аср бошларидан бошланади. Рус шарқшуноси В. В. Бартольд ўзининг “Туркестан в эпоху монгольского нашествия” асарида ўрта аср араб тарихчилари, Ўрта Осиё муаррихлари асарларига суянган ҳолда Кармана атрофидаги қишлоқлар, кўрғонлар, уларнинг Карманага нисбатан жойлашуви тўғрисида фикр юритади. Кармана атамасини Арманистонга қиёс қилиб, “Кар-Армания” сўзидан келиб чиққан, деган фикрни билдиради[Бартольд, 1963].

Кармана ҳудудида жойлашган энг қадимги ёдгорликларидан бири бу Бурқуттепа ёдгорлиги ҳисобланади. Ушбу ёдгорлик тўғрисидаги биринчи қисқача маълумот 1934 йилда ўтказилган Зарафшон экспедициясининг бошлиғи А.Ю. Якубовский томонидан қолдирилган. Унинг ёзишича, ёдгорлик арк (кўхандиз), шахристон ва рабоддан иборат бўлган[Якубовский, 1934, Б. 150.]..

1986 йилда ёдгорликни схематик плани тузилган ва унинг устидан териб олинган археологик топилмаларнинг бўлақларига асосан Бурқуттепада эрамиздан аввалги III-II арлардан то ўрта асрларгача одамларнинг яшаганлиги тахмин қилинган[Манылов, 1987. Б. 171-173.]..

Ёдгорликда 1999-2001 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида аркнинг 8 метр кенгликдаги мудофаа девори очиб

ўрганилди ва шу билан бирга, аркнинг шимолий қисмда олиб борилган қазишма ишлари натижасида бу ерда ёдгорликнинг эрампдан аввалги IV-III асрларига тегишли археологик топилмалар билан бирга ертўлага ўхшаш уй-жойнинг ўрни қолдиғи топилган. Шаҳристон арк қисмида 150-200 метр ғарбда жойлашган бўлиб(ҳозирда қабристонга айлантирилган), бу ерда ўтган дала мавсумларида олиб борилган қазишмалар натижасида X ва XIII асрларга оид кўплаб кулоллик идиш бўлаклари ва пишиқ ғиштлар, тегирмон тошлари қайд қилинган[Хўжаназаров, Мирзаахмедов, Грицина, Рахимов. 2001. Б 189-190; Хўжаназаров, Грицина, Мирзаахмедов. 2002. Б.179-186.]. Шаҳристонда жорий 2023 йилда олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида қўлга киритилган топилмаларни илмий таҳлилини кўрсатишича, шаҳристон нафақат ўрта асрларда, балки илк ўрта, яъни V-VIII асрларда ҳам бу ерда одамлар яшаганлигини ва шу билан бирга бу ерда маданий қатлам давом этаётганлигини эътиборга олиб айтадиган бўлсак, арк билан шаҳристон бир даврда пайдо бўлганлигини тахмин қилишимиз мумкин.

Кўхна Кўрғон қадимги Кармана шаҳри рабод қисми Зарафшон дарёсини чап қирғоғида жойлашган бўлиб, у ҳозирги кунда тўлиқ бузилиб, ўрнини аҳоли турар-жойлари қамраб олган. Ушбу ҳудуддан териб олинган сирланган кулоллик идиш бўлаклари XV асрдан то XX аср бошларига тегишли бўлган. Кулоллик материаллари тўрт гурпуага ажратиб ўрганилган: 1) XV- XVI асрлар; 2) XVII аср охири- XVIII аср ўрталари; 3) XVIII асрнинг иккинчи ярми- XIX аср ўрталари; 4) XIX аср иккинчи ярми- XX аср бошлари[Грицина, Мирзаахмедов, Хўжаназаров. 2000. Б 73-75.].

2022-2023 йилларда Бурқуттепа ёдгорлиги рабод қисми ҳудудини аниқлаш мақсадида унинг аркдан чамаси 20 метр жануб ва шарқий томонларида бир нечта шурфларда ва шу билан бирга унинг шаҳристониди қазишма ишлари олиб борилди. Шурфларда очиб ўрганилган қатламларда турли хил даврларга оид кулоллик идиш бўлаклари қайд қилиниб, бу ерда аралаш қатламлардан иборат эканлиги аниқланди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Бурқуттепа ёдгорлиги ҳудудида сўнгги ўрта асрлардан бошлаб олиб борилган қурилиш ишлари давомида рабод қисми тўлиқ ўзлаштирилган. Бундан ташқари Бурқуттепа ёдгорлигига яқин ҳудудларда жойлашган қишлоқ маконларида (Чиллатепа, Кунжактепа) ёдгорликларида археологик қазишма ва шу билан бирга туман археологик ёдгорликларини рўйхатини шакллантириш мақсадида дала қидирув тадқиқотлари олиб борилди.

Кармана шаҳрининг атроф ҳудудларида жойлашган қишлоқ маконларини ўрганишдан асосий мақсад шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги муносабатларни аниқлашдан иборат эди. Жумладан, Чиллатепа ёдгорлиги

аркининг жанубий чеккасидан 2,8x7,5 м ўлчамдаги траншея ва унинг манзилгоҳи жанубий чегарасида 3x5,5 м ва 2,5x3,75 м катталиқдаги майдонда қазилма ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида кўшк ҳудудидаги траншеяда антик даврдан то XII асрларгача бўлган давр моддий маданият қатламлари аниқланди. Дастлабки маълумотларга кўра, манзилгоҳ сўнгги антик даврда шаклланган бўлиб, ушбу давр маданий қатламлари устида илк ўрта асрларга тегишли хом ғиштдан қурилган мудофаа девор қолдиқлари очиқ ўрганилди. Мудофаа девори 42x23x9 см ўлчамдаги хом ғиштдан қурилган бўлиб, сақланиш баландлиги 1 м, кенглиги 1,85 м ни ташкил қилади. Ушбу девор атрофида топилган қулоллик идишлари эрамузнинг VII-VIII асрларга тааллуқли эканлиги аниқланди. Илк ўрта асрларда инқирозга учраган қишлоқ макони XI-XII асрларда Қорахонийлар даврида яна ўзлаштирилади. Хусусан, бу борада юқори қатламлари орасида ушбу даврга оид пишиқ ғишт, қулоллик идиш бўлақлари қузатилган [Саидов, Раҳимов, Холматов, Хўжамов, Омонов, 2023. Б. 40].

Бундан ташқари, шаҳар чеккасидаги Кунжактепа ёдгорлигида ҳам тадқиқот ишлари олиб борилиб, унинг шимоли-ғарбий томонида 2x11,5 м лик траншея ва ёдгорликнинг ғарбий томонидан 8 метр узқликда 2x3 м ўлчамда шурф қазиб ўрганилди. Ёдгорликнинг шимоли-ғарбий ҳудудида қазилган траншеяда илк ўрта асрларга оид 4 та қурилиш даврига тегишли пахса ва хом ғишт аралаш пахса мудофаа девор қолдиқлари ва унинг ички томонида пахса деворли турар-жой ўрни қолдиқлари очиқ ўрганилди. Хоналардан бирида ёнма-ён жойлашган 2 та хўжалиқ ўра қолдиқлари аниқланди. Ушбу ўралардан бири хона полининг устига қурилган бўлса, иккинчиси хона пол қисмини кесиб туширилган ва унинг сақланган қисмининг чуқурлиги 20 см гача етади. Ушбу қазилма ишлари жараёнида мудофаа девори орасида сўнгги антик даврга тегишли қадах, қизил ангоб билан бўялган коса ва хурмача идиш бўлақлари қайд этилди [Саидов, Раҳимов, Холматов, Хўжамов, Омонов, 2023. Б. 40].

Кармана тумани ҳудудидаги археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ва шу асосда ҳудуднинг антропоген ландшафтининг ўзлаштириш динамикасини ўрганишга қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.10.2019 йилдаги 846-сон қарорида Кармана туманида 28 та археологик ёдгорликлар қайд қилинган бўлса, тадқиқотлар давомида яна 10 дан зиёд археологик ёдгорликлар ўрни аниқланди. Бундан ташқари 10 дан зиёд мазоркўрғонлар жамланмасида 200 дан зиёд мазоркўрғонлар аниқланди ва уларнинг координатлари белгилаб олинди. Айни вақтда 1970-1980 йилларда бузилиб кетган 3 та ёдгорлик ўрни ГИС тизими ёрдамида қайд этилди. Туманнинг жанубий қисми ҳудудида эса

илгари номаълум бўлган қоятош суратлари рўйхатга олинди [Саидов, Раҳимов, Холматов, Хўжамов, Омонов, 2023. Б. 41].

Юқоридаги ўрта асрлар ёзма манбалар ва археологик маълумотларни илмий таҳлиliga асосланган ҳолда қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, Чиллатепа ёдгорлигининг ҳудуди антик ва илк ўрта асрларда катта майдонни эгалаган бўлсада, бу ерда мудофаа деворини очилиши ёдгорликни VII-VIII асрларда майдони кичикроқ бўлганлигини кўрсатади.

Иккинчидан, илк ўрта асрларда инқирозга учраган Чиллатепа қишлоқ макони XI-XII асрларда Қорахонийлар даврида яна ўзлаштирилади. Буни ёдгорликнинг юқори қатлам орасида ушбу даврга оид пишиқ ғишт, кулоллик идиш бўлаклари исботлаб турибди.

Учинчидан, Кунжактепа ёдгорлигида олиб борилган казишма ишлари жараёнида мудофаа девори орасида сўнгги антик даврга тегишли қадах, қизил ангоб билан бўялган коса ва хурмача идиш бўлаклари қайд этилиш ёдгорликни қуйи қатламлари шу даврга, яъни сўнгги антик даврга оид эканлигини исботлайди.

Тўртинчидан, қишлоқ маконларида аниқланган кулоллик идишлар ўзининг тайёрланиш техникаси ва технологиясининг юқори сифатлиги билан қадимги Кармана шаҳри ёнида жойлашган Бурқуттепа ёдгорлигидаги кулоллик идишларидан қолишмаслиги, яъни шаҳар хунармандлари томонида ясалганлигидан далолат беради.

Бешинчидан, Бурқуттепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу ерда қалин мудофаа деворини улар билан бирга очилган буржлар Кармана шаҳри атрофида жойлашган феодал-деҳқон қасрлари ва қишлоқлари ҳаробаси бўлган бўлиши мумкин. Ушбу ёдгорлик ўрнида бўлган шаҳарда қайд қилинган археологик материаллар эр. авв. IV арлардан то эрамизнинг XII асрга қадар ҳаёт бўлганлигини исботлаб турибди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Абдулкарим ас-Самъоний. Ал-ансоб. (Насабнома). Таржимон ва нашрга тайёрловчи Раззоқов А. Бухоро, 2003.

Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Раззоқов А. –Бухоро, 1999. 13-б.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. “Бухоро тарихи”. Т.”Фан”, 1996

Абу Джаъфар Табари. Тарихи Табари (История ат-Табарий). Предисловие и примечания В. И. Беляева. – Т., 1987.

Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий // ТА. V том. 1-китоб. – Тошкент, 1973.

- Бартольд В. “Географический очерки”, М. 1963.
- Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Сочинения в 9 томах. Т. 1. М.: Наука, 1963.
- Грицина А.А., Мирзаахмедов Д.К., Хўжаязаров М. Позднесредневековая керамика с городища Кухан Курган // “Археология, Нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. Самарканд. 2000.
- Қораев С.. Географик номлар маъноси. Тошкент. “Ўзбекистон” 1978
- Манылов Ю.П. Отчет о работах в Навоийской области по теме: Составление карты археологических памятников Навоийской области в 1986 г. // Архив ИА АН Узбекистана. Самарканд, 1987.
- Муҳаммаджонов А. “Кармина” ёки “Кармана” топонимининг этимологияси ҳақида. Ўзбекистон тарихи. 1999. 2-сон,
- Наршахий М. Бухоро тарихи. “Мерос” туркуми. – Т., 1991.
- С. Қораев. Географик номлар маъноси. Т., 1978.
- Саидов М.М, Рахимов К.А, Холматов А.Н, Хўжамов С.Х, Омонов Д.С Кармана туманида олиб борилган дастлабки археологик тадқиқотлар // Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, моддий ва маънавий маданияти (қадимги даврдан ҳозирги кунгача) (республика илмий-амалий конференция материаллари) Самарқанд 2023.
- Хужаназаров М., Грицина А.А., Мирзаахмедов Д.К. Археологические исследования карманинского отряда.// Археологические исследования в Узбекистане - 2001 год. Тошкент, 2002..
- Хўжаназаров М., Мирзаахмедов Д.К., Грицина А.А, Рахимов К.А.. Кармана ва унинг атрофида олиб борилган археологик ишлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2000-йил. Самарқанд. 2001.
- Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Т. “Фан” 1965
- Ҳудуд ул-олам. Рукопись Туманского. С введением и указателями Бартольда. –Ленинград, 1930.
- Якубовский АЮ. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину в 1934 г. // Труды отдела истории культуры и искусства Востока. Том. II. Ленинград. 1940.
- Хайтова О., Қурбонов Х. / Кармана тарихи. Тошкент -2018

# ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛ

(тош даври мисолида)

*Очилов Алишер Тўлис ўгли- тарих фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD), доцент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Қуйи Зарафшон воҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари асосида воҳанинг тош даври антропоген ландшафти тарихий географик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Қуйи Зарафшон, археологик тадқиқотлар, тош даври, Мохондарё, Дарвозақир.

**Аннотация.** В статье антропогенный ландшафт каменного века с историко-географической точки зрения анализируется на основе исследований, проведенных в Нижне-Заравшанском оазисе.

**Ключевые слова:** Зарафшан, археологические исследования, каменный век, Махандарья, Дарвозақир.

**Annotation.** In this article, the Stone Age anthropogenic landscape of the Oasis is analyzed from a historical geographical point of view, based on the research conducted in the Lower Zarafshan oasis and their results.

**Keywords:** Zarafshan, archeological researches, Stone Age, Mokhandarya, Darvozaqir.

XIX аср охиридан бугунги кунга қадар Зарафшоннинг қуйи оқими ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларда кенг кўламли археологик тадқиқот ишлари олиб борилиб, воҳанинг антик давригача бўлган тарихий-маданий жараёнлари ва антропоген ландшафти бўйича жуда кўп тарихий маълумотлар тупланган. Ушбу маълумотларни тарихий жиҳатдан умумлаштирган ҳолда, Қуйи Зарафшон минтақасининг тарихий реконструкция масалалари ҳозирги кун тарих фани олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Кишилиқ тарихининг илк босқичи тош давридан бошлаб инсоният ҳаётида иқтисодий ва маданий ривожланишлар учун ҳаракатлар бўлган. Шу мақсадда қадимги аҳоли доимо ўзи яшаши учун қулай макон қидирган. Тош даври аҳолиси асосан тоғ ён бағирлари, жарликларнинг ёқалари, сой ва сув ҳавзаларида истиқомат қилишган. Бунинг сабаби эса меҳнат қуролилари яшаш учун ҳудудда тош хом-ашёсининг мавжудлиги, ҳамда бундай жойларда табиати ҳайвонот дунёсига бой бўлиб ов қилиш учун жуда қулай бўлган. Бухоро воҳаси айниқса, воҳанинг шарқий қисмлари тош даврларидан бошлаб ибтидоий овчиларнинг диққат марказида бўлди. Тош даврида истоқомат қилган инсонларнинг маконлари тадқиқ қилинганида, қадимги аҳоли меҳнат қуролилари тайёрлашда техникавий кашфиётлар қилганлиги ҳам кўриш

мумкин. Масалан, Навоий вилоятининг марказидан 22-25 км шимолий-шарқда, Қоратов тоғ тизмасининг Воуш тоғи жанубий ёнбағрида жойлашган Учтут, Ижонд қишлоқларида ибтидоий одамларнинг меҳнат куруллар яшаш устохонаси ва чақмоқтош қазиб олиш конларининг топилиши бунинг яққол далилидир [Касымов, 1963]. Лекин, бундан келиб чиқиб Бухоро воҳасининг тош даври аҳолиси фақатгина тоғлик ҳудудларда истиқомат қилган деган хулосага келмаслик керак.

Ўрта Осиёнинг чўл зоналаридаги дарёлар ва кўлларнинг кенг тарқалган ҳозирда қуруқ тармоқлари атрофида ҳам тош даври аҳолиси кенг жойлашган. Сабаби, тош даврида бу ердаги иқлим ибтидоий популяциялар учун қулай бўлган [Толстов, 1962. -С.321.]. Мезолит даври охири ва неолит даври бошларида аҳоли сонини кўпайиши натижасида манзилгоҳлар сони ортиб боради. Бу даврларда нафақат Бухоро воҳасининг тоғлик ҳудудлари ўзлаштирилди, балки воҳанинг ғарбий қисми Зарафшоннинг қуйи ҳавзалари ҳам овчи қабилалар эътиборидан четда қолмади. Чунки, ҳали суғорма деҳқончилик вужудга келмаганида Зарафшон дарёсининг барча сувлари Бухоро воҳаси томон интилган. Бу даврда Қуйи Зарафшон воҳаси ҳудудларида яшил даштлар, кўплаб ўзанлар ва кўллар ва каналлар мавжуд бўлган. Ҳайвонот дунёсида қушлар ва балиқлар жуда кўп бўлган. Тош даври инсониятини Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларидаги ҳайвонотга бой табиий чакалакзорлар ва балиққа сероб кўллар ўзига тортди. Аҳоли бу ҳудудларни ўзлаштира бошлади. Шунинг учун ҳам Қуйи Зарафшон минтақасида ҳам тош даври айниқса, неолит даври қизғин кечади.

Мезолит ва неолит даврларида глобал иқлим ўзгариши содир бўлиб, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурғоқчиликни келтириб чиқарган [Francfort,2022]. Натижада, аҳоли сув ҳавзаларига қараб силжийди. Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида ҳаёт анча гавжумлашади. Маҳаллий аҳоли орасида Катта Тузкон, Кичик Тузкон, Қоранги шўр номлари билан аталувчи кўл соҳиллари инсоният томонидан кенг ўзлаштирилади [Гулямов,1956.- С. 149-161.]. Шунинг учун ҳам бу ерлардан неолит даврига оид бир қанча манзилгоҳлар топиб ўрганилган [Асқаров, 1973.- Б.11.]. Афсуски, уларнинг деярли барчасида маданий қатламлар сақланмаган.

Қуйи Зарафшон худуди ва унинг атрофидан топиб ўрганилган тош даври маконлари асосан Зарафшоннинг Амударёга қуйилиш делтаси ҳудудларидан топилган [Тошкенбоев,1997.- Б.9-10.]. Сув ҳавзаларининг жойларини ўзгартириб туриш оқибатида одамлар кўноқ ва кўналғаларини ҳам ўзгартириб туришга мажбур бўлганлар. Неолит даврига оид бу кўналғалар Катта Тузконнинг шимоли ва шимоли-шарқий томонига

жойлашган бўлиб, кўл бўйига қурилгани учун бир тизимда, бир қаторда жойлашган [Исломов, 1997. –Б.12-14.].

Зарафшон тошқинлари туфайли ҳосил бўлган ва қадимда денгиздек кенг майдонга ёйилган, ҳозирда эса Моханкўл, Замонбобоқўли, Қичик Тузкон, Катта Тузкон, Чуқуркўл, Парсангкўл, Лахликўл ва Қоронғи шўр деб номланган ибтидоий «сув омборлари»ни қум тепалари босиб, улар кенг шўрхок, пасткам жойларга айланган [Асқаров, 1973.-Б.10.], уларнинг қирғоқларида неолит даврининг турар-жой излари топилган [Гулямов, 1965.-С.17-22.].

Манзилгоҳларнинг марказий қисмида материаллар уюми қалашиб ётганлиги кузатилган. Археологик кузатувларга кўра, манзилгоҳларнинг барчаси мавсумий характерга эга бўлиб, уларнинг жойини тез-тез алмашиб туриши кўл соҳили сувларининг ўзгариб туришига боғлиқ эди. Шунинг учун балиқ ови билан шуғулланган уруғ жамоаларининг мавсумий манзилгоҳларида тегишли маданий қатламлар пайдо бўлиб улгурмай, турар-жой манзиллари ўзгариб турган. Агар манзилгоҳни сув тошқини даврида бир неча бор лойқа сув босиб улгурган бўлса, яъни унинг устида қалин балчик ҳосил бўлган бўлса, у ҳолда маданий қатламнинг қалин лойқа остида сақланиб қолишига умид қилса бўлади. Аммо уларни топиш ҳам осон кечмайди.

Калтаминор маданиятининг Қуйи Зарафшон ёдгорликларини ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келган археолог Ў.Исломов Катта Тузкон ёдгорликлари мажмуасида, икки пунктда маданий қатлам сақланганлигини аниқлашга муяссар бўлган. Улар Дарвозақир I ва Дарвозақир II ёдгорликлари эди [Гуломов., Исломов, Асқаров, 1966.-С. 23-72.]. Икки қир оралиғидаги тор йўлак, яъни Катта Тузкон кўлидан шимолий ғарбда чиқиш жойида қир мавжуд. Шу қирни кесиб ўтган тор йўлак орқали аҳоли кўл ёқасига чиққан. Айнан шу жой аҳоли томонидан “Дарвозақир” деб юритилган шунинг учун ҳам манзилгоҳга Дарвозақир номи берилган [Асқаров, 1973.- Б.11.].

Катта Тузкон топилмалари овчилар ва балиқчиларнинг неолит маданияти билан характерланган. Уларнинг кўшни худудлардаги Калтаминор мажмуаларига тўлиқ ўхшашлиги тош қуролларининг шакли ва нисбатларида намоён бўлади. Тузан ёдгорликларининг пастки хронологик чегараси радиокарбон усули билан милоддан аввалги 4-минг йилликнинг бошларига тўғри келган. Унинг юқори чегараси милоддан аввалги 3 минг йиллик охирларига тўғри келади. Неолит давридаги Зарафшоннинг қуйи оқими аҳолисининг асосий иқтисодий фаолияти ов ва балиқ ови эди. Буни нафақат аҳоли пунктлари дарёлар ва кўллар бўйида жойлашганлиги, балки казиш жараёнида топилган ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ва тош

қурулларининг турлари тасдиқлаган. Топилмалар орасида тошдан ишланган ёрғучоқ, дон бўлақлари ва ўроқнинг мавжудлиги, эҳтимол маҳаллий шароитда деҳқончиликнинг вужудга келиши ҳақидаги хулосани илгари суришга хизмат қилган [Коробкова, 1981.- С.180-181.]. Лекин, Тузкон атрофини тадқиқ қилган Я.Ғуломов, Ў.Исломов ва А.Асқаровларнинг фикрича Қуйи Зарафшоннинг энеолит жамоалари асосан овчилик ва балиқчилик билан шуғилланган, топилган ўроқ ва ёрғучоқ каби қуруллардан доимий деҳқончиликдан эмас балки, илдизларни, қуруқ меваларни, ёввойи арпа, буғдой ва бошоқли экинликларни йиғиш учун фойдаланилган [Ғулямов., Исламов, Асқаров,1966.-С. 87-88, 90.]. Зеро, этнографик маълумотлардан билишимиз мумкинки бундай қуруллардан термачилик билан шуғилланган, ҳали деҳқончиликдан хабари йўқ қабилалар ҳам фойдаланган [Сағдуллаев, Холматов, Абдуллаев, Матёқубов, Шайдуллаев, Тоғаев, Маткаримов, Юсупов, 2020. -Б.21.] .

Дарвозақир маконидан топилган хилма-хил ашёвий материалларнинг таҳлили аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида овчилик айниқса, балиқчи-овчилик билан истиқомат қилувчи аҳоли яшаганлигидан далолат беради. Манзилгоҳдан ҳар хил ҳайвонларнинг ва қушларнинг суяк қолдиқларининг топилганлиги ов қилишнинг ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўрсатади. Чакмоқтошдан ясалган микролит пичоқ, қирғич, бигиз, ёғоч ўйиш қуруллари, ўқ-ёй учлари, пармалаш қуруллари, болға, тошболталар кундалик ҳаётда тошдан ясалган меҳнат қуруллари муҳум аҳамият касб этганлигини исботлайди. Дарвозақирда қазилма ишларини олиб борган Ў. Исломов сопол синиқлари сиртига ишланган бой ва содда нақшларга қараб, ушбу манзилгоҳ Зарафшон қуйи ҳавзасида ўрганилган Калтаминор маданияти ёдгорликлари орасида энг қадимийси бўлса керак, деган хулосага келади [Ғулямов., Исламов, Асқаров,1966.-С. 43.] .

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, тадқиқотлар натижасида Қуйи Зарафшон ҳудудларида аҳолиси тош давридан бошлаб истиқомат қилиб келиши аниқланди. Аҳоли асосан ов қилиши ва яшаши учун қулай бўлган сув ҳавзалари бўйларида истиқомат қилган. Мезолит ва неолит даврларида балиқчи ва овчилар томонидан ўлжага бой чакалакзорлар ҳамда балиққа бой кўллар тош даври аҳолиси томонидан кенг ўзлаштирилган. Бунинг исботи археологик тадқиқотлар натижасида биргина неолит даврига мансуб 700 дан ортиқ манзилгоҳнинг топилишидан ҳам билишимиз мумкин. Бу манзилгоҳлар тош давридаёқ Қуйи Зарафшон воҳаси қулай шароитга бой ва ҳаёт қайнай бошлаган макон бўлганлигидан далолат беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Francfort H.P., Lecomte O. Irrigation et societe en Asie Centrale des

origines a l'epoque achemenide. Ann. Hist. Sci. Soc. 3. 2002.

Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент:Фан,1973. – 23 б.

Гулямов Я.Ғ., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент,1966. – 266 с.

Гулямов Я. Г. Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана // ИМКУ. –Ташкент,1965. -Вып.6.-С.17-22.

Гулямов Я.Г. Археологические работы к северу от Бухарского оазиса // ТИИА Уз ССР. – Ташкент, 1956. - № VIII. - С. 149-161.

Исломов Ў.И. Қадим Бухоро воҳасида илк хўжалик фаолияти кўринишлари / Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. -Тошкент, 1997. –Б.12-14.

Касымов М.Р. Кремневая мастерская у кишлака Учтут в районе горы Каратау Бухарской области (По материалам археологической экспедиции). Научные работы и сообщения. Кн.6. -Ташкент,1963.

Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии// МИА. 1981. №158.-С.180-181.

Сагдуллаев А.С, Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И., Матёкубов Х.Х., Шайдуллаев А.Ш., Тоғаев Ж.Э., Маткаримов Х.О., Юсупов А.Ш. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари.-Тошкент, 2020.

Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. -М.,1962. – 348 с.

Тошкенбоев Н. Бухоронинг энг қадимги даври тарихидан. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. -Тошкент,1997. -Б.9-10.

## **ҚАДИМГИ ПОЙКЕНТ НЕОЛИТ ДАВРИ ТОПИЛМАЛАРИ**

*Тойиров Руслан Мастонович – Бухоро давлат музей-қўриқхонаси,*

*Қадимги Пойкент тарихи музейи катта илмий ходими*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Бухоро археологиясининг муҳим қисми саналаган Пойкент археологик ёдгорлиги атрофларида олиб борилган қазишмалар натижасида топилган қимматли ашёлар – неолит даври топилмалари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, уларнинг аҳамияти ва тавсифи келтирилиб, умумий сони, тузилиши ва бошқа ҳудудлардан шу даврга оид бўлган буюмлар билан таққосланади.

**Калит сўзлар:** Пойкент, археология, неолит даври, меҳнат қуроллари, тош буюмлар.

**Аннотация.** В статье речь идёт о находках каменных орудий эпохи неолита, найденных в процессе исследований в окрестностях городища Пайкенд. Приводится их описание, общее количество, структура и сравнение с другими находками из соседних областей, датируемые этим периодом.

**Ключевые слова:** Пайкенд, археология, эпоха неолита, орудия труда, металлические изделия.

**Annotation.**In this article we will talk about valuable artifacts found as a result of excavations in the vicinity of the archaeological monument of Paykend, which is considered an important part of Bukhara archeology – finds of the Neolithic era. Their importance and description are also given, the total number, structure and artifacts from other areas dating from this period are compared.

**Keywords:** Paikend, archeology, Neolithic era, tools, metal products.

Бухоро воҳаси қадим савдо йўллари ва цивилизациялар марказида жойлашган ва стратегик жihatдан ўта муҳим аҳамият касб этган бўлиб, воҳада олиб борилган археологик қазилмалар натижасида қўлга киритилган топилмалар фикримизни тасдиқлайди. Айниқса сув иншоотлари ва ҳавзалари атрофида жойлашган манзилгоҳлар ибтидоий одамларнинг ҳаёт тарзи учун табиий жihatдан зарурлигини инobatга олиб, уларнинг аксариятида кейинги даврларда ҳам одамлар келиб ўрнашишига замин яратган.

Қадимдан Бухоро воҳасининг қуйи қисмида жойлашган ёдгорликлар Зарафшон ва Қашқадарёнинг эски дарёбўйи ўзанида, неолит, энеолит ва бронза даврига оид бўлган. Тарихий манбаларда қайд этилган ва кейинчалик археологик изланишлар олиб борилган бир қатор ёдгорликларнинг жойлашган ўринлари ва улардан топилган турли хилдаги моддий маданият топилмалари буни тасдиқлайди. Хусусан, бу манзилгоҳларда яшаган аҳолининг турмуш тарзи, дафн маросимлари, хунармандчилик даражаси ва кейинчалик савдо-сотик ишлари билан боғлиқ ашёлар айниқса диққатга сазовордир.

Археологик қазилмалар натижасида қўлга киритилган қимматли топилмалардан маълум бўладики, инсониятнинг турар жой тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган моддий маданият буюмлари кўп бўлиши билан бирга айрим археологик топилмалар ўша ёдгорлик ва туманнинг қадим ўтмиш тарихидан дарак беради. Мана шундай кўхна шаҳарлардан бири Қадимги Пойкент шаҳри бўлиб, у Бухородан 55 км жанубий-ғарбда, яъни Қорақўл туманида жойлашган. Гарчан, шаҳар ижтимоий ва табиий оқибатлар туфайли бир қатор кўхна шаҳарлар сингари илк ўрта асрлардаёқ вайронага юз тутган бўлса-да, ўтмиш қаърига бутунлай сингиб кетмаган. У ўзидан бой ва бебаҳо тарихни бизга мерос қилиб қолдирган. Қадимги Пойкент пайдо бўлган ҳудуд яшаш учун жуда қулай шароитга эга бўлган. Ёдгорлик атрофи балиқ ва

паррандаларга бой Зарафшон ва Қашқадарёнинг қуйи окимида бутун бошли кўллар тизимида пайдо бўлган, ўша кўлларнинг энг каттаси Пойкент кўли бўлиб унинг қирғоқларида “Қалтаминор маданияти” (эрамиздан аввалги VI-IV минг йиллик) қабилалари яшаган. Жез даврига келиб эса (эр.авв. III-II минг йиллик), бу ҳудудларни “Замонбобо маданияти” қабилалари аста-секин ўзлаштиришган. Бу ердан топилган тош қуроллар, ўқ-ёй учлари, қирғичлар, нуклеуслар ва учуриндиларнинг кўплаб топилиши, бўлғуси қадимий шаҳар ўрнида аҳоли қароргоҳлари пайдо бўлаётганлигидан далолат берган.

Маълумки 1950-60 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Пойкент кўли атрофларида неолит даврига оид ёдгорликларнинг қолдиқлари топиб ўрганилган ва бу ҳақида монографиялар чоп этилган. Кейинчалик эса шаҳар атрофлари ва шаҳарнинг асосий қисмларида олиб борилган археологик изланишлар шуни кўрсатадики турли хилдаги ашёвий топилмалар орасида айниқса тошдан ишланган қуроллар ва буюмлар алоҳида аҳамиятга эга. Қадимги Пойкентда олиб борилган 2006 йилги археологик қазишмалар жараёнида тошдан ишланган бир қанча намуналари топилган бўлиб, булар неолит даври тош қуроллари билан бир нусхада ифодаланган. Ушбу топилмалар жамланмаси 19 донани ташкил қилиб: 9 таси жигарранг, 8 таси кулранг, 1 таси яшил ва 1 таси қора рангли тошлар бўлиб, улар камон учлари, қирғичлар ва учуриндилардан иборат.

Археологик қўлланма ва адабиётларда бундай тош қуроллар барг шаклидаги нуқталар ёки барг шаклидаги буюмлар деб аталади. Ушбу кўринишдаги тош қуроллар бундан 20 минг йил олдин Европада пайдо бўлган ва топилган. Ўрта Осиёда эса мезолит давридан бошлаб бундай кўринишдаги камон ўқининг учлари номоён бўла бошлаган ва неолит даврида кенг тарқалган. Кейинчалик, энеолит ва бронза даврларига келиб, икки томонлама ишлов берилган баргсимон шаклдаги камон учлари яшаш техникасида мукамалроқ ва симметрик шаклга эга бўлган ўқлар ишланган. Ҳозирги кунда мана шундай тошдан ишланган неолит даврига оид топилмаларнинг 16 донаси Қадимги Пойкент тарихи музейи экспозициясида намойишга қўйилган бўлиб, бу экспонатлар музейга ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг қадим воҳа тарихига бўлган қизиқишига сабаб бўлмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси Кирилл китоби  
Қадимшунослик каталоги. Бухоро музейи.

## УСТЮРТНИНГ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ УСТАХОНАЛАРИНИНГ МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**МАДРЕЙМОВ БЕРИК ДЖАЛГАСБАЕВИЧ**

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

Тош даври тошга ишлов бериш устахоналарининг маданий хусусиятлари масаласи аксарият холларда эътибордан четда қолиб келди. Том маънодаги тошга ишлов бериш устахоналарининг маданий хусусиятлари масалаларининг ечимини топиш қийин. Аммо ихтисослашган устахоналарнинг маданий хослигини аниқлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Авваломбор, Борса-Келмес ботиғи устахоналаридан фойдаланишдан асосий мақсад бифаслар ишлаб чиқариш бўлган. Айтиш мумкинки, Есен-2 ва Қорақудуқдаги (2-комплекси) кремнийлашган охактош конларига ибтидоий одамлар битта мақсадда, яъни қуроллар яшаш учун яроқли тош хом ашёсини тайёр қуроллар ёки ярим тайёр маҳсулотлар шаклида олиб кетиш учун эмас, балки айнан бифаслар ишлаб чиқариш учун ташриф буюрганлар. Бу ишлаб чиқаришни ихтисослашувдан (специализация) бошқача тушунтириш мумкин эмас.

Собиқ шўролар даврининг тош даври устахоналарига бағишланган илмий ишларида ихтисослашув неолит давридан пайдо бўлади ва бу товар айирбошлаш билан боғлиқ ҳодисадир [Касымов, 1969. Б. 265-268], деб тушунтириб келинди. Неолит давридаги ихтисослашув ҳақиқатда товар айирбошлаш билан боғлиқ бўлган. Бироқ ўзининг табиатига кўра бирон бир соҳага ихтисослашув қўшимча товар ишлаб чиқаришдан уни айирбошлагача бўлган эволюцион босқични бошидан кечирган бўлиши мумкин. Шу маънода ихтисослашувни тош даврининг қадимги тараққиёт босқичларидан ахтариш мақсадга мувофиқ ва бу археологик материаллар билан ўз исботини топади. Борса-Келмес ботиғи тошга ишлов бериш устахоналарига ташриф буюрган палеолит даври усталари фақатгина бифаслар ишлаб чиқариш ва уларни маконларига олиб кетиб, фойдаланиш мақсаларида ташриф буюришган [Бижанов, 1979. Б. 48]. Аммо бу ихтисослашув битта ёки ишлаб чиқарувчи жамоанинг эҳтиёжлари билан чекланган бўлган, яъни бифасларни ишлаб чиқарган есенликлар ва қорақудуқликлар уларни фақат ўз эҳтиёжлари учунгина ишлатганлар. Неолит ва ундан кейинги даврларга оид устахоналарда ортиқча маҳсулот қўшни жамоалар билан айирбошлаш қилинган, дейиш мумкин [Любин, 1984. Б. 35].

Палеолит даври бифасларининг катта қисмини техник-функционал жиҳатдан тадқиқ қилган проф. Э. Боёда, уларнинг асосан пичоқ вазифасини ўтаганлигини аниқлади. Ушбу бифасларнинг учи хайвонларнинг қаттиқ териларини тешиш ва қирралари эса, териларни арчиш вазифасини бажарган.

Фикримизча, собиқ шўролар адабиётларида бифасларини “кўл чўқморлари” деб аташ ҳамда уларнинг универсал тош қурол сифатида илдиз меваларни казиб олишда қўлланилган, дейиш учун илмий асослар йўқ [Voeda, 1998. P. 17].

Жадвал №1. Ўрта Осиё палеолит даври устахоналарининг функциональ типлари.

№	Устахона:	Том маънодаги	Ихтисослашган
1	Учтут	1	
2	Ижонт	1	
3	Вауш	1	
4	Есен-2		1
5	Қорақудук (1-комплекс)	1	
6	Қорақудук (2-комплекс)		1
7	Қорақудук (3-комплекс)	1	
8	Қапчиғай	1	
9	Қизилолма-2	1	
10	Султон-Увайстов	1	
<b>Жами:</b>		<b>8</b>	<b>2</b>

Ўрта Осиё ҳудудларидан топиб ўрганилган палеолит даври индустриялари ҳам бифасиал ишланган тош қуроллардан ҳоли эмас. Ўрта Осиёдаги энг қадимги бифаслар Фарғона водийсидаги Селунгур маконидан топилган. Улар орасида қисман ишлов берилган бодомсимон, гардишсимон ва юраксимон шакллари учрайди. Бифас қуроллар серияси Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ маконининг қуйи қатламларидан ҳам топилган, бироқ, улар ханузгача чоп этилмаган.

Юртимизда бифасиал анъаналар давом этган ўрта ва сўнгги палеолит даврларига оид палеолит даври маданиятларига хос индустриялар Устюрт платоси ҳудудларида учрайди. Есен 2, Қорақудук ва Шахпахти топилмажойлари материаллари бунга мисол бўла олади.

#### Адабиётлар:

Бижанов Е. Находки памятников палеолита на юго-восточном Устюрте // Вестник КФАН УзбССР, № 3, 1979, с. 48.

Voeda E. Functional analyse des objets bifaciales. Bordeuax. 1998. P. 17.

Касымов М.Р., Крижевская Л.Я. О классификации кремнеобрабатывающих мастерских [\СА](#), №1. М. 1969. С. 265-268.

Любин В.П. 1984. Палеолит Туркмении //СА. N.1. С. 35.

## **BUXORO VOHASI SHISHASOZLIGINING O'ZIGA XOS JIHATLARI**

*Jo'rayev Nurmuhammad Nurmatovich - Samarqand Arxeologiya instituti*

*Buxoro filiali kichik ilmiy xodimi*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Buxoro arxeologiyasida o'ziga xos o'ringa ega bo'lgan qimmatli shisha buyumlar haqida so'z yuritiladi. Shuningdek, ularning ahamiyati va tavsifi keltirilib, umumiy soni, tuzilishi va boshqa hududlardan topilgan shisha buyumlar bilan taqqoslanadi.

**Kalit so'zlar:** Shishasozlik, Varaxsha, Shisha ishlab chiqarish, deraza oynalari

**Аннотация.** В статье рассматривается о ценных стеклянных предметах, занимающих особое место в археологии Бухары. Также дается их значение и описание, а также их общее количество, текстура и сравнение со стеклянными предметами, найденными в других регионах.

**Ключевые слова:** Стеклоделие, Варахша, Производство стекла, оконные панели.

**Annotation.** This article talks about the valuable glass objects that have a special place in the archeology of Bukhara. Their significance and description are also given, and their total number, texture and comparison with glass objects found in other regions.

**Keywords:** Glassmaking, Varakhsha, Glass production, window panes.

Shisha buyumlar - bezaklar, ayniqsa, idish-tovoq va deraza oynalari antik davrda ham, o'rta asrlarda ham ko'pincha rangli toshga taqlid qiluvchi qimmatbaho buyumlar bo'lgan. Yozma manbalarda shisha odatda qimmatbaho sovg'alar qatorida bo'lishi bejiz emas. qimmatbaho toshlar bilan teng. Shisha mahsulotlarining topilmalari, qoida tariqasida, xalqaro savdo bilan shug'ullanadigan yirik shahar markazlaridan keladi.

Shisha buyumlarning mo'rtligi ularni ommaviy ravishda tashishni qiyinlashtirganiga qaramay, xalqaro munosabatlarni yoritishda shisha sirlangan keramika bilan bir qatorda, numizmatik materiallardan keyin ikkinchi o'rinda turadi.

Shisha ishlab chiqarish murakkab va bilim talab qiladigan jarayon bo'lib, shuning uchun katta sarmoya va hokimiyatdagilarning homiyiligini talab qiladi. Hozirgi vaqtda o'rta asrlarda shishasozlik faqat davlat tuzilmalari doirasida mavjud bo'lishi va faqat shahar hunarmandchiligi bo'lganligi isbotlangan haqiqatdir.

Shunday qilib, shisha buyumlar arxeologik manba sifatida jamiyat madaniyatining rivojlanish darajasining o'ziga xos ko'rsatkichidir.

Ommaviy materiallar qatoriga kiruvchi shisha buyumlar hozirgacha maxsus tadqiqot mavzusi bo'lmagan. Ko'pgina maqolalarda shisha mahsulotlari odatda bilvosita eslatib o'tiladi. Shisha zargarlik buyumlaridan yanada baxtlidir - ularning

qisqacha xulosalari yoki sharhlari umumlashtiruvchi monografiyalarning bir qismidir yoki qo'shimchalar sifatida tadqiqotlar bilan birga keladi.

Buxoro qadimiy buyumlarida shisha idishlar va deraza oynalarining mavjudligi birinchi marta L.A.Zimin tomonidan Buxoro shaharlarida olib borilgan keng ko'lamli ekspeditsiya tadqiqotlari tufayli yaqqol isbotlangan. 1936-37 yillarda Varaxshada olib borilgan qazishmalar natijasida topilgan shisha buyumlarning qisqacha mazmuni ayrim mahsulotlarning shakli va dekoratsiyasi haqida ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. V.A.Shishkin morfologik belgilarga asoslanib, materialning manba imkoniyatlarini baholab, aksariyat topilmalarning Buxoro vohasidan kelib chiqishiga ishora qiladi va shisha idishlarning xalqaro aloqalar va joyning xronologiyasini aniqlashdagi ahamiyatini ta'kidlaydi. Buxoro vohasi yodgorliklari shishasining bunday bahosi Shishkinning "Vraxsha" asarida kiritilgan.

Keyinchalik, Buxoroning boshqa shaharlari (Zamonbobo, Poykent Shahriston) qazish ishlari doimiy ravishda bolgar shishasining "birlashtirilgan kolleksiyasini" to'ldirdi.

Buxoro vohasida olib borilgan qazishmalar va kolleksiyalar natijasida ayniqsa boy materiallar to'plangan.. Buxorodagi shisha buyumlarning barcha toifalari - zargarlik buyumlari, idish-tovoqlar, deraza oynalari, lampalar tizimlashtirilgan va texnologik jihatdan tasniflangan.

Ishning natijasi shahar tarixining har bir davri uchun shishaning o'ziga xos butun to'planning tabaqalanishi bo'ldi: mo'g'ullardan oldingi, mo'g'ulgacha, Oltin O'rda. Mahsulot ishlab chiqarish markazlari tashkil etildi va ularni Buxoroga kiritishning mumkin bo'lgan yo'llari ko'rib chiqildi. Birinchi marta Buxoroda IV asrda o'zining shisha ishlab chiqarishi mavjudligi haqida taxmin qilingan. Muallif ushbu muammoning yakuniy yechimini Buxoro shishasining tarkibini ommaviy tahlil qilish natijalariga bog'liq qildi. Buxoroda V.A. Shishkin tomonidan olib borilgan so'nggi qazishmalar Arablar davrida Buxoro shishasozligi mavjudligi foydasiga yangi salmoqli dalillar keltirdi.

Buxoro shishasini o'rganish nafaqat keng to'plamlarning to'planishi, uslubiy ishlanmalar, balki O'rta asrlarning yetakchi hunarmandchilik markazlaridan shisha bo'yicha maxsus adabiyotlarning mavjudligi tufayli ham mumkin bo'ldi.

M.Aminjonovanning sharqona shisha ustidagi ishi so'nggi yetmish yil davomida klassik va tengsiz bo'lib qoldi. Asarlar manbalarining morfologik tahlili, olimning hayratlanarli bilimdonligi va kasbiy intuitsiyasini namoyish etadi. M.Aminjonovanning kitoblarining barcha bu fazilatlarini keng illyustratsiya albomlari bilan birga ularga sharq shishasi tarixiga oid ensiklopediyalar xarakterini beradi. Afsuski, Yaqin Sharqdan shishaning kimyoviy tarkibi bo'yicha ma'lumotlar

bankini to'plash unchalik muvaffaqiyatli emas. Umuman olganda, bu o'rta asr shishasozlikning boshqa markazlari mahsulotlarini o'rganish uchun xosdir.

Buxoro shishasini o'rganishda O'rta Osiyo va Vizantiyadagi shishasozlik bo'yicha ishlar mazmunli va zarur edi.

Yillar davomida olib borilgan qazishmalar joyida shisha buyumlarning keng kolleksiyasi (2000 ga yaqin) to'plangan, ba'zi qazishmalarda shisha ishlab chiqaruvchilarning sanoat inshootlari qoldiqlari topilgan. Ushbu nihoyatda ma'lumotli ommaviy manbaning tahlili va ilmiy muomalaga kiritilishi poytaxtning ikki asosiy vazifasi – xalqaro savdo va hunarmandchilikni yanada to'liqroq va aniqroq ko'rsatish, shuningdek, Poykentdan topilgan shisha buyumlar misolida, bu boradagi ma'lumotlarni to'ldirishga qaratilgan. Kundalik hayot (idish-tovoq, zargarlik buyumlari, boshqa mahsulotlar), arxitektura (deraza oynalari, lampalardan foydalanish), ilm-fan (tibbiyot va kimyo) kabi ko'rinishlarda davlatning shahar madaniyatini o'zida namoyon qiladi.

Buxoro vohasi tarixiga oid yozma manbalarida faqat alohida havolalar mavjud. deraza oynasi lampalari va shisha ohaklari farmatsevtika shishasi sifatidagi 4 turli faoliyat sohalarida shishadan foydalanishning dalilidir, bu ommaviy arxeologik materiallar taqdim etgan ma'lumotlarni tasdiqlaydi va to'ldiradi.

Shisha buyumlar - idish-tovoq va deraza oynalari asosan aholi punktining markaziy qazishmalaridan keladi, ya'ni. eng muhim va boy ob'ektlarni o'rganganlar – Varaxshadagi qazishmaslar, Buxoro shahristonidagi qazishmalar; karvonsaroy - qazilmasi; Bozor maydoni va chet el savdogarlarining mulklari bilan bevosita bog'liq bo'lgan qazishmalar; aholi punktining hunarmandchilik markazi qazilmalari, katta g'ishtli bino, ehtimol saroy majmuasi, qazish ishlari alkimyogar va shisha puflovchi ustaxonalari voha bo'ylab keng taraqqiy etganini ko'rishimiz mumkin. Shisha topilmalarning qazishmalar bo'yicha taqsimlanishi ilovada jamlangan. Ish davomida Buxoro tarixiy, arxeologik muzeyi, Poykent arxeologiya muzeyi, Buxoro muzeyi fondida kolleksiyalaridan 2000 dan ortiq ashyolar topildi.

Yuqori axborot mazmuni tufayli shisha buyumlar kimyoviy tarkibi mustaqil arxeologik manba hisoblanadi. Maqolada Buxoro vohasidan topilgan mahsulotlarning (shisha, refrakter) kimyoviy tarkibini o'rganish natijalaridan foydalanilgan.

Shisha mahsulotlarining kimyoviy tarkibi, tayyorlanish texnikasini Buxoro vohasai hunarmandlari mukammal darajada o'rganishgan edi. Shisha tarkibidagi ko'plab komponentlarning tarkibi, ayniqsa ularning nisbati, birinchi navbatda, qum va o'simlik kulining xom ashyo tarkibini aks ettiradi. Ma'lum turdagi shisha hosil qiluvchi xom ashyolarga mos keladigan reo va biokimyoviy kichik tiplarning kombinatsiyasi sifatida belgilashga asoslangan tizimni ishlab chiqdi. Qo'rg'oshin-

ishqorli shishaning kimyoviy turini aniqlashda qo'rg'oshinning shisha hosil qiluvchi, stabilizator yoki rang beruvchi rolini bajarishdagi rolini to'g'ri aniqlash muhimdir. Shisha-tayyor mahsulotlar va ma'lum bir bio-geokimyoviy provintsiyaning xom ashyolari o'rtasidagi munosabatlarni o'rnatish uchun tuproqshunoslar, paleobotaniklar va geologlarning tadqiqotlari natijalaridan foydalanilgan. Mahsulotlarni tayyorlash texnikasini o'rganish va kolleksiyaning kimyoviy tarkibini tahlil qilish natijalarini talqin qilish Buxoro vohasi shishasining tarkibini hozirgi kunga qadar ma'lum bo'lgan o'rta asr shishasozlik maktablari bilan bog'lash imkonini berdi.

Poykent va Varaxsha manzilgohlarining xom ashyo resurslarining o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish Buxoro shishasining ko'p qismini uning tarkibiy xususiyatlarini tushuntirishga imkon berdi. O'rta asr shishasozlik sanoatida Buxoro shishasi bir butun sifatida ajralib turadi. o'z davrining texnik va estetik talablariga javob beradigan yuqori sifati asosiy komponentlar shuningdek, alyuminiy oksidi optimal mavjudligi tufayli Buxoro shishasi yuqori kimyoviy qarshilikka ega. Umumiy hunarmandchilik an'analari doirasida mahalliy, shuning uchun arzon va arzon xom ashyoning hayratlanarli darajada aniq tanlovi mavjud. Buxoro shisha ishlab chiqarish Yaqin Sharq an'alarining ajralmas qismi sifatida ko'rib chiqilishi kerak. Qolaversa, hunarmandchilikning shakllanish davri ilk o'rta asrlarda Zakavkaz va, ehtimol, Vizantiya maktablari ta'sirida sodir bo'lgan. Ko'rsatilgan shisha ishlab chiqarish markazlari bilan barcha parametrlarda katta yaqinlikni topib, Buxoro shishasining kimyoviy tarkibi, ishqorlar nisbatidan tashqari, Al ning sezilarli darajada mavjudligi, shuningdek, doimiy va barqaror tarkib bilan tavsiflanadi. temir va marganets birikmalarining - bu oxirgi ikki element, boshqa belgilar bilan birgalikda, Buxoro shishasining o'ziga xos ko'rsatkichlari tashkil etadi. Hududda shisha ishlab chiqarish ustaxonalari mavjud bo'lsa, o'z shishasozlik sanoati mavjudligi haqida ishonch bilan gapirish mumkin. O'tgan asrning 60-yillarida Poykentda shisha ishlab chiqarish ustaxonalari mavjudligining yorqin dalillari topildi U yerda olib borilgan qazilmalar davomida shisha tayyorlash ustaxonalari, bu erda pechlar qoldiqlaridan tashqari, ishlov berilmagan shisha massasi bo'lgan qalin devorli shisha idishlar, shisha tomchilari bo'lgan tigellar, temir buyumlar parchalari. (afsuski, yomon saqlanib qolgan) topilgan - ular shisha puflovchi asboblari, xomashyo zaxiralari va sanoat chiqindilari, ko'plab iplar va shisha tomchilari bo'lishi mumkin.

Pechlarning jiddiy vayron bo'lishi ularni to'liq rekonstruksiya qilishni imkonsiz qiladi, ammo to'g'ridan-to'g'ri qo'shni hududdagi pechlar vayronalaridan topilgan barcha topilmalarni batafsil tahlil qilish tuzilmalar va sodir bo'lgan ishlab chiqarish jarayonlarini tavsiflash imkonini beradi. Ularda. bu jihatdan arxeologik tadqiqotlarda topilgan topilmalar ayniqsa muhimdir. Olovga chidamli materiallarni

tahlil qilish pechlarni loyihalashda ulardan differentsial foydalanish to'g'risida xulosa chiqarishga imkon berdi. Poykentda buning uchun material sifatida o'tga chidamli materiallarning maxsus turlari ishlatilgan. yuqori kimyoviy va termal barqarorlik. Ishlab chiqarish ob'ektlarining dizayni, o'tga chidamli materiallarning tabiati va ulardan foydalanishning selektiv tabiati qazish maydonchasida topilgan maxsus pechlarning yuqori xususiyatlarini ko'rsatadi. Issiqlik muhandislik inshootlarini bir xil maydonda ham taqqoslash ikki turdagi ustaxonalarda mavjudligini ko'rsatadi. To'liq ishlab chiqarish sikliga ega bo'lgan ustaxonalarda shisha pishirildi va mahsulotlar ishlab chiqarildi (deraza oynalari va idishlar) Alkimyogar va shisha puflagich ustaxonasidagi o'choqlar oddiyroq va ibtidoiy bo'lib, bu yerda yarim tayyor mahsulotlar va singan oynalarni qayta ishlash orqali maxsus idishlar olingan.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

O'zMA, 17 - jamg'arma, 2 - ro'uxat, 549 - ish, 1 - varaq.

Мухамеджанов А. Р. Историко-топографический план Бухары Ахмада Дониша // Общественные науки в Узбекистане. 1965. №5. -С. 31-42.

Лунин Б.В. Жизнь и деятельность академика В .В. Бартольдда. Средняя Азия в отечественном востоковедении. Изд. «Фан». Т. 1981.

Рожевица Р.Ю.Поездка в Южную и Среднюю Бухару // Известия ТОИРГО. Т. 54.-Т., 1908. - С. 593-653.

## **БУХОРО ШИШАСОЗЛИК МАКТАБИ ТАРИХИДАН**

*Маматалиева Сурайё Бобомуратовна -*

*ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти*

**Аннотация.** Ушбу мақола шишанинг пайдо бўлиши, Бухорода шишасозлик мактаби тарихига бағишланган. Бухоро қадимги Туронда дастлабки шишадан мунчоқлар ясалган ҳудуд ҳисобланади. Бу ерда алоҳида шишасозлар маҳалласи мавжуд бўлган.

**Калит сўзлар:** шиша, шаффоф шиша, рангли шишалар, шишасозлик устахонаси, шишасозлик маҳалласи, ритонлар, шиша идиш ясаш усуллари.

**Аннотация.** Статья посвящена истории возникновения стекла и стеклоделия в Бухаре. Бухара – это один из крупных и известных историко - культурных регионов, где были широко распространены стеклянные изделия. Здесь был отдельный квартал стеклодувов.

**Ключевые слова:** стекло, прозрачное стекло, цветное стекло, стекольная мастерская, соседство стекла, ритоны, способы изготовления изделий из стекла.

**Annotation.** This article is devoted to the history of the emergence of glass, the glassmaking school in Bukhara. Bukhara is the region where the first glass beads were made in ancient Turan. There was a separate quarter of glassblowers.

**Keywords:** glass, transparent glass, colored glass, glass workshop, glass neighborhood, rhytons, glassware manufacturing methods.

Шиша ишлаб чиқариш тарихи узоқ даврга бориб, турли ҳудудларда мустақил равишда бир неча маротаба кашф қилингани адабиётларда қайд этилмоқда [Абдуразаков ва бошқалар, 1963. С. 56]. Қадимги Туронда шиша ишлаб чиқариш милоддан аввалги III минг йиллик охири II минг йиллик давомида амалга оширилганини ҳудудлардан топилган шиша пастасидан ясалган мунчоқлар дарак беради [Абдуразаков ва бошқалар, 1963. С. 76]. Ўрта Осиёдаги энг қадимги шиша мунчоқлар кўринишида милоддан аввалги III минг йиллик охири II минг йиллик бошларига оид бронза даври ёдгорликларини қазिश, ўрганиш жараёнида топилган [Мирзааҳмедов, 2011. С. 96]. Лекин, бу топилмалар ўзимизда яратилган деган гап эмас, асосан бу ноёб тақинчоқлар узоқ савдо алоқалар йўллари орқали олиб келтирилган. Олимлар томонидан Марказий Осиёда мустақил шиша ишлаб чиқариш қачон пайдо бўлгани ноаниқлигича қолмоқда деб фикрлар кўп билдирилади [Шишкина, 1986. С. 18]. Шунингдек, шишанинг пайдо бўлиши қадимги Рим давлати билан маданий алоқалар натижасида шаклланигани ҳам қайд этилган [Бартольд, 1927. С. 15]. Шиша ишлаб чиқариш жараёнини Юнон- Бактрия даврига тегишли бўлган шишадан ясалган идишларнинг топилиши ва Буюк ипак йўлининг очилиши билан белгиловчи олимлар ҳам бор [Тревер, 1940. С. 160.]. Турон шишаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар Н.И. Вселовскийнинг 1884-1885 йилларда Туркистон ўлкаси бўйлаб сафар қилган ва Тўйтепа (Тошкент вилояти), Ахсикент, Ўзган (Фарғона), Афросиёб (Самарқанд)да қазилма ишлари олиб бориши натижасида ёзилади [Веселовский, 1893. С. 119.]. Олимнинг Туркистонда миллий шиша ишлаб чиқариш мавжуд эди деган назарияси катта аҳамиятга эга бўлган. Туркистонга оид илк ёзма манба эса Хитой йилномалари Бей Шида милодий V асрда қайд этилган, Туркистон ҳудудидан Хитойга борган усталарнинг милодий 424-йилда шу ерли халқни шишасозлик сирлари билан таништирганликлари, император учун қизил рангли шишадан махсус тахт ясаб берганликлари, хитойликлар айнан рангли шиша тайёрлаш усулини ўрта осийликлардан ўзлаштирганликлари ҳақида маълумотлар келтирилган [Шефер, 1981. С. 312.]. Хитой ёзма манбаларига кўра, қизил ва яшил рангдаги шиша идишлар “Осмон ўғиллари” (Хитойда ҳукмронлик қилган сулола вакиллари ўзларини шу номда улуғлашган) империясида юқори баҳоланган [Бичуриен, 1950. С. 321.]. Туронда ясалган шиша идишлар Хитой ҳудудигача экспорт қилингани Туркистон ҳудудидан

VII-VIII асрларга қадар мустақил шиша ишлаб чиқариш мавжуд бўлганини тасдиқлайди.

Миср ва Месопотамия каби Туронда ҳам шишадан дастлаб кичик ва рангли мунчоқлар тайёрланган[Абдуразаков ва бошқалар, 1963. С. 76]. Бухоро воҳаси Замонбобо қабристонида топилган шишадан ясалган мунчоқлар ҳам буни тасдиқлайди. Замонбобо қабристонида топилган шиша мунчоқлар Ўрта Осиёнинг энг қадимги топилмаларидан ҳисобланади. Шиша мунчоқларнинг таркиби, ранги, шакли, қандай ясалгани ҳақидаги маълумотлар сақланмаган бўлса-да, Е. Кузмина фикрига кўра, мунчоқлар жанубий ҳудудлардан келтирилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мунчоқларнинг бир қисми Замонбобонинг ўзида ясалгани қайд этилганидир[Кузмина, 1958. С. 30]. Олим мунчоқлар билан бирга тошқолларнинг топилишини сабаб қилиб келтиради. Археологиядан маълумки, тошқолларнинг топилиши шу ерда ясалгани маъносини англатади. Бундан ташқари, Хоразм, Самарқанд, Бухоро воҳасидан Рим даврига оид милоддан аввалги I асрларда ясалган мунчоқлар, ҳайкалчалар топилган бўлиб, олимлар томонидан “Миср фаянси” деб номланган. Бу фаянслар четдан келтирилган ёки, барчаси Мисрда ёки Миср маданияти таъсир доирасида бўлган ҳудудда ясалган деб қайд этилади[Абдуразаков ва бошқалар, 1963. С. 81]. Б.Б. Пиотровский назариясига кўра: Эрон ва Ҳиндистоннинг бронза даври аҳолиси Турон халқлари билан маҳсулотлар алмашиб турган[Абдуразаков ва бошқалар, 1963. С. 77] ва натижада шиша мунчоқлар ҳам товар сифатида кириб келган.

Туронда шиша мунчоқлар ва шишадан ясалган идишларнинг кўпайиб бориши темир давридан бошланади. Бу вақтда шишанинг кенг ёйилгани, барча ҳудудларга тарқалганини кўрсатади. Археологлар томонидан антик даврга оид Туронда шиша устахоналари топилмаган бўлса-да, мустақил шиша ишлаб чиқариш милоддан аввалги сўнгги асрлар милодий асрлар бошига тўғри келиши қайд этилган[Абдуразаков ва бошқалар, 1963. С. 81]. Бухорода 1977 – 1978- йилларда олиб борилган қазилма ишларида ҳам устахоналар топилмаган бўлса- да[Абдуллаев, 1981. С. 52.], VIII асрдан шиша шу ерни ўзида ишлаб чиқарилгани аниқ.

Шиша ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари ҳам хилма-хилдир: эркин пуфлаш, қолипга пуфлаш, қолипга босиш, турли комбинатсияланган техникалар. Безатиш техникаси ҳам эркинлик ва хилма-хилликни намойиш этади: тутқичларнинг юқори қисмини бир вақтнинг ўзида сопол идишларга ўхшаш ясси юмалоқ ёки шарлар билан безаш [Абдуллаев, 1998. С. 132.]. Антик ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда шиша маҳсулотларидан кўп

ясалганлари заргарлик буюмлари ва чекланган миқдорда пардоз буюмлари ҳамда ошхона идишлари ҳисобланади [Мирзааҳмедов, 2011. С. 98].

Шишани пуфлагич найча милодий I аср ўрталарига келиб Суриянинг Сидон шаҳрида кашф қилинди [Абдуразаков ва бошқалар, 1963. С. 60]. Сурия бу вақтда Қадимги Рим империяси таркибидаги провинсиялардан бири эди. Шу сабаб шиша пуфлайдиган найча Қадимги Римда яратилган ҳам дейилади. Шишага пуфлаб шакл бериш технологияси шишасозликнинг тубдан ривожланишига замин яратди. Шишага эркин пуфлаш орқали шакл яшаш ингичка, бежирим шиша идишларни пайдо бўлишига олиб келди.

К. Абдуллаев томонидан Бухоронинг X-XII асрлар шишалари рўзгор (Посудное стекло) шиша идишлари, кимёвий шишалар ва дераза шишаларига бўлиб ўрганилган [Абдуллаев, 1981. С. 52.]. Бухорода бу вақтда шаффоф, яшил, тўқ яшил, ёрқин кўк, тўқ кўк, сарик, бинафша рангли шишадан турли идишлар, дераза ойналари ва кимёвий идишлар тайёрланган. Идишлар яшашнинг эркин пуфлаш, шаклда қолипга пуфлаш, қуйиш техникаси ажратилган. Бухоро идишлари Самарқанд шишаларидан анча нафис эди деган таъриф берилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бухорода шишасозлик устахонаси топилмаган бўлсада, шиша идишларнинг кўплиги шиша Бухорода ясалган деган назарияни каттиқ илгари суришга замин яратган. М. Аминджонова томонидан VIII-XIII аср бошларида атторли идишлар яшаш Бухоронинг Варахша шаҳрида хунармандчиликнинг 33 туридан бири эканлигини қайд этади [Аминджонова, 1961. С. 241.]. Варахша саройидан X-XI асрларга тегишли 2 дона шишадан ясалган ритон топилган. Буни олима тахмин қиладики, сув ичиш ва диний маросимлар вақтида амалларни бажаришда фойдаланган бўлиши мумкин [Аминджонова, 1962. С. 87.]. Худди шундай бошқа 2 дона ритон Тошкент воҳасидан топилган. Бу тўртала ритон ҳам одатий кичик шох ёки метал ритонларга ўхшаш. Ритон ёрқин рангсиз шишадан, безакли ип тўқ рангдаги шишадан ясалган. Шакл бўйича пуфланган, кесик жойлари текис, пуфланган найча излари ритон ички қисмида сақланган. Муаллиф фикрича ритонлар ўрта асрлар ўзбекистони ёки ўрта осийда тайёрланган. Ислом давридан олдин ритонлар диний вазифалар учун ишлатилган, аммо кейинги даврда безак ва бойлик белгиси сифатида меҳмонхоналарда турган бўлиши мумкин. Ўрта асрларда ритонлар Туркистоннинг турли ҳудудида шишадан ясалганини кузатиш мумкин. Умуман хунармандчиликда ритонлар X-XII асрларга оиддир. Ритоннинг айни қайси ҳудуддан топилганини аниқлаш қийин. Булар турли шишасозлик марказларидан топилган. Абу Бакр ар-Розий “Сирлар китоби” да металдан ясалмаган алхимик идишлар ичида шишанинг ўзидан ясалган идишлар хавфсиз ва яхшидир деб ёзади [Аминджонова, 1962. С. 87.].

VIII аср иккинчи ярмидан шиша ишлаб чиқаришда ўзгаришлар кузатилади. Бу даврда Пойкенда шишадан асосан тиббиёт, парфюмирия идишлари, шиша кўзалар ва кўзачалар, кружкасимон идишлар, йирик графинлар, косалар, йирик ликобсимон идишлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ясалган. Шишалар шаҳарликлар ҳаётида кўпроқ қўлланила бошлайди. Лекин шиша ишлаб чиқаришнинг юқори хунармандчилик соҳасига айланиши IX асрларга тўғри келади [Мирзааҳмедов, 2011. С. 98]. X асрда Бухорода шишасозлар номи билан аталувчи Жўйбор ал-Каваририйин канали мавжуд бўлган [Камолиддин, 2016. С. 114]. Бухоронинг X-XII асрлар бадий шишасозлиги ҳақидаги маълумотлар К.Абдуллаев томонидан яхши ўрганилган [Абдуллаев, 1981. С. 52]. X-XIII асрлар ривожланган шиша ишлаб чиқариш вақтида Бухорода шишани пуфлаб ясашган. Идишнинг қалин жойлари ранги қалин, идиш деворлари юпқа жойларида ранги оқариб борган. Идишларнинг рағни сарғиш, яшил, кўк, ҳаворангдан иборат бўлган. Сополларнинг турлари ва шакли шиша идишларга ҳам ўтиб борган. Шишанинг иккинчи марта қайта ишланиши муҳим бўлган. Шиша бадрабдан топилгани боис, даврини аниқ айтиш қийин. Танга ва сирланган кулолсилик билан топилиши даврини аниқлашга нисбий ёрдам берган.

IX-XIII аср бошларида шиша ишлаб чиқариш тараққиёт босқичига кўтарилади. Ҳашамат рамзи ҳисобланган дастурхон ва ошхона идишлари, кимё соҳасида ишлатиладиган колбалар, ганч панжараларни безаган дераза безаклари (медальон) ва бошқалар ишлаб чиқариш асосий аҳамият касб этади. IX аср охирида шиша маҳсулотларнинг тури 21 тадан ошади [Аминджонова, 1962. С. 87.].

XI-XII асрларгача Ўрта Осиёнинг 160 дан ортиқ ёдгорликларида шиша маҳсулотлари топилгани шишасозлик алоҳида аҳамият касб этган хунармандчилик тури бўлганини кўрсатади (шишасозлик маҳсулотлари мўғуллар босқинидан кейин 30 та ёдгорликда аниқланган) [Болиев, 2000. Б. 262.]. Шубҳасис, маҳсулот ишлаб чиқариш техникаси жуда қийин ва мураккаб бўлган. Ислом динидан олдин бу хунар сирлари бир авлоддан иккинчи авлодга яшаш технологияси сир сақланган ҳолда ўтказилган [Мирзааҳмедов, 2011. С. 96.].

Шунингдек шишанинг даврини аниқлашда ҳам чалкашликлар мавжуд. Тадқиқотларда асосан IX-XIII асрларга тегишли шиша идишлар жалб қилинган ва даврий санаси ҳам умумий тарзда шу даврлар билан берилган. Туркистон ҳудудидан топилган шиша идишлар музейларда сақланаётганлари барчаси умумий саналарда кўпинча IX- XIII аср бошлари деб берилган. Сабаби шишани пуфлаш йўли билан ишлаб чиқариш технологияси шу давр оралиғида бир хил ва деярли ўзгармагани ҳисобланади. Бу эса олимларга

даврини аниқлаш имконини камайтиради. Шиша идишлар билан бирга танга ёки сопол бўлаклари топилса даврини аниқлаш осонлашади. Бироқ шиша тез синувчан бўлиб, уларнинг асосан бадраблардан топилиши ишни яна қийинлаштиради [Пидаев, 1986. С. 53]. Бу дегани тангалар билан топилгани йўқ эмас. Эски Термиз худудида тангалар билан топилгани ҳам мавжуд ва даврлаштиришга имкон беради.

Хулоса қилиб айтсак, Бухоронинг Пойкенд ва Варахша шаҳарлари VIII асрлардан шиша ишлаб чиқариш марказларидан бири бўлган. Туроннинг бошқа худудлари каби бу ерда ҳам IX асргача заргарлик буюмлари ва пардоз воситалари ишлаб чиқариш етакчилик қилган. Пойкенд алимбеклари билан машҳур бўлган. X-XI асрларда Бухорода шишасозлик маҳалласи мавжуд бўлган. XIX асргача бўлган даврда Бухоро шишасозлик мактаби ўзига хос тарзда шиша ишлаб чиқаришда давом этган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

Абдуразаков А., Безбородов М., Заднепровский Ю. Стеклоделие Средней Азии в древности и средневековье. Ташкент.1963.

Шишкина Г.В. Ремесленная продукция средневекового Согда. Ташкент. 1986.

Бартольд В.В. История культурной жизни Туркистана. Ленинград.1927.

Тревер К.В. Памятники греко-бактринского искусства. Л., 1940.

Веселовский Н.И. Заметка о стеклянном производстве в Средней Азии, ЗВОРАО, Т. VIII, СПб, 1893.

Кузьмина Е.Е.Могильник Заман-Баба //Советская этнография.1958.№ 2.

Абдуллаев К.. Стеклянные изделия X-XIIвв. из Бухары//История материальное культуры Узбекистана. Вып. 16. Ташкент. 1981.

Абдуллаев К.. Художественное стекло Старого Термеза//История материальное культуры Узбекистана. Вып. 29. Самарканд. 1998.

Шефер Э. Золотые персики Самарканда.Москва, 1981.

Бичурин И.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Москва-Ленинград, 1950. Т.II.

Аминджанова М. О некоторых стеклянных сосудах Мавераннахра//История материальное культуры Узбекистана.Вып. 2. Ташкент. 1961.

Аминджанова М.О. Средневековые стеклянные сосуды из музеев Ташкента и Самарканда// История материальное культуры Узбекистана. Вып. 3. Ташкент. 1962.

Болиев Б. Шишасимон сир технологияси (глазурь) ва унинг аҳамияти. ИМКУ. 2000. ВЫП 31.

Мирхзаахмедов Д.К. Узбекистан// Художественная культура Центральной Азии и Азербайджана IX-XV вв. Том II. Стекло. Самарканд-Тошкент: МИЦАИ, 2011.

Пидаев Ш. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар//. 1986.

Камолиддин Ш. Металлургия и ремесленное производство у древних тюрков. Тошкент, 2016.

## **СОХРАНЕНИЕ И ДОКУМЕНТИРОВАНИЕ ТРАДИЦИОННЫХ ДОМОВ И МАХАЛЛЕЙ В ИСТОРИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ БУХАРЫ**

**Бабаев Сухроб - Азиатский международный университет**

### **Резюме**

Традиционные бухарские дома и махалли - кварталы - являются формой выражения сообщества, они иллюстрируют тесную связь с окружающей средой, поскольку использование земляных материалов и дизайн городской застройки соответствуют суровому климату пустыни. Народная архитектура и махалли в Узбекистане, внесенные в список Всемирного наследия, являются уязвимым и быстро меняющимся наследием. Традиционные методы и ноу-хау утрачиваются и заменяются новыми строительными технологиями, которые в большинстве случаев приводят к необратимым изменениям. Кроме того, их особые атрибуты, делающие их уникальными, также исчезают из-за смены владельца, переделок и адаптивного повторного использования. В этом контексте фрагмент этого наследия, традиционные дома бухарских евреев, был идентифицирован и включен в программу Всемирного наблюдения за памятниками 2020 года, чтобы выступить за их сохранение при сохранении разнообразия и средств к существованию общин. С момента включения Watch Всемирный фонд памятников (WMF) и Международный институт центральноазиатских исследований (ICAS) в партнерстве с Бухарским государственным университетом и другими местными партнерами работали над проектом документирования и сохранения. Команда, собранная для этого проекта, проводит обновленную инвентаризацию трех еврейских махаллей с использованием цифровых технологий, документируя и оценивая физическое состояние домов. В конечном счете, проект направлен на создание рекомендаций по сохранению наилучших практик не только для еврейских домов, но и для всех традиционных бухарских домов, которые будут способствовать повышению осведомленности общественности о традиционных методах строительства. В этом документе представлен процесс, проблемы и предварительные результаты проекта,

способствующего защите этого выдающегося бухарского наречия и общего наследия.

**Ключевые слова:** Бухара, народная архитектура, документация о наследии, общее наследие.

## **1. Введение**

### **1.1. Бухара**

История Бухары, расположенной вдоль Великого Шелкового пути, насчитывает более 2000 лет. Будучи жизненно важным экономическим, культурным и образовательным центром в Центральной Азии, он служил крупным центром исламской культуры на протяжении многих столетий, начиная с периода халифата в 8 веке и заканчивая периодом правления Шейбанидов в Узбекистане, который начался в XVI веке.

В 1983 году исторический город Бухара с более чем 100 памятниками, включая исторические ансамбли, мавзолеи, медресе, мечети, купола, бани, караван-сарай, был объявлен Советом Министров Узбекской ССР музеем-заповедником (Постановление № 308 от 16.05.1983). Десять лет спустя, в 1993 году, Бухара была внесена в список Всемирного наследия ЮНЕСКО как наиболее полный пример средневекового среднеазиатского города, сохранившего свою городскую структуру и исторические здания, и сооружения. Кроме того, городская структура Исторического центра Бухары характеризуется своей традиционной народной архитектурой, организованной в традиционных кварталах махаллей, включая три бухарские еврейские махалли.

С 2008 по 2013 год Ташкентский офис ЮНЕСКО совместно с Департаментом культурного наследия, бывшим Советом по памятникам Узбекистана, в сотрудничестве с местными и международными университетами обследовали 131 исторический памятник, 203 муниципальных здания и 4063 жилых дома в Историческом центре Бухары. Крупномасштабная полевая кампания высветила возникающие угрозы, оказывающие негативное воздействие на традиционную народную архитектуру Бухары (Вилейкис и Аллаярлов, 2015; 2014). Эти угрозы еще больше затрагивают традиционные дома бухарских евреев из-за миграции бухарской еврейской общины и общего характера их наследия в таком многокультурном и полиэтническом городе, как Бухара.

### **1.2 Историческая справка**

Точная дата появления еврейской общины в Центральной Азии, и в Бухаре, в частности, в настоящее время неизвестна. Однако большинство авторов рассматривают существование нескольких миграций евреев в Центральную Азию, главным образом из Персии, с VI по XV век нашей эры,

что привело к возникновению единой еврейской общины, называемой бухарскими евреями, хотя и проживавшей в различных городах Центральной Азии, включая Бухару.

Бухарские евреи жили в мусульманской Центральной Азии в отдельных махаллях, сохраняя свою традиционную культуру и, в то же время, впитывая персидские и среднеазиатские элементы. Этот контекст обеспечил развитие самобытной культуры и занятий бухарских евреев, что также нашло отражение в их уникальной народной архитектуре и городских общественных пространствах их махаллей (Сухарева, 1966).

Что касается Бухары, то в исторических записях XVI века упоминаются три бухарские еврейские махалли в пределах городских стен: Кухна, Нау и Амирибод. В конце 19 века численность бухарских евреев в городе оценивалась примерно в 800 семей. Революция и включение Бухарского ханства в состав Советского государства также повлияли на бухарскую еврейскую общину. По данным переписи 1926 года, численность населения в городе сократилась до 3314 человек (Альмеев, 1998).

Дальнейшее постепенное сокращение еврейского населения Бухары было связано с ослаблением политики Советского Союза в 1970-х годах. Это позволило советским евреям, в том числе бухарским евреям, мигрировать в Израиль. В 1980-х годах численность бухарских евреев превысила 27 000 человек, что было самым высоким показателем в 1980-х годах. Этот процесс в дальнейшем перерос в массовую миграцию бухарских евреев в Израиль и США после распада Советского Союза и создания независимого Узбекистана в 1991 году. По состоянию на 2021 год в Бухаре проживает 170 бухарских евреев (ИА Regnum, 2021) с богатой и яркой коллекцией традиционной бухарской еврейской народной архитектуры, сохранившейся в городской структуре исторического центра Бухары.

2. Проект "Традиционные дома бухарских евреев: документация и стратегии сохранения"

Двухлетний проект "Традиционные дома бухарских евреев" был запущен в 2020 году Всемирным фондом памятников (WMF) и Международным институтом центральноазиатских исследований (ICAS) в партнерстве с Бухарским государственным университетом, Туринским политехническим университетом в Таскенте, Представительством ЮНЕСКО в Ташкенте, Национальной комиссией Республики Узбекистан по делам ЮНЕСКО, Бухарский филиал Департамента культурного наследия и город Бухара. Проект поддерживается Фондом Дэвида Берга и Всемирным фондом памятников (WMF, 2020).

Обусловленный значимостью народной архитектуры в Историческом центре Бухары и ее ценностью для различных сообществ этого города, проект направлен на документирование и разработку стратегий сохранения традиционных домов бухарских евреев и махаллей.

### **3. Методология**

Методология проекта основана на междисциплинарном подходе, включающем историков, архитекторов, археологов, архивистов и специалистов по документации наследия.

Первый этап проекта включал оценку, которая проводилась на двух уровнях масштаба: махалля (городской масштаб) и традиционные дома (архитектурный масштаб). Махалли были нанесены на карту с помощью аэрофотограмметрии. Ограничения были установлены в зависимости от выявленной области обследования. Оценка домов была основана на архивной документации, подготовленной учеными Бухарского государственного университета, обзоре литературы, списке традиционных домов национального наследия (Республика Узбекистан, 2019) в Бухаре, предоставленном Агентством культурного наследия Брач в Бухаре, а также на аэрофото- и наземной цифровой документации, 3D-записи наследия, обследование объекта "от двери до двери" и анкетирование владельцев/резидентов, проведенное командой WMF/ICAS.

Обследованные дома были сопоставлены и/или проинспектированы с обследованием Ташкентского офиса ЮНЕСКО за 2008-2013 годы для обновления и выявления изменений.

## **4. Идентификация традиционных домов бухарских евреев и махалли**

### **4.1. Традиционная народная архитектура Бухары**

Традиционная народная архитектура Бухары развивалась на протяжении многих столетий под влиянием экономических, религиозных и климатических условий, формируя ее уникальные черты. Экономические условия со временем повлияли на размеры домов, количество комнат, строительный материал и его качество, а также этажность, что отразилось на рациональном использовании земельных ресурсов в историческом центре Бухары.

Только состоятельные люди могли позволить себе строить большие дома с использованием импортной древесины, что обеспечивало долговечность конструкции. Такие дома обычно имели богатое внутреннее убранство и требовали дополнительных ресурсов для отопления зимой и проведения ремонтных работ.

Религиозные условия влияли на такие параметры, как высота зданий, их фасады, входы и сооружения. Одно из ключевых отличий исламских домов было обусловлено строгим разделением жилого пространства на женскую и мужскую части. Кроме того, в традиционных исламских домах было два двора, один из них был ташкари - внешний, доступный для гостей, другой был ичкари - внутренний, используемый только членами семьи (Юсупова, 2004). Напротив, в еврейских домах было только одно жилое помещение и один двор. Наиболее значительную роль сыграли климатические условия. Традиционные бухарские дома обычно не имели окон на внешних фасадах. Это было сделано для того, чтобы их жители были защищены от жары и песка. Обычно существовало два типа помещений: летнее и зимнее. Зимние комнаты выходили окнами на юг и обычно имели низкий потолок. В летнем зале, выходящем окнами на север, были очень высокие потолки. Это было сделано для того, чтобы в жаркое лето в доме было прохладно и комфортно (Вилейкис и др., 2017). Эти условия применялись к обоим типам традиционных домов, исламскому и еврейскому.

#### **4.2. Традиционные еврейские дома**

Традиционные дома бухарских евреев имели те же черты, что и остальные традиционные дома в Бухаре, но также кое в чем отличались. Следующие шесть специфических особенностей были определены на основе анализа архивных источников, полевой документации и встреч с заинтересованными сторонами.

Особенность 1: Местоположение. В Бухаре было три махалли бухарских евреев, образованные в разное время истории: 1) Махалля-и-Кухна, начиная примерно с 15-го и в начале 16-го веков. Затем еврейской общине были выделены дополнительные земли в 17-м и 19-м веках, и появились новые махалли: 2) Махалля-И Ноя, новая махалля, и 3) Амиробад (Сухарева, 1976). Позже, в 19 веке, в связи с ростом населения, появилась зона расширения (см. рис. 1).

Особенность 2: Мехмонхона - комната для гостей. Убранство мехнионханы отличалось некоторой оригинальностью, особенно в домах, где она могла служить домашней синагогой. Свитки Торы и молитвенные принадлежности хранились в нишах стены, обращенной на запад, к Иерусалиму. В больших домах богатых евреев Самарканда у восточной стены были построены антресоли с отдельными входами, на которых молились женщины (Аршавская, 2004).

Особенность 3: Еврейское оформление. Помимо традиционных для мусульманского Востока цветочных и геометрических орнаментов, настенные панно включали надписи на иврите, изображения шестиконечной

звезды, рыб и птиц, пейзажи святых для евреев мест (Аршавская, 2004; см. рис. 3).

Особенность 4: Низкая узкая входная дверь. Эта особенность традиционных домов бухарских евреев изначально была обусловлена тем фактом, что бухарским евреям не разрешалось иметь лошадей в городе, и, следовательно, по сравнению с исламскими домами, не было необходимости иметь высокие и широкие въездные ворота (Юсупова, 2004). Особенность 5: Долон - коридор. Низкий узкий вход с улицы вел через крытый Г-образный коридор к системе подвалов и нижнему двору (руи хаули). Г-образные коридоры обычно имели две двери, включая входную дверь и дверь, закрывающую пересечение коридоров, создавая закрытое входное пространство, отделенное от системы подвалов (Юсупова, 2004).

Особенность 6: Система погребов. Во многих домах бухарских евреев был подвал для хранения продуктов питания и сосудов с вином. Однако в Бухаре, чтобы компенсировать нехватку земельного участка, подвалы были преобразованы в комплексные системы погребов с помещениями для производства и хранения предметов домашнего обихода и традиционных ремесел. Система подвалов была устроена вокруг нижнего двора, который имел вымощенную кирпичом крышу и служил полом верхнего открытого двора (Аршавская, 2004). Внутренние дворы были соединены центральной кирпичной лестницей.

Хотя отсутствие разделения в структуре домов на мужскую и женскую части можно было бы считать особенностью традиционной бухарской еврейской народной архитектуры, было решено опустить эту характеристику из-за ее динамичного характера. Внутренняя структура домов постоянно менялась в связи с расширением семьи и другими потребностями. Более того, в 1930-е годы большинство традиционных домов бухарских евреев были национализированы советским правительством и повторно использовались в качестве общественных сооружений или коммунальных домов, поэтому их внутренние структуры пережили последующие преобразования и приспособления для новых функций

### **4.3. Опрос**

В 2021 году был запущен survey для определения текущего состояния махаллей и традиционных домов бухарских евреев. Обследованный район находился в пределах трех еврейских махаллей и дополнительной прилегающей пристройки. 68 традиционных бухарских еврейских домов и две бухарские еврейские синагоги были обозначены на карте на основе адреса или знаний членом команды. Важно подчеркнуть, что только богатые дома в обследованном районе были сохранены с течением времени из-за

долговечности материалов, использованных для тогдашнего строительства, и его высокой важности.

В соответствии с предварительными результатами опроса, только 22 дома из 70 сохранили все ранее введенные черты традиционной бухарской еврейской народной архитектуры.

Небольшое количество хорошо сохранившихся домов с точки зрения особенностей обусловлено постепенным уменьшением численности бухарского еврейского населения. Это привело к приобретению этих домов, расположенных в Историческом центре Бухары, местными отельерами или жителями. Изменение функции и последующая адаптация привели к 1) сохранению всех функций, как это происходит в отеле на улице Турки-Джанди; или 2) потере от одной до трех функций. В некоторых случаях владельцам отелей удавалось купить несколько соседних традиционных домов бухарских евреев и превратить их в единую собственность, как это произошло с одним из домов на улице Эшони Пир. Эти мероприятия в конечном счете преобразуют внутреннюю структуру махаллей гистона.

Независимо от процесса, который затрагивает традиционные дома, мехмонхона и системы подвалов остаются в 96 % случаев наиболее устойчивыми чертами традиционной бухарской еврейской народной архитектуры. В свете этого низкие входы и коридоры считаются наиболее уязвимыми чертами обследованных традиционных домов бухарских евреев, причем в 38% случаев все части домов были значительно изменены

Что касается объекта 3, то основные тенденции сохранения в районе с солнечными глазами заключаются в следующем. (1) еврейские украшения и надписи на иврите сохранились (23%), (2) еврейские украшения сохранились. Надписи на иврите замазаны, побелены или заменены мусульманскими надписями (23%), (3) как еврейские украшения, так и надписи на иврите побелены (около 30%).

Важно подчеркнуть, что религиозная, культурная и этническая принадлежность нынешних владельцев домов не всегда влияет на состояние сохранности объектов. Например, один из наиболее хорошо сохранившихся традиционных домов бухарских евреев на улице Эшом Пир в настоящее время принадлежит мусульманской семье, которая сохранила все оригинальные бухарско-еврейские черты своего традиционного дома, включая еврейские украшения и надписи на иврите.

## **5. Заключение**

Предварительные результаты обследования традиционных домов бухарских евреев в Историческом центре Бухары, внесенном в список Всемирного наследия ЮНЕСКО в 2021 году, подтвердили уязвимость и

быстрое изменение этого типа народной архитектуры, вызванное либо изменением функции, либо сменой владельца таких домов. Это демонстрирует необходимость строгих рекомендаций по сохранению для поддержки местных заинтересованных сторон, включая владельцев домов, власти и профессионалов, в сохранении этих уникальных образцов народной архитектуры Узбекистана, в то же время большинства выявленных особенностей традиционной бухарской еврейской народной архитектуры, включая мехмонхону, система погребов и частично еврейское убранство сохранились независимо от характера вышеупомянутых изменений.

Образцы традиционных домов бухарских евреев, которые в настоящее время принадлежат мусульманским семьям и в которых сохранены все характерные черты, представляют собой выдающийся пример межкультурного и межрелигиозного диалога, характерного для города Шелкового пути Бухара.

#### **Литература:**

Альмеев Р. Бухарские евреи. Историко-культурный отчет. Бухарский государственный архитектурно-художественный музей-заповедник. 1998.

Аршавская З. Жилые дома и синагоги Бухары. Ред. А.Саидова. Трансоксиания: истории и культуры, Институт Открытое общество. 2004.

ИА Регнум. Последние бухарские евреи. <https://regnum.ru/news/3393853.html>. 10 октября 2021.

Национальный список объектов культурного наследия, утверждённый Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2019 года № 265. <https://lex.uz/ru/документы/4548369>

Сухарева О.М. Бухара XIX – начала XX-го веков (Поздне Феодальный город и его население). Наука. 1966.

Вилейкис О., Аллаяров С. Повышение эффективности имплементации Конвенции о всемирном наследии путем укрепления механизма охраны и управления в историческом центре Бухары. В ред К.Вайс. Возвращение в Катманду. Охрана живого городского наследия. стр. 133-140. Офис ЮНЕСКО в Катманду. 2015.

Вилейкис О., Аллаяров С. Усиление роли сообщества в защите исторического центра Бухары и управлении им. Ред. О.Вилейкис. (ред.). 2014. Право на [Всемирное] наследие. стр. 207-218. IAWHP

Вилейкис О., Эскаланте С., Аллаяров С. Фейзулаллаев А. Документация по сохранению: методология и база данных ГИС трех городов, внесенных в список Всемирного наследия ЮНЕСКО в Узбекистане. ISPRS анналы фотограмметрии. Дистанционное зондирование и науки о пространственной

информации. 4-2(2). 311-318. <http://doi.org/10.5194/is-prs-annals-IV-2-W2-311-2017>. 2017.

Всемирный фонд памятников. Традиционные дома бухарских евреев в Узбекистане: Устойчивость, сообщество и управление изменениями [Пресс-релиз] <https://www.wmf.org/press-release/bukharian-jewish-houses>

Юсупова М.А. Два очерка по истории архитектуры Узбекистана, связанные с еврейской диаспорой. В книге "Евреи в Центральной Азии: вопросы истории и культуры". 2004

## **БУХОРОЛИК ТАРАҚҚИЙПАРВАР МУСОЖОН САИДЖОНОВНИНГ АРХЕОЛОГИЯ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

*Жамолова Дилноза*

*Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича  
ўринбосари, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
катта илмий ходим*

**Аннотация:** Бухоро жадидчилиқ ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Мусожон Саиджонов турли йилларда юқори лавозимларда фаолият кўрсатиш билан бирга археология соҳасига жуда қизиққан ва архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш йўлида хизмат қилган ҳамда шу йўналишларда тадқиқотлар олиб борган. Ушбу мақолада Мусожон Саиджоновнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда археология соҳасини ўрганиш, архитектура соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари тўғрисида маълумот берилди.

**Аннотация:** Мусажан Саиджанов, один из крупных представителей Бухарского модернистского движения, очень интересовался областью археологии, занимался охраной памятников архитектуры и проводил исследования в этих областях. В данной статье представлены сведения о жизни и деятельности Мусажана Саиджанова, а также его деятельности в области археологии и развития архитектуры.

**Annotation.** Musojon Saidjonov, one of the major representatives of the Bukhara modernism movement, was very interested in the field of archeology and served in the preservation of architectural monuments and conducted research in these areas. This article provides information about Musojon Saidjonov's life and activities, as well as his work in the field of archeology and the development of architecture.

Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган вакили Мусожон Саиджонов йирик давлат ва жамоат арбоби, маърифатпарвар, етук шарқшунос, археолог ва ўлкашунос олим эди.

У 1893 йилда Бухорода қорақўлтери савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогар Йўлдош Саиджонов оиласида дунёга келган. Мусожон оилада тўртинчи фарзанд бўлиб, Қурбон ва Мухтор исмли акалари, Хадича исмли опаси бўлган. У дастлаб эски усул мактабида, сўнгра Мир Араб мадрасасида, кейинчалик Когондаги рус-тузем мактабида таҳсил олган. Мусожон араб, форс, турк ва рус тилларини яхши билган. Адабиёт, тарих ва география фанларини чуқур ўзлаштирган. Диний фанларни, араб ва форс мумтоз адабиёти намуналарини қунт билан ўрганган [Убайдуллаев, 1967. Б. 15].

Мусожон Саиджонов 1914 йил кузида амакиси Нарзуллабойнинг қизи Ризвонга уйланган. Севарахон ва Нарзуллажон исмли фарзандлари бўлган. Кейинроқ Ҳабиб, Улуғбек ва Салимжон исмли ўғиллари туғилган [Наимов, 2018. Б. 67, 72, 185, 199.].

Ўз устида тинимсиз ишлаши, билим олишга бўлган иштиёқининг кучлилиги ҳамда тафаккурининг ўсиб бориши Мусожон Саиджоновни маърифатпарварлик ҳаракати томон етаклаган ва 1914 йилдан жадидчилик ҳаракатига қўшилган. Жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан Абдурауф Фитрат билан яқиндан танишиб, ундан ўзбек ва араб тили фонетикаси ҳамда граматикаси, ҳисоб, геометрия, география каби фанларни ўрганган. Хорижий ва миллий матбуот саҳифалари орқали мамлакатдаги ҳамда чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганиб, таҳлил қилиб борган [Муҳамедова, 2023. Б. 45].

Мусожон Саиджонов 1914 йили Бухоро жадидларининг “Маърифат” жамиятига аъзо бўлган ва шу йилнинг ўзида жамиятнинг кутубхонасига мудир ҳамда ғазначи қилиб тайинланган. У кутубхона мудирлиги билан чекланиб қолмай, Петербург, Москва, Қозон, Оренбург, Боғчасарой, Истанбул ва бошқа шаҳарларда нашр этиладиган турли-туман сиёсий ва ижтимоий газеталарда чоп этилган хабар ҳамда мақолалар, янги усулдаги таълим тўғрисидаги қўлланмаларни таржима қилиш ва уларда баён этилган маълумотларга алоҳида дафтарчалар тарзида шакл бериб, кутубхона фондидини тўлдириб борган [Муҳамедова, 2012. Б. 206].

Мусожон Саиджонов 1917 йили Бухоро жадидлари янги мактабларни дарслик, қўлланма ва адабиётлар билан таъминлаш мақсадида 1909 йил март ойида ташкил қилан “Ширкати Бухоройи шариф”га (“Бухоройи шариф ширкати”) раис қилиб сайланган ва 1920 йилга қадар жамиятни бошқарган [Ўзбекистон Миллий архиви. И-3-фонд, 2-рўйхат, 513-иш, 52-варақ].

Россиядаги феврал воқеалари Туркистон минтақасига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Туркистон жадидлари мухторият тузиш, Бухоро жадидлари эса мамлакатда демократик тартибларни жорий этиш учун фаол ҳаракат бошлаганлар. Жумладан, 1917 йил 14 март куни Тошкентда “Шўройи ислом” ташкилоти тузилган ва унга дастлаб Абдулвоҳидқори Абдурауфқори ўғли, кейинчалик Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев раислик қилган. Ташкилотнинг мақсади ўлка мусулмонлари орасида ислохотлар ўтказиш ғояларини тарқатиш, минтақадаги барча мусулмонларни ягона фикр ва маслак асосида бирлаштириб, Туркистонга мухторият мақомини бериш учун курашдан иборат бўлган. 1917 йил апрелда ташкилотнинг Самарқанд, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон, Скобелев (Фарғона), Марв, Туркистон, Оқмачит, Ўш, Когон (Янги Бухоро) ва бошқалар шаҳарларда бўлимлари тузилган. Мусо Саиджонов “Шўройи ислом” ташкилотининг Когон бўлими бош котиби этиб сайланган [Наимов, 2018. Б. 78].

1917 йилнинг 15 мартида Ёш бухороликлар партиясининг марказий кўмитаси сайланган ва унинг таркибига Абдулвоҳид Бурҳонов, Абдурауф Фитрат, Усмонхўжаев, Муҳитдин Рафъат, Атоулло Хўжаев, Аҳмаджон Абдулсаъидов, Файзулла Хўжаев, Ҳамид Хўжаев ва Мусо Саиджонов киритилган. 1917 йил 7 апрелда Бухоро амири Олимхоннинг ислохот фармони имзоланиши муносабати билан жадидлар томонидан уюштирилган намойишлар амирнинг норозилигига сабаб бўлгач, барча жадидлар сингари Мусожон Саиджонов ҳам Бухоро шахридан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Бир муддат Когонда яшаган [Хўжаев, 1976. Б.161].

1918 йил март ойида Бухорога Туркистон халқ комиссарлари раиси Ф. Колесов босқинидан сўнг, амир жадидларни давлат хоинлари сифатида жисмонан йўқ қила бошлагач, Мусожон Саиджонов турмуш ўртоғи Ризвон, кизи Севарахон ҳамда ўғли Нарзулло билан Ҳисор беклигига жўнаб кетган 1918 йил кузигача Ҳисорда бўлган Мусожон Саиджонов Қарши, Самарқанд орқали Хўжандга ўтиб кетган. У ерда тоғасининг уйида яшаб, бир муддат мактабдаги бадий хаваскорлик тўғарагида мураббийлик қилган. 1919 йил баҳорида Тошкентга келиб, педагогика билим юртига уч ойлик таълим курсларига ўқишга кирган. Ўқитувчилик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олган Мусо Саиджонов Хўжандга қайтган ва илгари ишлаган мактабида муаллимлик қилган. 1920 йил мактаб битирувчиларини Самарқанддаги педагогика билим юртига олиб келган Мусо Саиджонов Абдурауф Фитрат билан учрашиб қолган ҳамда унинг тавсияси асосида билим юртига тарбиячи вазифасига ишга қабул қилинган. Самарқандда меҳнат фаолиятини бошлаган Мусожон оиласини ҳам Самарқандга кўчиртириб келтирган. У билим

юртидаги фаолиятдан ташқари, Афросиёб шаҳристонидаги археологик казишмаларда қатнашган [Наимов, 2018. Б. 98.].

Амирлик тугатилиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топгач, Мусожон Саиджонов ҳукумати таркибига киритилган ҳамда озиқ-овқат нозири (1920 йил сентябрь-1921 йил март), иқтисодиёт нозири муовини (1921 йил март-август), давлат назорати нозири (1921 йил октябрь - 1922 йил январь), ЧК (Фавқулодда комиссия) раиси (1921 йил август-сентябрь), молия нозири (1922 йил февраль-апрель), Халқ хўжалик олий кенгаши раиси муовини (1922 йил октябрь-1923), Маориф нозири (1923 йил июнь-1924) лавозимларида ишлаган. Мусожон Саиджонов барча лавозимларда халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйган. Жумладан, иқтисодиёт нозири муовини бўлиб ишлаган вақтида Нозирликнинг 1921 йил 13 майдаги илк йиғилишида Давлат иқтисодий мулкни рўйхатга олиш ва сақлаш масаласи юзасидан қоракўл, пахта, жун маҳсулотлари каби қимматли саноат молларига жавобгарлик юклатилган. Мусо Саиджоновга Бухоро Халқ Совет Республикасидаги Давлат товар фондининг асосини ташкил қилувчи бу хом ашёлар билан ишлашни ташкил қилиш ва юзага келган иқтисодий инқироздан имкон қадар тез суратларда чиқиб кетиш учун зарур чоратadbирларни амалга ошириш каби масъулиятли вазифа топширилган [Ўзбекистон Миллий архиви. Р-48-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 115-116-варақлар]. Мусо Саиджонов совет ҳокимиятининг Бухоро республикаси озиқ-овқат захираларни ташиб кетишига қарши чиққан ва “Бухоро ахбори” газетасининг 1921 йил 3 июл сонисида бу ҳолатни танқид қилиб “Иқтисод: ҳақиқатдан йироқ хисоблар” мақоласини ёзган [Саиджонов, 1921 йил 3 июл].

Бухоро республикаси даврида турли раҳбар лавозимларда ишлаган Мусожон Саиджонов Туркистон мустақиллиги учун курашиш мақсадида тузилган “Миллий иттиҳод”<sup>1</sup> ташкилотининг аъзоси бўлган.

1924 йилда Ўрта Осиё ҳудудида ўтказилган миллий-худудий чегараланишдан сўнг, Бухоро республикасида Маориф нозири лавозимида фаолият кўрсатаётган Мусо Саиджонов бир муддат ишсиз қолган. 1925 йилда Ўзбекистон Осори атиқаларини ўрганиш ташкилоти тузилиб, унинг Бухоро

---

<sup>1</sup> “Миллий Иттиҳод” – Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган яширин миллий сиёсий ташкилот бўлиб, 1919-1925 йилларда фаолият олиб борган. “Турк Адами Марказият (Федералистлар) фирқаси” (1917 йил июл) ва “Иттиҳод ва Тараққий” (“Иттиҳоди тараққий”, 1917-1919) яширин ташкилотлари асосида Мунавварқори Абдурашидхон ўғли (1878-1931) ва Садриддинхон Шарифхўжаев (1878-1946) ташаббуси билан Тошкентда тузилган. “Миллий Иттиҳод” ташкилоти большевиклар режимига қарши курашда совет муассасаларида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларга таянган ва ўз олдига Туркистонда миллий мустақил давлатни барпо этишни бош мақсад қилиб қўйган. 1920 йилдан бошлаб ташкилотнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм бўлимилари ташкил қилинган. 1920 йил ноябрда Мунавварқорининг Бухорога бориши ва Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф нозирлигида вақф бўлими мудир вазифасида ишлаши билан ташкилот маркази Тошкентдан Бухорога кўчган. “Миллий Иттиҳод” ташкилоти 1925 йил бошларида ўзини тарқатилган, деб эълон қилган ва кейинчалик унинг асосида “Миллий Истиклол” ташкилоти тузилган.

бўлимисига Мусо Саиджонов мудир этиб тайинланган. У Бухородаги деярли барча тарихий ҳудудлар ва обидаларда илмий текширишлар олиб бориб, ўрганиб чиққан. Тадқиқот натижалари ва қадимий қўлёзмалар асосида “Бухоро шаҳри ва унинг қадимий бинолари”, “Бухоро дарвоза ва масжидларининг вақфи” ва “Сайфиддин Бохарзий мақбараси ва унинг вақф мулклари” мақолаларини ёзган. Мусо Саиджонов томонидан 1927 йилда ёзилган “Бухоро шаҳри ва унинг қадимий бинолари” асарида Арк, Шаҳристон, Регистон, шунингдек, сомонийлар ва аштархонийлар даври иншоотлари ҳақида маълумот берган [Саиджонов, 1927. Б. 29-35.]. Мусожон Саиджонов ўз фаолияти даврида Бухоро амирининг ёзги саройи - Ситорайи Моҳи Хоссани бутунлигича сақлаб қолиш, Аркда археологик қазув ишлари олиб бориш ва амирнинг қимматбаҳо ашёларини йиғиш ишларини амалга оширган.

Мусожон Саиджонов 1928 йили Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси этиб тайинланиши муносабати билан пойтахт Самарқандга кўчиб борган. У Самарқанд, Шаҳрисабз, Нурота, Қўқон, Термиз, Урганчдаги тарихий обидаларни таъмирлаш, асраб-авайлаш, тарихи, топонимикасини ўрганиш ишлари билан шуғулланган. Уларнинг аҳволи ҳақида маълумотлар тўплаб, тарихий жой ва ёдгорликларни рўйхатга олган [Горшенина, 1995. С. 28.].

Мусожон Саиджонов Шаҳрисабздаги Чорсу, Ҳазрати Имом ва Шамсиддин Кулол мақбаралари, Гумбази Саъидон мажмуасини тадқиқ қилган. Амир Темур даврида қурилган Оқсарой, Доруссиёсат меъморий мажмуаларининг қурилиши тарихини ўрганган. Тадқиқотлари асосида “Шаҳрисабз меъморий ёдномалари” асарини ёзган. Самарқанддаги Бибиҳоним, Гўри Амир, Шоҳи Зинда мақбаралари, Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, Шайбонийхон супаси, Чўпон ота, Хўжа Абдударун каби ўнлаб меъморий обидаларда олиб борилган қазилмалари ва ўша даврга оид қўлёзма асарларни ўрганиш асосида “Самарқанд меъморий ёдномалари” асарларини яратган [Абдураимов, 1972. Б. 136-137.]. Шунингдек, Амир Темур шахси, унинг буюк салтанатга асос солиши, ҳарбий юришлари, вафоти, Амир Темур мақбарасининг барпо этилишига оид қимматли маълумотлар берувчи “Гўри Амир” асарини ёзиб тугаллаган [Саиджон, 1929. 28 б.].

Мусожон Саиджонов Ўзбекистон Осори атиқаларини ўрганиш ташкилоти раиси сифатида Ўзбекистонда музейлар ташкил этиш ташаббускори ҳам бўлган. Биргина Бухоро шаҳрининг ўзида Кўкалдош мадрасасида “Бухоро тарихи”, Ситорайи Моҳи Хосса саройида “Бухоро

амирлари сўнгги сулоласининг турмуши” деб номланган музей ташкил қилган [Содиқова, 1981. Б. 117.].

1934 йил 11 сентябрда Бутуниттифоқ коммунистик партиясининг Ўзбекистон бўйича партиявий назорат комиссияси вакилининг ўринбосари Д. Ризаев “Бухоро ва Самарқанд музейларида инқилоб тарихини акс эттиришдаги буржуа бузилишлар ва музей кадрлари таркибидаги жамиятга ёт шахслар тўғрисида” қарор қабул қилган. Унга асосан Ўзбекистон Осори атиқаларни ўрганиш ташкилотининг Самарқанд ва Бухоро бўлимларининг мудирлари Мусожон Саиджонов ҳамда В. Шишкин вазифаларидан бўшатирилганлар. Уларга бўлимда оддий илмий ходим сифатида ишлашларига рухсат берилган [Правда Восток”, 1934].

Мусожон Саиджонов 1935 йилда Ленинградда бўлиб ўтган “Эрон санъати ва археологияси” халқаро III конгрессида “Самарқанд меъморий обидалари тарихидан янги маълумотлар” маърузаси билан иштирок этган [Муҳамедова, 2012. Б. 213].

Ўз умрини халқи учун хизмат қилишга ва илм билан шуғулланишга сарфлаган Мусожон Саиджоновнинг нашр учун таёрланган, лекин қатағонга учраб, чоп этолмаган илмий асарлари ҳам талайгина. Улар Туркистон тарихи, тарихшунослик ва манбашунослик, тил ва адабиёт, география, этнография, астрономия, тиббиёт, мантиқ каби турли фан соҳаларига оид бўлиб, ҳозирда бу қўлёзмаларларнинг бир қисми ФА Шарқшунослик институти жамғармасида, асосий қисми Давлат хавфсизлик хизмати архивида, баъзилари эса Саиджоновнинг авлодлари кўлида ҳамда музей ва кутубхоналарда сақланмоқда.

Ўзбекнинг улуғи Мусожон Саиджонов 1937-1938 йиллардаги оммавий қирғиннинг дастлабки қурбонларидан бирига айланган. У аксилинқилобий миллатчи, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, совет ҳокимиятига қарши кураш ва мустақил буржуа давлати тузиш учун ҳаракат олиб борганликда айбланган. Мусожон Саиджонов 1937 йил 14 октябр куни Бўзсув канали ёнида отиб ташланган [Ражабов, 2022. Б. 227].

Мустақиллик йилларида жаидлар фаолиятини чуқур ўрганиш, уларнинг илмий ва маънавий меросини ёшларга етказиш борасида амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, бухоролик ёзувчи Нусратилло Наимов Мусожон Саиджонов ҳақида “Маърифатга бахшида умр” тарихий қиссаси яратди. Тарихчи олимлар Қахрамон Ражабов, Ҳалим Тўраев ва тадқиқотчи Сайёра Муҳаммедова томонидан мутафаккирнинг ҳаёт йўли, илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини очиб берувчи мақолалар чоп этилди. Аммо шуни ҳам қайд этиш кераки, 2023 йили 130 йиллиги нишонланиши кутилаётган миллат ойдини Мусожон Саиджоновнинг асарлари тўлиқ

жамланиб, “Танланган асарлар” сифатида чоп этилмаган. Бу эса тарихчи олимлар олдига Мусожон Саиджоновнинг илмий меросини ўрганиш вазифасини кўяди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

Убайдуллаев К. Мусажон Саиджонов // “Гулистон” журнали. 1967. № 11. – Б. 15.

Наимов Н. Маърифатга бахшида умр. Бухоро, 2018. 247 б.

Муҳамедова С. Мусо Саиджоновнинг ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2023. 165 б.

Муҳамедова С. Мусо Саиджонов // Тарихнинг номаълум саҳифалари. Учинчи китоб. Тошкент: O'zbekiston, 2012. – Б. 205-214.

Ўзбекистон Миллий архиви. И-3-фонд, 2-рўйхат, 513-иш, 52-варақ.

Хўжаев Ф. Танланган асарлар. Том 1. Тошкент: Фан, 1976. 244 б.

Ўзбекистон Миллий архиви. Р-48-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 115-116-варақлар.

Мусожон Саиджонов. Иқтисод: ҳақиқатдан йироқ ҳисоблар // “Бухоро ахбори” газетаси. 1921 йил 3 июл.

Мусожон Саиджонов. Бухоро шаҳри ва унинг бинолари // “Маориф ва ўқитғучи” журнали. 1927. № 3-4. – Б. 29-35.

Горшенина С.М. Муса Саиджанов – историк, археолог, искусствовед // ОНУ. 1995. № 1-2-3. – С. 28.

Абдураимов М. Саиджоновнинг илмий мероси // “Шарқ юлдузи” юлдузи. 1972. № 9. – Б. 130-139.

Мусо Саиджон. Гўри Амир. “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1929 йил 4-сонига илова. Тошкент, 1929. – 28 б.

Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. Тошкент, 1981. 270 б.

О буржуазном извращении отображения истории революции в Бухарском и Самаркандском музеях и засоренности кадров музейных работников // Газета “Правда Востока”. 16 сентября 1934 года.

Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРда совет режимининг катағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1991 й.). Тошкент: “Фан”, 2022. 400 б.

# БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ, УСМОНЛИ ТУРК ВА БОШҚА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРГАН ҲАРБИЙ АЛОҚАЛАРИ

*Холиков Нодирбек Тохирович*

*ЎР МВ Чирчиқ олий танк қўмондонлик  
муҳандислик билим юрти Илмий ишлар  
ва инновацион фаолиятни таъкил этиш  
бўлими катта илмий ходими, майор.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада XVI аср иккинчи ярмида Марказий Осиёда ўзига хос ўрин эгаллаган, иқтисодий, ҳарбий–сиёсий жиҳатдан юқори мавқега эга бўлган Бухоро хонлигининг ривожланишида бошқа давлатлар билан олиб борилган ўзаро савдо-дипломатик алоқалари алоҳида ўрин тутиши очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Шайбон улуси, хонликлар, Гирайхон, Жонибекхон, Сейди Али Раис, амир Саъид Муҳаммад.

**Аннотация:** В данной статье раскрывается, что во второй половине XVI века торгово-дипломатические отношения с другими странами играли особую роль в развитии Бухарского ханства, занимавшего уникальное место в Средней Азии и имевшего высокое экономическое, военное и политическое положение.

**Ключевые слова:** Шейбанский улус, ханы, Гирайхан, Джонибекхан, Сейди Али Раис, эмир Саид Мухаммад.

**Annotation:** In this article, it is revealed that in the second half of the 16th century, trade and diplomatic relations with other countries played a special role in the development of the Khanate of Bukhara, which occupied a special place in Central Asia and had a high economic, military and political position.

**Key words:** Shayban ulus, khans, Giraykhan, Jonibek Khan, Seydi Ali Rais, Amir Sa'id Muhammad.

Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги турли хил кўринишларга эга бўлган ўзаро дипломатик алоқаларнинг тарихи қадимга бориб тақалади. Илк даврларда мол айирбошлаш шаклида бошланган икки томон муносабатлари тарихий тараққиёт натижасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳарбий турларга бўлиниб, давлат ривожланишида доимо муҳим аҳамият касб этган. XVI аср иккинчи ярмида Марказий Осиёда ўзига хос ўрин эгаллаган, иқтисодий, ҳарбий–сиёсий жиҳатдан юқори мавқега эга бўлган Бухоро хонлигининг ривожланишида ҳам бошқа давлатлар билан олиб борилган ўзаро савдо-дипломатик алоқалари алоҳида ўрин тутди.

XV асрда Шайбон улуси майда-майда хонликларга (уделларга) бўлиниб кетиб, унинг ўрнида бир неча мустақил хонликлар пайдо бўлган эди. Улар

орасида сиёсий ҳокимият учун шиддатли кураш боради. Шайбонийхон дастлаб Мовароуннаҳрга юриш қилганда, кўшинида 92 ўзбек уруғидан олинган аскарлар иштирок этади [Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б.503.].

Хонлик кўшинидаги дасталарда (бўлинмаларда) аскарлар сони бир хилда бўлмаган. Кўшинда сардорларнинг деярли барчаси чингизийлар сулоласи вакиллари бўлишган[Мухаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Б.312.]. Ҳар қайси уруғ ва ҳудуддан мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб ёки давлатдаги нуфузига қараб кўшин сони белгиланган. Бундан ташқари, кўшин таркибида ҳарбий асирлар, қуллар ва бошқа тоифа вакиллари ҳам мавжуд бўлган.

Шайбон улусига кирган қабилалар шайбонийлардан, қозоқлар ва манғитлардан ташкил топган. Ҳокимият учун кураш дастлаб манғит улусида Урал ва Эмба дарёлари ўртасида юз бериб, манғитлар Жумодукхон улусига қарши (Орол денгизининг шимоли, Сарисув ва Эмба дарёлари ўртасида) кураш олиб бориб, 17 минг кишилик армияни Жойтор Жолқин деган жойда тор-мор қиладилар[Аҳмедов Б.А.Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. – Тошкент, 1962.] . Мазкур жангда армиянинг жавонғори (сўл қаноти) га кўмондонлик қилган Абулхайрхон асир олинади. Шайбонийлар наслидан бўлганлиги учун кейинчалик у қўйиб юборилади. Келгуси йили Абулхайрхон Дашти Қипчоқдаги турк-мўғул қабилаларининг 200 дан ортиқ саркардаларининг қўллаб-қувватлашлари билан хон деб эълон қилинади. 1428-1429 йилнинг ўзидаёқ Абулхайрхон бошчилигидаги дашт ўзбеклари Ғарбий Сибирдаги Тура шаҳрини босиб оладилар. Бу шаҳар 1446 йилга қадар дашт ўзбеклари давлатининг пойтахти бўлиб қолади. Жуда қисқа вақт ичида Абулхайрхон майда бўлақларга бўлиниб кетган Шайбон улусининг катта қисмини бирлаштириб, ўз давлатини Олтин Ўрдадан мустақил деб эълон қилади.

1431-1432 йилларда унинг кўшинлари Хоразмни ишғол қилади. Аммо кўп ўтмай вабо касали тарқалганлиги сабабли яна қайтиб кетишади. 1446 йилда у ўзининг кучли рақиби Мустафоҳон устидан ғалаба қозонади. Шу йили Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган ва Темурийларга тегишли бўлган Сифноқ, Арқуқ, Ўзган ҳамда Сузоқ шаҳарларини босиб олгач, Абулхайрхон давлатининг пойтахти Турадан Сифноққа кўчирилади.

Бу давлатга географик жиҳатдан ҳозирги Қозоғистоннинг катта қисми, Ғарбий, Жанубий Сибирь ва Хоразмнинг ғарбий-жанубий томонлари кирар эди. Шундан кейин шайбонийлар Темурийлар давлатининг кўшнисига айланиб, уларнинг тахт учун бўлган можароларида гоҳ унисини, гоҳ бунисини қўллаш билан сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошлаганлар.

Абулхайрхон ўз рақибларини турли йўллар билан таъқиб қилган. Улардан бир қисми, жумладан, Олтин Ўрда хони Бароқхоннинг ўғиллари Гирайхон ва Жонибекхонлар унинг қўвғинидан қочиб, Мўғулистон хони Исобуғахон (Эсонбуға) ҳузурига келишади. Хон уларга Ғарбий Мўғулистон деб ҳисобланган жойлардан Чу водийси ва Етгисув ўлкаларининг бир қисмини беради. Шу ер кейинчалик Абулхайрхон таъқибидан қочган султонлар учун бошпанага айланиб, 1465-66 йилларда Гирайхон ва Жонибекхон Қозоқ хонлигига асос соладилар. Манбаларда қайд этилишича қайд этилишича улар XV асрнинг биринчи ярми ва XVI асрнинг биринчи чорагида ўзларини “ўзбек-қозоқлари” деб аталганлар [Фазлаллах ибн Рузбихон Исфохани. Михманнамеи Бухара. – С. 63, 64, 103, 104].

Бухорода йирик марказлашган давлатга асос солган Абдуллахон II мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида бошқа хонликлар билан алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилган.

Айниқса, ҳудудий жиҳатдан чегарадош бўлган, хусусан, Буюк Ипак йулида жойлашган Қозоқ хонлиги каби мамлакатлар билан бўладиган муносабатларга алоҳида эътибор берган. Ўз ўрнида Қозоқ хони Ҳақназархон ҳам XVI аср иккинчи ярмида Марказий Осиёда ўзига хос ҳарбий ва сиёсий кучга эга бўлган Абдуллахон II давлати билан дўстона алоқаларни сақлашга ҳаракат қилган.

Айниқса Ҳақназархон ҳукмронлиги даврида Бухоро давлатига элчилар келганлиги ва бунга жавобан Абдуллахон II дан ҳам элчи юборилганлиги тўғрисидаги кўплаб маълумотлар буни тасдиқлайди. Жумладан, 1570 йилда икки хон ўртасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро дўстона алоқада бўлишни таъминловчи “қасамий иттифоқ” тузилган [Султонова Г.Н. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркент хонликлари билан алоқалари: Тарих фан. номзоди. дисс. – Тошкент, 2005. – Б.93.].

Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг “Абдуллонома” асарида 1579 йил 25 май куни яна Бухоро давлатига Қозоқ хонлигидан элчи келиб, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга муваффақ бўлганлигини қайд этади [Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. – Б. 346.]. Ҳақназархон то умрининг охиригача Абдуллахон II билан тузган иттифоққа содиқ қолган.

Абдуллахон II бу йул билан иттифоқчиларига нафақат ўз ишончини кўрсатмоқчи бўлган балки, қозоқ султонларини ўзига нисбатан ишончи ва садоқатини ошириш, шу билан бирга ташқи хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган. Шайбонийлар сулоласи айрим давлатлар билан ҳам ҳарбий иттифоқда бўлишган. Турк султонларидан ташқари, Ёркент хонлиги, Кашмир хонлиги ва айниқса, Қозоқ хонлиги билан маълум муддат ҳарбий иттифоқлар

юзага келиб турганлиги тадқиқотларда қайд этилган. Бу иттифоқда қозок хонлиги етакчи ўринни эгаллаган [Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михманнамеи Бухара. – С.23-24].

Бухоро хонлиги ва Усмонли турклар ўртасидаги алоқалар бўйича манбалар мавжуд бўлсада улар ҳарбий–сиёсий жиҳатдан ҳали тўлиқ тадқиқ этилмаган. Кўпроқ ҳарбий соҳа тарихи сиёсий тарих билан умумлаштирилган ҳолда ёритиб келинган.

Биз тўхтамоқчи бўлган муҳим масалалардан бири ўша йиллари Бухоро хонлигининг Усмонли турклар давлати билан ташқи ҳарбий муносабатидир. Тарихий манбаларга эътибор берадиган бўлсак Шайбонийлар давлати хонлари Усманий султонлари билан ўзаро муносабатлар ўрнатиб, душманларига қарши биргаликда курашишга ҳаракат қилган. Бунга бир қатор сабаблар бор эди: 1. Диний-мафкуравий сабаб. Яъни, ислом динининг шиа мазҳабидаги Эрон давлати ва сунний мазҳабдаги Усмонли турклар ва Бухоро хонлигининг дин пешволарининг азалдан келиша олмаганлиги;

2. Машҳад ва Марв йўлидаги хавфни, шиа ва сунний мазҳаблари ўртасидаги зиддиятлар янада кучайтирганлиги. Ўрта Осиё хонликлари билан Эрон ўртасида содир бўлиб турадиган тўхтовсиз урушлар ҳамда хонликлар ўртасидаги ўзаро низолар натижасида Машҳад – Марв йўлининг аҳамияти пасайиб борди. А.Вамбери маълумотига кўра, Машҳаддан Бухорога борадиган карвонлар ўн кунлик йўл бўлишига қарамай, бошқа узоқроқ (Ҳирот – Маймана – Андхой орқали) уч баробар узоқ бўлган йўлдан боришга мажбур бўлардилар. Шунингдек, бу йўлда тез-тез қароқчиларга ҳам дуч келиш мумкин эди.

Машҳад – Марв йўлидаги хавфни шиа ва сунний мазҳаблари ўртасидаги зиддиятлар янада кучайтирганлиги боис, Ўрта Осиёлик ҳожилар ҳам Маккага боришда, кўпинча Оренбург-Астрахан-Усманийлар ҳудудлари орқали узоқ, бироқ хавфсиз йўлни афзал кўрардилар [Раҳмонқулова З, Тошкент, 2020. – Б.513]. Бу йўл Ўрта Осиё ва Усманийларнинг муносабатларида муҳим роль ўйнади.

Усманийлар султони Салим I (1512-1520) нинг Бухоро хонлиги билан иттифоқ тузиш ҳаракатлари элчилик алоқалари ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бухоро хонлиги ва Усманийлар султонлари ўртасидаги сиёсий алоқалар тарихига оид бир қатор манбалар бизгача етиб келган. Шулардан бири Сейди Али Раиснинг “Миръотул мамолик” (Мамлакатлар кўзгуси) асари. Сейди Али Раис XVI асрда яшаб ижод этган турк муаллифидир. У Ўрта Осиёда “Котиби Румий” номи билан танилган.

Сейди Али Раис Усманийлар давлати ҳарбий денгиз флотининг асосчиси, назариячиси ва машҳур турк адмиралидир. У 1548 йилда

Усманийлар султони султон Сулаймон Қонуний (1520-1566) нинг Эронга қилган ҳарбий юришларида ва 1552 йилда Кипр жангларида ҳам қатнашган. Сейди Али Раис шу жангларда кўрсатган катта ҳарбий маҳорати туфайли Султон Сулаймон Қонунийнинг чексиз ҳурматига сазовар бўлиб, кейинчалик Ҳалаб султони қилиб ҳам тайинланган [Азимжонова С. Сейди Али Раис ва унинг “Миръот ул мамолик” асари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.8.]

Кейинчалик Мисрга кўшин командири қилиб тайинланиб, Португалиянинг Сувайш каналидаги флотига қарши курашиш учун юборилади. Аммо жангда турк флоти мағлуб бўлиб, қолган кемалари билан Шимолий Ҳиндистонга боради. Сейди Али Раис Ҳиндистонда бўлиб, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюн Мирзо билан учрашади [Абдуллаев Ф. Маърифат фидойиси // Шарқшунослик журнали. 1999. №9. – Б.185].

Унинг асарида мамлакатдаги сиёсий вазият, Бухоро ҳукмдори Абдуллатифхоннинг вафоти, тахтини эгаллаш учун олиб борилган курашлар акс эттирилган. Наврўз Аҳмадхон Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухорони эгаллагани ва Шаҳрисабзда бўлиб ўтган жангда турк аскарларининг бир-неча бошлиқлари ҳалок бўлганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Наврўз Аҳмадхон Самарқандга қайтиб келгач турк аскарларининг бир қисми Аҳмад Човуш билан Румга қайтиб кетади. Қолган бир қанча яничар (турк аскарлари)лар Бухорода, Наврўз Аҳмадхон ёнида эса юз элликка яқини қолади. Дастлаб Наврўз Аҳмадхон ҳузурида уч юзта турк аскари бўлган [Азимжонова С. 1963. – Б.34.] .

Турк аскарларидан мамлакат ичидаги сиёсий вазиятларни изга солишда фойдаланилганидан Усманийлар султони мамнун бўлмаган. 1551 йилларда Султон Сулаймон Қонуний Абдуллатифхонга Аҳмад Човуш орқали маълум бир миқдордаги ўқчи ва отлик аскарлар юборади [Сейди Али Раис, 1963. – Б.97-106.].

Америкалик олим Картер Ван Финдлий ўзининг “Турклар–жаҳон тарихида” номли монографиясида шайбонийлар даври, уларнинг давлат бошқаруви ва кўшин тузилиши, ҳарбий либослари ҳамда истилочиликдаги муваффақиятлари ҳақида баъзи фикрларни келтиради.

Туркиялик тарихчилар ичида ҳам Бухоро хонлиги ҳарбий санъати тарихи бўйича тадқиқот олиб бораётган олимлар бор. Улар ичида Мустафо Будақ ва Ремзи Қиличларнинг мавзу тарихшунослигини бойитишга хизмат қилувчи ишларини айтиб ўтиш мумкин. Улар томонидан Ўрта Осиё хонликлари ва Турк султонлиги ўртасидаги муносабатлар масаласи таҳлиliga бағишлаб ёзилган мақолаларда Бухоро хонлигининг ҳарбий тизими ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд. Хусусан, тадқиқотчи М.Будақ

Ўзининг турк-ўзбек муносабатларининг бошланишига бағишланган тадқиқотида турк султонларининг Эронга қарши Бухоро шайбонийлари билан ҳарбий-сиёсий иттифоққа интилганлиги, бу борада Бухорога ёрдам тариқасида ҳарбий кучлар юборилганлиги масалаларини ёритган.

Усмонли Турк султонлиги ўртасидаги муносабатлар масаласи таҳлилига бағишлаб ёзилган мақолаларда Бухоро хонлигининг ҳарбий тизими ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд. Хусусан, тадқиқотчи М.Будак ўзининг турк-ўзбек муносабатларининг бошланишига бағишланган тадқиқотида турк султонларининг Эронга қарши Бухоро шайбонийлари билан ҳарбий-сиёсий иттифоққа интилганлиги, бу борада Бухорога ёрдам тариқасида ҳарбий кучлар юборилганлиги масалаларига тўхталади.

Тадқиқ этиш йўлида шайбонийлар ва аштархонийлар даврида Усмонли турк кўшинидан фойдаланиш шартномавий-иттифоқчилик турида шакллантирилганлигини билишимиз мумкин. “Шарафномаи шоҳий”да бу муносабатларга оид айрим қимматли маълумотларни учратамиз.

Бунда турк султони Сулаймон I (1520–1566) билан Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) ўртасида Исмоил Сафавийнинг ўғли шоҳ Таҳмосп I (1524–1576) га қарши ҳарбий иттифоқ тузилганлиги ва улар Сафавийлар Эронига қарши биргаликда кураш олиб боришга аҳд қилганликлари айтилган. Шунингдек, бундай иттифоқ Шайбонийхон билан турк султони Боязид II (1481-1512) ўртасида ҳам бўлган. Лекин, Боязид II билан Шайбонийхон, Сулаймон I билан Бароқхон ўртасида бу ҳақида расмий шартнома имзоланганлиги маълум эмас. Манбаларга эътибор берадиган бўлсак Тошкентда ва Мовароуннаҳрнинг баъзи вилоятларида айрим турк ҳарбий қисмларининг жойлаштирилганлиги маълум шартномасиз бўлмаган, албатта.

Турк султонларининг бошқа ҳукуматлар билан олиб борган ёзишмалари тўпламида юқоридаги фикримизни тасдиқловчи қимматли маълумотлар бор.

1514–1515 йили Убайдуллахоннинг элчиси амир Саъид Муҳаммад Усманийлар давлатида бўлган ва Султон Салим (1512—1520) билан музокаралар олиб борган. Султон Салимнинг элчиси Муҳаммадбек эса ўша йили Мовароуннаҳрга келган. Султон Салим ўз мактубида Убайдуллахонни “қизилбошларга” қарши курашишга чақиради. Ўрта Осиёдаги можаролар диний ниқобга ўралган бўлиб, аслида эса Ғарбий Эрон, Кавказ ва Хуросон учун олиб борилган сиёсий кураш натижаси эди. Лекин бу муносабатлар Эрон, Кавказ масаласи билангина чекланиб қолмаган. Усманийлар 1551–1557 йилларда Шайбонийларнинг ички курашларига ҳам фаол аралашганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

XVI асрнинг биринчи чорагида Тошкентда Наврўз Аҳмадхон (Барокхон) ҳузурида 300 турк аскарлари хизмат қилган. Усманий турклар ўзбек султонларини милтиқ ва ўқ-дори билан ҳам таъминлаб турганлиги айтилган. Ана шу турк аскарлари Барокхон ва унинг ўғиллари, хусусан, Бобо султон тарафида туриб Насаф ёнида Абдуллахонга қарши жангларда қатнашганлар. Бу ҳақида “Шарафномаи шоҳий” асарида қуйидагиларни ўқиймиз: “... Бобо султон жанг ноғорасини уриб, фитна ва низо учун кўтарилди, адоват отини жойидан силжитиб, уруш сафини бегади. Румий, найзабоз, милтиқ отувчилардан бир қанча гуруҳга(лашкарнинг) ўнг қанотидан жой берди”.

Бундан ташқари, турк аскарларининг кўп сонли эканлиги, ҳатто, баъзи бир ўринда уларнинг аниқ сони кўрсатилади. Усмонли турклар шартнома асосида қўшинга ўточар қурооллардан фойдаланишни ўргатиш, замонавий усулда сарбозларни жангга тайёрлаш машқларини ўтказиш билан шуғулланишган [Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған, 2009. – Б.394.]. Масалан, Ҳофиз Таниш Бухорий қуйидагича ҳикоя қилади: “(Бурхон султон) кўп халқ, сон-саноксиз гуруҳ (ва) икки мингга яқин румлик турк аскарлари билан қалъа томонидан Хожа Нақшбандий номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийнинг фойза сармозори дарвозасидан (ташқарига) чиқди. Уларнинг (турк аскарларининг) ҳунари милтиқ отувчилик бўлиб, ҳар бири бу ишда шу қадар моҳир эдики, (ҳатто) қоронғу кечада (ҳам) ҳабашнинг юзидаги (қора) холни милтиқ ўқи билан (бемалол) ура олар эди”.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Усманийлар ҳукумати Сафавийлар билан бўлган урушларда шайбонийхонларининг кучидан фойдаланиш учунгина эмас, балки Мовароуннаҳрда Усманийлар сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида ҳам бу ички курашларда фаол қатнашдилар. Масалан, Наврўз Аҳмадхон 1553–1556 йилларда Абдуллахонга қарши урушларда, Кўчкунчихоннинг набираси Жавонмардалихон Самарқанд учун Бухоро султонларига қарши курашда турк яничарларига ва машшоқ (муҳандис)ларига таянган.

Улар баъзида шахзодаларнинг тахт талашиб курашларида гоҳ у, гоҳ бу султон тарафида туриб жангда қатнашганлар ва шу тариқа давлатнинг ички ишларига ҳам аралашганлар.

Мовароуннаҳрда бўлган турк адмираллари ва сайёҳи Сейди Али Раис шайбонийларга хизмат қилаётган усмонлиларнинг қўшинлари ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: “... саодатли подшоҳ (Турк султони) шайх Абдуллатиф ва Додош элчи орқали Наврўз Аҳмадхонга бир қанча милтиқ отувчилар ва бир қанча қалъа тўплари юборган. Бухоро ҳокими Бурхон Султон (Убайдуллахоннинг набираси, Муҳаммад Раҳим Султоннинг ўғли) ва Наврўз Аҳмадхонларнинг Шаҳрисабзда бўлган тўқнашувларида

румликларнинг бир канча бошлиқлари ҳалок бўлган. Шундан кейин румликларнинг бошлиқларидан бири ўз ёнига бир канча кишиларни олиб, Тошкент ва Туркистон йўли билан Румга жўнаган бўлса, яна бир Аҳмад човуш исмли румлик Бухоро ва Хоразм йўли билан Румга қайтган.

Хабарда Эрон шоҳининг Сейди Али Раисдан “Сизлар бизга қарши Бухорога 300 ҳарбий яничар юборгансизларми” дея сўраганлиги ҳамда усмонли турклар султони Сулаймон томонидан Наврўз Аҳмадхонга Эрон билан курашда кўмаклашиш мақсадида 300 кишилик яничар ва бир тўпчи бўлинма юборилганлиги таъкидланади [Remzi Kılıç, Ankara, 2001. – В. 46; Akdes Nimet Kurat, 1966. – В. 65.]. Аммо бу суҳбат 1555 йилда бўлганлигини эътиборга олсак, кейинги йилларда турклар сони кўшинда кўпчиликни ташкил қилган. Масалан, Бобо султон (Наврўз Аҳмаднинг ўғли) Абдуллахон ҳимоя қилган Насаф қалъасини қамал қилганида (1554) кўшиннинг ўнг кўлига румликлар жойлаштирилган Бухоро хони Абдуллахон Бухорони қамал қилганида, шаҳар ҳокими Бурхон султон жангчиларининг аксарияти румлик тўфангдозлардан иборат бўлган. Кейинчалик, Абдуллахон барча шайбоний султонларни енгиб, Мовароуннаҳрни бирлаштирганидан кейин, румлик тўфангчилар унинг кўшини сафида хизмат қилганлиги ва уларнинг сони 2000 дан ошганлиги ҳақида манбалар хабар беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Шайбонийхонлар давлати армиясида унга ҳали тобе бўлмаган давлатлардан ҳам турли тоифадаги шартнома асосидаги курулланган жангчилар бўлган. Тарихчи Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг маълумотига кўра, кўшинда Мовароуннаҳр ва Хуросондан ташқари, Туркистон, Кирмон, Ироқ ва бошқа ҳудудлардан келганлар кўпчиликни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Ҳудудий жиҳатдан чегарадош ерларда қирғиз ва қозоқларнинг ҳам Мовароуннаҳрга кириб келиши, асрлар давомида кузатилган.

Айнан XVI асрнинг биринчи ярмидан XIX асргача ҳам турли сабабларга кўра уларнинг Бухоро хонлиги аҳолиси таркибига кўшилиши давом этган. Қозоқ ва қирғизларнинг XVI аср иккинчи ярмида Хўжанд ҳамда Зарафшон водийсига жойлашуви юз берганлиги кўрсатади. “Убайдуллонома” асарида Андижон, Оққутол ва Тошкент ҳудудларида жойлашган қозоқлар ёки Субҳонқулихон кўшинида ҳаракат қилган қозоқ ҳарбий гуруҳлари тўғрисида маълумотлар бор.

#### **Фойдалиниланган адабиётлар**

Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Б.312.

Аҳмедов Б.А. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. – Тошкент, 1962.

Султонова Г.Н. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркент хонликлари билан алоқалари: Тарих фан. номзоди. дисс. – Тошкент, 2005.

Раҳмонкулова З. Турк тилидаги манбаларда Ўрта Осиё хонликлари ва усмонийлар давлати ўртасидаги алоқалар ҳақидаги маълумотлар // Академик А.Р. Муҳаммаджоновнинг фан тарихи ривожига қўшган ҳиссаси номли конференция материаллари. – Тошкент, 2020.

Азимжонов С. Сейди Али Раис ва унинг “Миръот ул мамолик” асари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1963.

Абдуллаев Ф. Маърифат фидойиси // Шарқшунослик журнали. 1999.

Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. – Тошкент: Фан, 1963.

Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И.Бекжонов, Д.Сангирова. – Т.: Шарқ, 2009.

Remzi Kılıç. Osmanlı sıyası ilişkileri (1530-1555) // Tarih konuları. – №2. – Ankara, 2001. – В. 46; Akdes Nimet Kurat. Türkiye ve Idil Boyu. – Ankara, 1966.

## **“ЁШ ТУРКЛАР” ИНҚИЛОБИ: БУХОРО ВА УСМОНИЙЛАР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ ХУСУСИДА...**

*Орзиев Маҳмуд Зайниевич-*

*БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада “Ёш турклар” инқилобидан сўнг, Бухородаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда Усмонли турк давлати таъсирининг ошиб бориш масалалари таҳлил қилинади.

**Аннотация:** В данной статье анализируются вопросы усиления влияния Османского государства на общественно-политические процессы в Бухаре после «младотурецкой» революции.

**Abstract:** This article analyzes the increasing influence of the Ottoman Turkish state in the socio-political processes of Bukhara after the "Young Turks" revolution.

XX аср бошларида ҳам Усмонли турк давлати бутун мусулмон оламининг етакчиси, Усмонли турк султони эса барча мусулмонларнинг халифи ҳисобланган. Усмонлилар империясида содир бўладиган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ўзгариш Шарқ дунёсига катта таъсир кўрсатган. Шу нуқтаи-назардан 1907-1908 йиллардаги “Ёш турклар” инқилоби ва унинг илғор ғоялари мусулмон шарқида жумладан Бухорода ҳам катта таъсир кўрсатган.

Усмонли турк давлатидаги XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жумладан 1907-1908 йиллардаги “Ёш турклар” инқилоби Шарқ мусулмон мамлакатларида ҳам антифеодал чиқишлар, ислохотчилик

ҳаракатларининг авж олишига туртки бўлиб хизмат қилган [Халфин Н.А. 1959. – С. 208]. Россия империясига қарам бўлган Бухоро амирлигида жаҳидларнинг янги усулда таълим бериш ва фан-техника ютуқларидан фойдаланишга бўлган интилиш кучайишига сабаб бўлган. Шунингдек, миллий истиқлол учун ҳам ҳаракатлар вужудга кела бошлаган бўлиб, 1908 йил “Ёш турклар” инқилобидан сўнг, турк тарғиботчилари фаолияти айниқса кучайган. Тарғибот диний йўналишда ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, диний мутаассиб уламолар Зарафшон воҳасида яшовчи шиа-эрониларни Россия империясининг айғоқчилари сифатида кўрганлар [Россия-Средняя Азия... 2013. – С. 113]. Бу ҳол диний-мазҳабий низолар келиб чиқишига замин ҳозирлай бошлаган. Эҳтимол, келажакда содир бўладиган сунна-шиа жанжалида Бухоро уламолари Усмонли турк султони мададига умид қилганлар, деб хулоса қилиш мумкин.

Бухоронинг ўзида бу вақтда ижтимоий вазият Усмонийлар учун етарли даражада қулай бўлмаган деб хулоса қилиш учун барча асослар етарли. XX аср бошларида авж олган янги усулда таълим бериш ва ёшларни саводини тез чиқариш борасидаги жаҳидлар уринишлари мутаассиб уламолар томонидан кескин қаршиликларга дуч кела бошлаган. Бу каби муносабат “Ёш турклар”нинг қарашлари ва тутган сиёсатига у қадар мос келмаган. Усмонли матбуотида ушбу фикрларимизни асослашга хизмат қиладиган фикр-мулоҳазалар етарлича мавжуд. Бухородаги янги усул мактаблари ва уларни ёпишга бўлган уриниш хусусида бир қатор танқидий мақола ва хабарлар чоп этилган. Масалан, 1910 йил Истамбулда чоп этиладиган “Таарифи муслимин” (“Мусулмонларнинг ўзаро биродарлашуви”) журналинда “Бухородан мактуб” номли махсус мақола чоп этилиб, унда янги усул мактаблари тарафдори бўлган домла Икромчага унинг рақиблари бўлган Аълам Гиёс, муфти Абдураззоқ, уларнинг тарафдорлари бўлган яна беш киши томонидан домла Икромга таҳдид қилиниши, янги усул мактаблари очиш тўғрисидаги фатвосини қайтариб олишларини талаб қилишлари билан боғлиқ жараёнлар келтириб ўтилган [ЎзМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд. 38 varaқ, 38 varaқнинг орқа томони]. Бухоро руҳонийларининг янгиликлар, замонавий тараққиётни қабул қилмаслиги, мутассиблиги Бухоро ва Усмонийлар империяси муносабатларида етарли даражада ўзаро бирлик бўлмаганлигини ҳам кўрсатиб беради. Туркларнинг моддий ва техник мадади билан мутаассиб уламолар Бухородаги энг ўткир ижтимоий зиддиятлардан бири бу сунна-шиа зиддиятларини ҳал этишга киришганлар. Усмонли турклар Россия империяси билан сиёсий рақиблар бўлганлиги боис юқоридаги каби қарашларга эга бўлган уламоларга ҳам ёрдам кўрсатишга мажбур бўлган. 1910 йилда Бухоро амирлигида содир бўлган диний мазмундаги қон тўқишларда ҳам турк тарғиботчиларининг қўли борлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилади. Жумладан, Бухоро амирлигининг XX аср бошларида Россия империяси билан муносабатлари тарихини ўрганган олим Т.Г. Тўхтаметов шундай хулоса берганлигини кўришимиз мумкин [Тўхтаметов Т.Г. 1977. – С. 34]. Бухорода содир бўлган диний мурасасизлик ҳолати ўша давр қатор мусулмон даврий матбуотида кескин

кораланган. Туркия матбуоти ҳам бу қон тўкилишларга қарши туркум мақолалар чоп этганлигини кўриш мумкин. Масалан, “Сироти мустақим”нинг 1911 йил 13 январидаги 125-сониди, “Бухоронинг ҳозирги аҳволи [Сироти мустақим. 125-сон, 1911 йил, 13 январ; ЎзМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд. 101-102 varaқлар]”, № 107-108 сонларда “Бухоро мустақиллигига таҳдид [ЎзМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд. 20 varaқ]”, “Ҳикмат” журналининг иккинчи сентябр сониди “Марказий Осиё ва Афғонистон [ЎзМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд. 20 varaқнинг орқа томони]”, “Таарифи муслимин”нинг 14-сониди “Рухонийликка чорлов [ЎзМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд. 20]” кабиларни келтириб ўтиш мумкин. ТРҚБ (Туркистон район кўриқлаш бўлими) раҳбарияти томонидан таҳлилдан ўтказилган “Бухородан мактуб” номли “Таарифи муслимин” журналининг 1910 йил 9-сонидидаги мақола мазмунида 1910 йилги сунна-шиа жанжали, янги усул мактаблари борасида домла Икромчага таҳдид қилиниш масалаларига доир маълумотлар келтирилаган ва Бухородаги бу каби ижтимоий зиддиятларда амирлик, рухонийларнинг фаолияти кескин танқид қилинган. Шунингдек, мақолада Россия давлатининг Бухорога ўтказган зулми натижасида ижтимоий зиддиятлар кескинлашиб бораётганлигига эътибор қаратилиб, русларга қарши аҳолини кўзғашга қаратилганлиги билан ажралиб турганлигини кўриш мумкин [ЎзМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд. 38-varaқ, 38-varaқнинг орқа томони, 39-varaқ, 39-varaқнинг орқа томони, 40-varaқ]. Усмонли турк матбуоти уламоларнинг эскича қарашларини танқид қилсада, аҳолини оммавий равишда Россия империясига қарши курашга даъвад этишдан тўхтамаган.

Бухорода содир бўлган сунна-шиа жанжали ва қон тўкилиш ортидан Россия империяси ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилганлигини архив манбаларидаги маълумотлар тасдиқлайди. Усмонли турк давлатига хайрихоҳ ва турк тарғиботчиларининг асосий ҳомийси бўлган Бухоро шаҳар раиси лавозимида бўлган Бадриддин сиёсий агентлик талаби билан вазифасидан олинган ва Қарши шаҳрига қози сифатида юборилиб, амалда Бухородан сургун қилинган. Бу эса Бухорода Усмонли турк тарғиботчиларига берилган катта зарба эди. Аммо, кейинчалик уламоларнинг амирга ўтказган босимлари ва талаби билан Бадриддин 1913 йилда Бухоро шаҳрига чақириб олиб, амирликнинг қозикалони этиб тайинлашга мажбур бўлганлиги архив ҳужжатларида ўз аксини топган [ЎзМА, И-3 фонд, 3-рўйхат, 269-йиғма жилд, 7-9 varaқлар, Шодиева Ш.С. Бухоро амирлигининг Усмонийлар империяси билан ўзаро муносабатлари тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Бухоро, 2022. 56 б ]. Қози Бадриддин хусусида тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларда, у Туркия давлати раҳбарлигида барча мусулмон давлатларни бирлаштириш ғояси тарафдори эканлиги, Туркия фойдасига маблағлар йиғишда фаол иштирок этиши, бир гал Усмонли турк султонида моддий ёрдам сифатида 300 минг рубль миқдорида маблағ юборганлиги, Бухоро амирлигида фаолият олиб борадиган турк разведка вакиллари,

тарғиботчиларига унинг томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилиши, совғалар улашилиши ва энг муҳими Бухоро амирлигида эркин юришлари учун рухсатномалар улашиш билан шуғулланганлиги қайд этиб ўтилган[2. Борьба Петербурга и Стамбула..., Шодиева Ш. Бухорода герман-турк жосуслик фаолияти // “ЎзМУ хабарлари” илмий журнали. 2022. №1/3. – Б. 55-57.]. Бу ҳаракатлар амирлик аҳолиси орасида Россия империясига қарши қайфиятни кучайишига туртки бўлган.

Бухородаги мавжуд вазиятдан олий даражадаги уламолар ҳам норози бўлиб, амирлик тартиблари ва мавжуд тузумдан, Россия империяси таъсиридан қутилиш учун Туркия ва Бухоро билан қўшни Афғонистон давлатига умид боғлаганлар. 1910 йил сунна-шиа жанжалидан сўнг, Бухорода минглаб муридларга эга бўлган Нақшбандия пирларидан эшон Шояхси Бухоронинг 56 та ўтиборли шахслари, уламолари билан биргаликда Афғонистон ва Туркияга мактуб йўллаб, Россия империясига қарши курашда улардан амалий ёрдам сўраган [ЎзМА, И-3 фонд, 3-рўйхат, 269-йиғма жилд, 77-80]. Тарихий адабиётларда ҳам эшон Шояхсининг Бухорода 100 мингдан ортиқ муридларга эга бўлганлиги, 56 нафар юқори мартабали инсонлари билан биргаликда Афғонистон ва Туркия ҳукумдорларига мактуб йўллаб, бухороликларга Россия империяси зулмидан озод бўлишда ёрдам беришларини сўраганлигига оид маълумотлар келтирилади [5.Россия-Средняя Азия... 2013. – С. 115].

Тарихий манба ва адабиётлардаги маълумотлар таҳлил шуни кўрсатадики, Бухоро уламолари, Афғонистон ва Туркия ўртасида Россия империясига қарши иттифоқ вужудга келган бўлиб, уларнинг мақсади биринчи гада Россия империясига қўғирчоқ ҳукумдор бўлган амир Абдулахадни тахтдан ағдариш, сўнг Россия империясига қарши курашиб, Туркистонни озод қилиш бўлган деб хулоса қилиш мумкин. Тарихий адабиётларда Афғонистон айғоқчилари томонидан Бухорони стратегик-тактик нуқтаи-назардан ўргана бошлаганлиги, бу ишда уларга Аҳмаджон, Саид Бадриддин қозининг ўғли ва Муҳаммад Гаусхонлар етакчи бўлганликлари билан боғлиқ маълумотлар мавжуд [Бессмертная О.Ю. “Алые розы Востока”...]. Архив манбаларида ҳам Бухорода авфон айғоқчилиги кучайиб бораётганлиги, Бухорога келаётган ҳар бир авфон ўзи билан қурол олиб келаётганлигига оид маълумотлар бўлиб, Авфонлардан бўлган Амирхон ва унинг айғоқчилик фаолияти ҳақидаги айрим маълумотлар таҳлил қилинган. Бухородаги хорижий айғоқчилар кўпайганлиги боис полиция офицерлари Буйлин ва Вельманга барча тарғиботчилар, айғоқчиларни кузатишга одамлар етишмаётганлиги архив ҳужжатида келтириб ўтилган[ЎзМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд, 48-варақ].

Эшон Шояхси, Усмонли турк тарғиботчилари ва Россия империяси ҳукумронлигига қарши бўлган кучлар амир Абдулахадхонни сарой тўнтариши орқали тахтдан ағдаришга барча тайёргарликларни кўриб бўлганлар. Аммо, сарой тўнтариши амир Абдулахадхоннинг табиий ўлими билан амалга ошмай қолган. Афғонистон амири Ҳабибуллохон амир Абдулахадхон ўлимидан сўнг Бухорони Россия кўшиб олишидан хавотир

олиб, чегара горнизонларини ҳарбий ҳолатга ўтиш ҳақида буйруқ беради[4. Лысенко Ю.А. 2019. – Р. 1377].

Бухорода сунна-шиа жанжали, Абдулахадхонга қарши фитна кабиларнинг Усмонли турк султони номи билан амалга оширилаётганлигини Россия империяси маъмурлари яхши англаган. Шу сабабли, Бухородаги рус сиёсий агентлигига йўлланган буйруқларнинг бирида, Усмонли туркларнинг Бухорога тез-тез келаётганлиги (1910 й) Россия империяси ва форс-шиаларга қарши тарғиботлар авж сабабли, Бухоро амирлигида савдо-хўжалик юмушлари бўлмаган Усмонли туркларнинг келиши кузатилса, улар орқасидан доимий кузатиш ва назорат ўрнатиш зарурлигига оид буйруқ архив ҳужжатларида сақланиб қолинган [ЎзРМА, И-1 фонд, 31-рўйхат, 645-йиғма жилд., 146-варақ]. Бу маълумотлар Россия империяси маъмурларини Усмонли турк ва Бухоро орасидаги яширин муносабатлари хавотирга солганлигини кўрсатади. Шу сабабли, Петербургдан бош штабнинг махсус амалдори Л.Наумовни мавжуд вазиятни таҳлил қилиш ва келажақда Бухоро ва туркистон ўлкасида Россия империяси учун хавфли бўлган исёнлар, кўшни давлатлар (биринчи галда Афғонистон, кейинчалик Усмонлилар салтанати) билан уруш келиб чиқиш эҳтимолини ўрганишга юборган. Бош штаб капитани Л.Наумов ҳисоботида, Усмонли турк тарғиботчиларининг фаолияти, “Пантуркизм”, “Панисламизм”, янги усул мактаблари яқин орада Туркистон ва Бухорода кенг халқ оммасига таъсир қила олмаслиги ва мавжуд вазиятни яқин орада ўзгартира олмаслиги ўз аксини топган. Шунингдек, унинг хулосаларида Бухорода консерватив руҳдаги уламоларнинг устунлигига оид фикрлар мавжуд бўлиб, улар Туркия ва Эрондаги инқилобларга душманона кайфиятда бўлганлиги сабабли, Усмонийлар ва Бухоро умумий ғоя асосида бирлашиши қийинлигига оид маълумотлар келтирилган [Лысенко Ю.А. 2019. - Р. 1379, Шодиева Ш.С. Бухоро амирлигининг Усмонийлар империяси билан ўзаро муносабатлари тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Бухоро, 2022. 152 б].

Хулоса қилиб айтганда, “Ёш турклар” инқилоби Шарқ мусулмон давлатлари, жумладан Бухоро амирлигида ҳам катта таъсир кўрсатган. Аммо, Бухоро амирлигидаги мутаассиб уламолар ва қолоқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар миллий озодлик, замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиш каби ғояларнинг консерватив кайфиятдаги уламолар томонидан қаршиликка учраши, ғоявий бўлинишни келтириб чиқарган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Бессмертная О.Ю. “Алые розы Востока”. “Панисламизм” ориентализм и шпиономания в последние мирные годы Российской империи. Разведывательная империя?//[https://hagi.ranepa.ru/files/shagi\\_1shagi18\\_1\\_01.pdf](https://hagi.ranepa.ru/files/shagi_1shagi18_1_01.pdf).

Борьба Петербурга и Стамбула за политическое, экономическое и культурно-религиозное влияние в Центральной Азии (Б.Акунин).//<http://sozlib.ru>.

Com850832sotsiumbjrba\_peterburga\_stambula\_politicheskoe\_ekonomicheskoe\_k  
ulturno\_religioznoe\_vliyanie\_tsentralnoy-azii.

Бухоронинг хозирги аҳволи // Сироти мустақим. 125-сон, 1911 йил, 13 январ

Лысенко Ю.А. The Activities of Turkish agents in the early XX century according to the materials of the reports of the ofiser on special assignments of the ministry of interior L. Naumov // Bulye Gody, 2019. Vol. 53. Is. 3. – P. 1373-1382.

Россия-Средняя Азия: Политика и ислам в конце XVIII-начале XXI века. – М.: Издательство Московского университета, 2013. – 480 с.; илл.

Тўхтаматов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон, 1977. – 206 с.

Халфин Н.А. Провал Британской агрессии в Афганистане (XIX в. – начало XX в.). – М.: Издательство социально-экономической литературы, 1959. – 208 с.

Шодиева Ш. Бухорода герман-турк жосулик фаолияти // “ЎЗМУ хабарлари” илмий журнали. 2022. №1/3. – Б. 55-57.

Шодиева Ш.С. Бухоро амирлигининг Усманийлар империяси билан ўзаро муносабатлари тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Бухоро, 2022. 152 б.

Шодиева Ш.С. “Ёш турклар” инкилобидан сўнг Бухорода Усманийлар таъсирининг ошиб боришида матбуот нашрларининг ўрни // Паёми Донишкада – 2021. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари – Панжикент, 2021. – С. 821-824.

ЎЗМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд, 20-варақ, 20-варақнинг орқа томони, 38-варақ, 38-варақнинг орқа томони, 39-варақ, 39-варақнинг орқа томони, 40-варақ, 48-варақ, 101-102 варақлар,

ЎЗМА, И-3 фонд, 3-рўйхат, 269-йиғма жилд, 7-9 варақлар,

ЎЗРМА, И-1 фонд, 31-рўйхат, 645-йиғма жилд, 146-варақ.

## **БУХОРО ХОНЛИГИДА КАРВОН САВДОСИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ИЖТИМОЙ ТАБАҚАЛАР**

***Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли -***

***тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)***

Сўнгги ўрта асрларда Марказий Осиёда куруқлик орқали кўшни мамлакатлар билан совдо-сотиқ муносабатлари давом этган. Ўзбек хонликларининг Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Россия билан савдоси доимий равишда ривожланиб борди. Савдо алоқаларининг давлат иқтисодий ҳаётини ривожлантирувчи асосий соҳа сифатида эътироф этадиган бўлсак, ушбу соҳада юз берадиган жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи фақатгина савдогар тоифасидан иборат эмаслигини кузатамиз. Тарихий манба ва адабиётларни ўрганиш, таққослаш натижасида

Бухоро хонлигининг савдо-иқтисодий муносабатларида иштирок этган карвон йўли табақалари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Ахборот алмашиш зарурияти инсониятнинг энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Жаҳон тарихига назар ташласак, у ёки бу минтақалардаги цивилизация тараққиёти алоқа-почта хизмати кўрсатиш тарихи билан чамбарчас боғлиқликда ривожланганлигини кўрамиз. Халқаро иқтисодий ва маданий алоқа йўллари чорраҳасида жойлашган қадим Турон цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланишида ҳам кенг қамровли минтақавий ва трансминтақавий мулоқот муҳим ўрин тутган.

Бу даврда эътиборга молик ижтимоий хизмат турларининг энг асосийси алоқа-почта тизимидир. Сўнгги ўрта асрларда Самарқанддан ташқари Қўқон ва бошқа шаҳарларда ҳам қоғоз ишлаб чиқарилгани маълум. Лекин уларнинг сифати бирмунча паст бўлган ва асосан маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатилган. Шу ўринда ҳозирги пайтда Самарқанд қоғозининг шухратини қайта тиклаш бўйича ишлар олиб борилаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак[12:162-164].

Ўрта асрларга келиб, давлат аҳамиятига эга барча ёзишмалар, хат хабарлар Самарқанд қоғозиде ёзилган. Умуман олганда қоғознинг истеъмолга кириб келиши цивилизация ривожиде катта ўрин тутди, почта хизмати кўрсатиш сифатини ҳам бекиёс даражада оширди.

Почта-алоқа хизмати тизими марказий ҳокимиятнинг маҳаллий ҳокимликлар, турли нуфузли ижтимоий қатламлар ва фуқоралар билан алоқаларини таъминлашга хизмат қилди. Почта хизмати хонликларнинг ўзаро муносабатларида, хорижий мамлакатлар билан элчилик алоқаларини олиб боришда ҳам муҳим ўрин тутиб келган. Шу ўринда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг Россия, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Қашғар, Хитой каби мамлакатлар билан фаол элчилик алоқалари ўрнатганлигини, элчилар ҳукмдорларнинг хатларини етказиш вазифасини, яъни ўзига хос хабарчи вазифасини ҳам бажарганлигини кўриш мумкин.

Халқаро савдода иштирок этган савдогарлар ва савдо карвонлари туркий халқларда “Арқиш” деб юритилган[3:440-441]. Арқиш (Arqis) атамаси хабар ёки хабарчи, элчи маъноларини ҳам бериб қадимги туркларнинг почта тизими ва хабар, алоқа етказишдаги кенг кўламли фаолиятдан далолат беради.

Савдо йўлларида хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланиб бориши ўз улов воситалари билан савдо карвонларига хизмат кўрсатувчи кишилар гуруҳи – киракашлар тоифасининг шаклланишига ҳам олиб келди. Киракашлар одатда савдо карвони ўтадиган худуда яшовчи халқлар вакиллари бўлган. Ўрта асрларда киракашлик аҳолининг айрим табақалари

ва ҳатто кўчманчи туркман ва қозоқларнинг айрим қабилалари учун ягона даромад манбаи бўлгани маълум. Хусусан, сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг Россия шаҳарлари ва Каспийбўйидаги Эрон шаҳарлари билан савдо алоқаларида қозоқлар ва туркманлар йирик савдо қарвонларига йўлбошловчи ва қирақаш бўлиб ёлланган[1:22-23]. Бухоро шаҳрида ва амирликнинг барча йирик савдо шаҳарларида ҳам арава ва туяларни ижарага олиш мумкинлигини рус манбалари махсус қайд этади[5:9]. Туялар билан юк ташишда ижара ҳақи 8 версть, яъни 1 тош учун ўртача 25-29,5 рус рубли бўлган. Қарши шаҳри ҳам савдо қарвонлари учун туялар қира қилинадиган марказлардан бири бўлиб, 1 тош масофага 1 кумуш танга ҳақ олиб қарвонларга хизмат қиладиган қаршилик қирақашларни хонликнинг барча ерларида кўриш мумкинлигига рус манбалари алоҳида эътибор қаратади[9:328]. Қаршида шунингдек Бухоро ва Самарқандга юк олиб бориш учун туялар ва араваларни ҳам ёллаш мумкин бўлган[2:204]. Умуман олганда, арава ва туяларни юк ташиш учун ижарага олиш минтақадаги барча йирик шаҳарларда бўлган. Масалан, Бухоро-Қўқон йўлида юк ташишда аравалардан фойдаланилиб[11:6], Қўқондан Қашқарга борувчи савдогарлар молларини ижарага олинган отларга (ҳар бир отга 8 пуддан) юклаб, ҳар бир от учун 2-4 тилло ҳақ тўлаганлар[4:109].

Катта қарвонларда туялар 20 тадан 60 тагача бўлиниб, бир “тўп”ни ташкил қилган[1:15]. Савдо қарвонларига қарвонбоши етакчилик қилиб, қарвон таркибини аниқлаш, йўналишни белгилаш, йўлда ҳаракатланиш тартибини ва вазифаларни аниқлаштириш, хавфсизликни таъминлаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш унинг зиммасида бўлган. Қарвонбошилар кўп ҳолларда тегишли мамлакат ҳукмдорининг махсус хати-ёрлиғига эга бўлиб, бу ҳужжат унинг ва қарвонининг йўллардаги ҳуқуқларини таъминлашда, уларга тегишли хизмат, зарур бўлганда ёрдам кўрсатилишида асос бўлиб ҳисобланган. Қарвонбошилар одатда жамиятнинг нуфузли ижтимоий табақаларига мансуб бўлиб, кўп ҳолларда юқори сиёсий ва катта иқтисодий нуфузга ҳам эга бўлган. Узоқ йиллар йирик савдо қарвонларига бошчилик қилган қарвонбошилар катта миқдорда бойлик тўплашга ва жамиятнинг эътиборли ва таъсирли намоёндаларидан бўлишга эришганлар.

Халқаро транзит йўлларнинг иқтисодий-маданий алоқаларда, цивилизациялараро мулоқотда тутган ўрнини таъкидлаш билан бирга, баъзи ҳолларда хавфли юқумли касалликларнинг савдо йўллари бўйлаб катта ҳудудларга тарқалганлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Бундай ҳолатлар қадимда ва ўрта асрларда тез-тез такрорланиб тургани боис, қарвон йўлларида тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиниши ҳаётий зарурат эди[7:62-73]. Марказий Осиёда ва қўшни ҳудудларда ҳам қадимдан бошлаб

аҳолига ҳамда йўловчиларга, савдогарларга тиббий ёрдам кўрсатиладиган шифохоналар бўлган. Тарихий адабиётларнинг гувоҳлик беришича, Балхда ва Эроннинг баъзи шаҳарларида, Бухорода шифохоналар бўлганлиги, Марв, Урганч, Бухоро каби йирик шаҳарлардаги ўрта аср шифохоналари мавжуд эди[14:233-235].

Тиббиёт тараққиёти айниқса ривожланган ўрта асрларда юксак чўққиларга кўтарилди. Минтақанинг йирик шаҳарларида қурилган шифохоналар[6:58] маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳлар, савдогарларга тиббий хизмат кўрсатувчи асосий марказлар эди. Бухоро хони Субҳонқулихоннинг (1681-1701 йй.) Бухорода махсус шифохона барпо эттиргани ва мадрасада тиббиётдан маърузалар ўқиганлиги[10:304] ва бошқа тегишли маълумотлар ҳам минтақамизда тиббиёт соҳасидаги билимлар ўрта асрлар давомида жамият талаблари даражасида ривожланиб келганлигидан далолат беради.

Тиббиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар карвон йўлларида тиббий хизмат кўрсатиш ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ўрта асрлар даврига келиб бу соҳада маълум ютуқлар қўлга киритилди. Шаҳарлардан ташқари, йирик қишлоқларда ва муҳим бекатларда ҳам савдо карвонларига, йўловчиларга тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, бу билан шуғулланадиган махсус табиблар гуруҳлари шаклланди[14:234-253]. Тиббий билимлар ва тиббий хизмат кўрсатиш сирлари одатда авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, кўплаб табиблар сулолалари пайдо бўлди. Хусусан, минтақанинг чекка ҳудудларида ҳам йўловчиларга ва улов воситаларига малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган маҳаллий табиблар бўлганлиги манбаларда қайд этилади[8:247].

Элчилик миссиялари ва йирик савдо карвонлари таркибида махсус табиблар ҳам бўлган. Бу бир томондан турли ҳудудлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан тиббий билимларнинг савдо йўллари бўйлаб турли минтақаларга тарқалишига хизмат қилган[13:46-48]. Махсус чопарлар, айғоқчилар ва давлат хизматидаги бошқа кишилар одатда, энг зарур тиббий дори-дармонлар, турли доривор гиёҳлар билан таъминланиб, улар ўзларига ва шерикларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсата олиш малакасига ҳам эга бўлишган.

Карвон йўлларидаги савдо марказларида, йирик карвонсаройларда маданий тадбирлар ҳам ташкил этилиб, бу мулк эгалари учун катта иқтисодий даромад манбаи бўлган. Қадимги йўлларда хизмат кўрсатиш тизими фаолиятига тўхталганда нозик бир масалани ҳам эсга олиш керак бўлади. Бу халқаро савдо билан шуғулланувчи ва ўз фаолияти туфайли

оиласидан узоқ муддат четда яшашга мажбур бўлган савдогарларнинг никоҳ муносабатларидаги ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масаладир. Ўрта асрларда халқаро савдода иштирок этувчи мусулмон савдогарларининг турли йирик савдо марказларида оиласи бўлгани маълум. Шариат қонунлари мусулмон савдогарларига бундай никоҳлар учун ҳуқуқий имконият берарди. Шу билан бирга, савдо йўлларида ва айрим йирик савдо марказларида баъзи тоифадаги савдогарлар, йўловчилар енгил табиатли аёллар хизматидан ҳам фойдаланганлари маълум. Бундай хизмат кўрсатиш айниқса Хитой шаҳарларида ва Шарқий Туркистонда анча изчил йўлга қўйилгани, давлат ҳокимияти бу иллатни бутунлай тугатишга ожиз бўлганлиги эътиборлидир.

Шу тариқа, Ўрта Осиёнинг карвон йўлларида кенг қиррали хизмат кўрсатиш тизими қадимги даврларда шаклланган бўлиб, ўрта асрларда иқтисодий-маданий алоқалар ривожига мос равишда ривожланиб келди. Бу жараёнда шаҳар ва йирик қишлоқлар аҳолиси, хунармандлар, чорвадор қабилалар ва савдо-сотикдан бевосита манфаатдор бўлган бошқа ижтимоий табақалар вакиллари фаол иштирок этиб келдилар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Агзамова Г.А. Среднеазиатские ханства и Россия: к истории караванной торговли (XVI – первая половина XIX вв.) Россия – Узбекистан. История и современность. Спецвыпуск. – М., 2008. – С. 13-25.
2. Архипов. Военная рекогноцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. Генерального Штаба капитаном Архиповым // СМА. – СПб.: Военная типография, 1884. Вып. X. – С.171-238.
3. Арқиш / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. 1-жилд. – Б. 440 – 441.
4. Бабабеков Х. История Коканда. – Ташкент: Фан, 1996. – 243 с.
5. Гинтелло. Сведения по интендантской части, собранные в Бухарском ханстве капитаном Гинтелло в мае и июне 1885 г. // СМА. – СПб.: Военная типография, 1886. Вып. XXI.– С. 1-53.
6. [Ибн Баттута]. Саёҳатнома (Тухфат ан-нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажайиб ал-асфар) / Муқаддима, Ибн Баттута ҳаёти ва саёҳатлари, унинг «Саёҳатнома»сининг ўрганилиш тарихига доир маълумотлар муаллифи ва асарнинг Ўрта Осиёга саёҳат қисмининг араб тилидан таржимони Н. Ибраҳимов. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993. – 104 б.
7. Крамер С.Н. История начинается в Шумере / Перевод с английского Ф.Л. Мендельсона. Предисловие, переводы шумерских поэтических текстов и комментарии В.К. Афанасьевой. – М.: Наука, 1991. – 237 с.

8. Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. – СПб., 1913. – 619 с.
9. Маев Н. Очерки горных бекств // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Вып.V. – С. 280-328.
10. Муҳаммад Юсуф Мунши. Тарих-и Муқимхони (Муқимханская история) / Перевод с таджикского, предисловие, примечание и указатели проф. А.А. Семенова. – Ташкент: 1957. – 303 с.
11. Небольсин П.И. Очерки торговли России со Средней Азией // ЗИРГО. – СПб., 1855. Кн. X. – С. 1-335.
12. Султонова Д., Мухторов З.А. “Муқаддас қоғоз” ёки Самарқанд қоғозининг қайта тикланиши // Самарқанд шахрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент–Самарқанд: Фан, 2007. – Б. 162-164.
13. Хўжаев А. Туркистон табобатининг Хитойга таъсири // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 3(315). – Б. 46-48.
14. Ўролов А. Самарқанд шахрининг ўрта асрлардаги даволаш ва шифобахш муассалари // Самарқанд шахрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни: Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент–Самарқанд, 2007. – Б. 233-235.
15. Ergashev Jakhongir Yunus ugli. On problem of the composition of Bukhara market and volume of trade in late medieval period.- International Journal of Psychosocial Rehabilitation.- Volume 24, Issue 3, UK, 2020. – P. 325-330. (Scopus journal)
16. Ergashev Jahongir Yunus ugli. Development of transportation types and their usage on caravan roads in middle ages. - International Journal on Integrated Education journal. - Volume 3, Issue II, Feb 2020. – P. 19-23 (impact factor – 5.06)
17. Ergashev Jahongir Yunus ugli Transportation means on the caravan roads of the late middle ages // International Scientific Journal “History Research Journal”, 5(5), -P.10-19. Impact factor search 5.3 # 39.

**АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИГА ДОИР  
МАНБАЛАРДА МАМЛАКАТ МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ  
ТУЗИЛИШИНING ЁРИТИЛИШИ**

*Сангиров Жуманиёз -*

*Фанлар Академияси Тарих институти*

*таянч докторанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбек давлатчилиги тарихида бир ярим аср ҳукмронлик қилган аштархонийлар сулоласи давридаги мамлакатнинг маъмурий-худудий тузилиши манбаларлардаги маълумотлар ёрдамида таҳлил этилган, тўрт даврга бўлиниб, чегаралар ва маъмурий бирликларда юзага келган ўзгаришларни очиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** Ўзбек давлатчилиги тарихи, аштархонийлар, маъмурий тузилиш, тўрт давр, Боқи Муҳаммадхон, Имомқулихон, Субҳонқулихон, Убадуллахон.

**Аннотация:** В данной статье с помощью информации из источников проанализировано административно-территориальное устройство страны во времена династии Аштарханидов, правившей полтора века в истории узбекской государственности.

**Ключевые слова:** история узбекской государственности, Аштарханиды, административное устройство, четыре периода, Бақи Муҳаммад-хан, Имам Қули-хан, Субҳон-Қули-хан, Убадулла-хан.

**Abstract:** In this article, the administrative-territorial structure of the country during the Ashtarkhanid dynasty, which ruled for a century and a half in the history of Uzbek statehood, was analyzed with the help of information from the sources.

**Key words:** history of Uzbek statehood, Ashtarkhanids, administrative structure, four periods, Baqi Muhammad Khan, Imam Quli Khan, Subhon Quli Khan, Ubadullah Khan.

Ўзбек давлатчилиги тарихида салкам бир ярим аср хаёт сурган аштархонийлар сулоласи даври мураккаб ва қарама-қарши сиёсий жараёнларни бошидан кечирди. Давлатнинг дастлаб ташкил топган давридаги худуди тахт тепасига келган турли салоҳиятли ҳукмдорларнинг ҳаракатлари натижасида мустақамланиб ва кенгайиб борса, сулоланинг сўнги вакиллари даврида қисқариб кетади.

Аштархонийлар сулоласи тарихи масалалари бўйича турли даврларда изланиш олиб борган А.А. Семенов, О.Д. Чехович, М.А. Абдураимов, И.Ғ. Низомиддинов, Б.А. Аҳмедов, А.К. Алексеев, Аудрей Буртон, Томас Велсфорд, Саййид Фаҳима Иброҳимий каби тарихчи олимлар ўз тадқиқотларида ушбу давлатнинг маъмурий-худудий бўлиниши ва

чегаралари хусусида ҳам қисман тўхталиб ўтадилар. Сулола ҳукмронлиги даврининг бошланишидан то тугашигача бўлган вақтдаги мамлакат чегаралари ва ҳудудининг умумий ҳолда келтирилиши ушбу тадқиқотларнинг барчасига хос бўлган хусусиятдир. Масалан, илмий тадқиқотларда мамлакат чегаралари ҳақидаги илк қараш А.А. Семенов томонидан илгари сурилган бўлиб: “Аштархонийлар давлатининг чегараси Фарғона водийсида Ўзган шаҳригача, жанубда эса Чоржўй вилояти ва унинг Марв туманига қадар бўлган ерларни ўз ичига олиб, Ғарбда Хива хони ерлари билан туташган бўлган” [ Низомиддинов. 1966. Б. 11.], - деб қайд этади.

Кейинги тадқиқотларда эса, ушбу қараш бироз тўлдириб борилади. Хусусан, И.Ғ. Низомиддинов “Шундай қилиб, Аштархонийлар давлатининг чегараси Фарғона водийсида Ўзган шаҳригача, шимолда Талас водийси ва Туркистон шаҳригача, жанубда эса Чоржўй вилояти ва унинг Марв районига қадар бўлган ерларни ўз ичига олиб, ғарбда Хива хони ерлари билан туташган”, - деса, А.К. Алакеев: “Жанубий Ғарбий қисми Қундуз, Файзабод (Жузгон), Шибирғон, Андхуд ва бошқа туманлари бўлган Балх вилояти ва Дарвоз, жанубда Чоржўй ва Марв вилоятигача бўлган ерлар, шимолий чегараси Талас дарёси ва Туркистон шаҳри бўйлаб ўтган. Шимоли-шарқда турли даврда Тошкентга эгалик қилинган. Ғарбда эса, Хива хонлигига қарашли ҳудудлар билан чегарадош бўлган ҳолда, Фарғона водийсида Ўзган шаҳригача бўлган” [ Алексеев. 2006. С. 134.], - деб ёзади.

Албатта, сулола ҳукмронлиги давридаги мамлакат чегараси ва маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳақида берилган юқоридаги тарифлар ўринли. Лекин, манбаларда келтирилган маълумотлар асосида таъкидлаш керакки, давлат чегараси ва маъмурий-ҳудудий тузилиши доимо бир хил шаклда бўлмай, ҳукмдорларнинг олиб борган сиёсати натижасида гоҳида кичик, гоҳида сезиларли даражада катталашиб турган. Ана ўша ахборотларни таҳлил этиш натижасида чегара ва маъмурий-ҳудудий тузилишдаги ўзгаришларни тўрт даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр, Боқи Муҳаммад ва Вали Муҳаммад бошқарув вақтига тўғри келади. Яъни, Абдуллахон ўлимидан сўнг бошланиб кетган ўзаро ички урушлардан фойдаланган ташқи кучлар босқини натижасида мамлакат ҳудуди кескин қисқартириб юборилган эди. Эндиликда, Боқи Муҳаммад олдида ташқи ҳужумларни қайтариш ва ҳудудларни қайтариб олиш вазифаси турар эди. Искандарбек Муншийнинг ёзишича, Боқи Муҳаммад Қозок хонлари устидан бир неча бор ғалаба қозониб, Тошкентгача бўлган мамлакат чегараси ҳавсизлигини таъминлайди [İsgəndər Bəy Münşi Türkman. 2010. S. 1084.]. Яъни, Қозок хони Келди Муҳаммахон элчиларини қабул қилиб, сулҳ

тузади. Искандарбек Муншийнинг ёзишича, Боқи мухаммаднинг мақсади Тошкентни Қозоқ қабилаларидан қайтариб олиш бўлган. Аммо, сафавийларнинг хужуми ҳафи бунга изм бермаган [İsgəndər Vəy Münşi Türkman. 2010. S. 1152.]. Шимоли шарқда эса, Фарғона вилояти билан кифояланади.

Шимол ва шимоли шарқ чегараларидаги вазиятни бироз тартибга келтирган Боқи Муҳаммад эътиборини мамлакатнинг жанубига қаратади ва укаси Вали Муҳаммад билан биргаликда Абдулмўминхон ўлдирилишидан фойдаланиб Хуросоннинг барча вилоятларини эгаллаб олган сафавийлардан бирин-кетин Балх [Мухаммед юсуф Мунши. 1956. С. 75.] ва унга тобе Андхуд, Шибирғон, Маймана, Фарғоб ва Мурғобни тортиб олади [İsgəndər Vəy Münşi Türkman. 2010. S. 1108.]. Шу тариқа, мамлакатнинг жанубий чегараси Мурғоб воҳасигача етади [İsgəndər Vəy Münşi Türkman. 2010. S. 1108; Муҳаммад Садрӣ Зиё. 33а-бет.]. Балх ва Ҳирот вилоятлари орасида жойлашган Чичакту қалъасини мухтаҳкамлаб чегара манзилига айлантиради. У ерга кипчоқ, аймоқ ва шу каби бир қанча ўзбек қабилаларини кўчириб олиб бориб жойлаштиради [İsgəndər Vəy Münşi Türkman. 2010. S. 1129.]. Оқибатда, мамлакатнинг жануби Ҳирот вилояти билан чегарадош бўлади ва Чичекту сафавийларга қарши турадиган мамлакатнинг энг жанубий чегара қалъасига айланади [Махмуд ибн Вали. 1977. С. 37.].

Шу тариқа, икки ака-ука Балх вилоятини тўлиқ эгаллаб, мамлакатнинг жанубий чегараларини мустаҳкамлагач, Қундуз вилояти томон йўлга тушади ва уни ҳам қўлга киритишга муваффақ бўлиб [Муқимханская история. 1956. С. 76.] Бобурийлар Империяси таркибига қўшиб олинган, Бадиуззамон бошқарувидаги, Бадахшон вилоятини ҳам эгаллаб [İsgəndər Vəy Münşi Türkman. 2010. S. 1150; Муқимханская история. С. 81] Қошғар билан шайбонийлар сулоласи давридаги чегараларни қайта тиклашга эришади. Муҳаммад Ҳайдар ўзининг “Шужойи Ҳайдарий” асарида ҳам ушбу ҳудудлар орқали малакатнинг Ҳиндистон ва Кошғар билан чегарадош эканлигини таъкидлаб ўтади [Муҳаммад Ҳайдар. Шужойи Ҳайдари. 8а-бет.].

Ушбу муваффақиятлар Эрон шоҳи Аббосни Боқи Муҳаммад билан келишишга ундайди. Искандарбек Муншийнинг қайд этишича, Марв, Морўчоқ ва Ҳирот, ҳамда Эроннинг бошқа вилоятларига Турон савдогарларининг эркин қатнашига бу ҳудудларга Боқи Муҳаммаднинг хужум қилмаслик шарти билан рози бўлади [İsgəndər Vəy Münşi Türkman. 2010. S. 1152.].

Мамлакатнинг ғарбий, Хива хонлиги билан, чегараси эса, ўзгармасдан қолган бўлиб, манбаларда, икки давлат орасида Бухорога қарашли Тароб деб номланувчи чегара қалъа жойлашган бўлганлиги қайд этилади [Муҳаммад

Амин Бухорий. 2020. 59, 123-бетлар; Муҳаммад Ёкиб Бухорий. 249б-бет.]. Шунингдек, Хива хонлиги ҳудудидан Бухорога қаршли Қорақўл қалъасига бориш томонда жойлашган Япхи деб номланган қишлоқнинг ҳам [Абулғозий Баҳодирхон. 1992. 184-бет.] чегара манзил сифатида стратегик аҳамияти катта эканлиги таъкидланади[Муҳаммад Амин Бухорий. 2020. 121-бет]. Ушбу Япхи бутун сулола даврида икки давлат ўртасида чегара сифатида қолганлигини кўриш мумкин. Масалан, Арабшоҳ Эрнакхон Субҳонқулихонга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаганида айнана ушбу Япхидан ўтиб Қорақўл қаласини қуршовга олганлигини ёзади[Муҳаммад Амин Бухорий. 2020. 121-бет]. Вали Муҳаммад даврида ҳам Балх учун Бобурийзода Жаҳонгиршоҳ[İsgəndər Vəy Münşi Türkman. 2010. S. 1339.] қабилярнинг ҳужуми қайтарилиб, мамлакат ҳудуди шу тартибда ушлаб турилади. Вали Муҳаммад Эрон Шоҳи Аббос ҳузурига Муҳаммад Мирзо хазиначи бошчилигида, Шоҳ Аббос эса унинг ҳузуридан Мирзо Али Юзбоши бошчилигида элчилар юборишиб, сулҳ тузишади ва ўзаро ҳужум қилмасликка келишиб олишади[İsgəndər Vəy Münşi Türkman. 2010. S. 1469.].

Мамлакат ҳудуди ва маъмурий-худудий бирликларида содир бўлган ўзгаришнинг иккинчи даври Имомқулихон, Надр Муҳаммад ва Абдулазизхон ҳукмронлик қилган 1611 – 1681 йилларга тўғри келади.

Жумладан, сулоланинг кўзга кўринган вакили Имомқулихон даврига келиб мамлакат ҳудуди бироз кенгайди. Натижада, бир нечта маъмурий-худудий бирликлар кўшиб олинади ва мавжуд чегаралар ўзгаради. Яъни, “Тарихи Муқимхоний” асарида ёзилишича, Имомқулихон 1612 йилдаги юриши натижасида Туркистон сарҳадларидан то Ашпара ва Қоратоғгача бўлган ҳудудларда қозоқлар, қорақолпоқлар ва қалмиқлар билан курашиб, ғалаба қилади [Муқимханская история. С. 87; Гулшан ул-мулук. 244а-бет.] ва Қашқўли Салимий таъкидлаганидай мамлакатнинг шимолий чегараларини Туркистондан то Қоратоғгача қилиб кенгайтиради [Таворихи муттақадимин ва муттахирын. 276-бет.]. Оқибатда мамлакат таркибига Тошкент ва Туркистон вилоятлари қайта кўшиб олинади. Чунончи, 1630 йилда мамлакат девони томонидан берилган ҳужжатда Тошкент ва Туркистон вилоятлари мамлакат таркибидаги маъмурий-худудий бирлик сифатида тилга олинади[О.Д. Чехович. стр.14-18 (перц, текст), стр. 18-23 (русский перевод)]. Буни манбалардаги ахборотлар ҳам тасдиқлайди[Тож ат-таворих. 91а-бет]. Манба ва ҳужжатларда мамлакат вилоятига айланган Тошкент таркибидаги Пискат[Мажмуийи мактубот ва маншур. 180а – 180б-бетлар.], Фуркат[Мажмуийи мактубот ва маншур. 180а – 180б-бетлар], Шоҳрухия[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С.

56. Дастур ул-мулк (Подшоҳлар учун дастур). 201-бет; Мажмуийи мактубот ва маншур.180а – 180б-бетлар.] каби туманлар тилга олинади.

Имомқулихон даврида қайта мамлакатнинг маъмурий-худудий бирлигига айланган Туркистон таркибида ҳам бир неча шаҳарлар мавжуд бўлган бўлиб, Маҳмуд ибн Вали асарида вилоятга қарашли Талас[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 35.], Сайрам[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 55.] каби шаҳарларни қайд этади. Шунингдек, Маҳмуд Ибн Валининг давом этишча, оддий аҳоли Ясси деб атайдиган Туркистон Имомқулихон номидан Қозок султонлари томонидан бошқарилган[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 32; Имомқулихоннома 2б-бет; Қожамқулибек Балхи. Тарих-и Қыпчақи. Алматы. 2017. 721-бет.]. Буни Нодир Девонбегининг Эшимхон ўғли Жаҳонгир султонга юборган мактуби ҳам тасдиқлайди. Унда Жаҳонгир султоннинг Жалойирбий Сақол бошлиқ юборган элчилиги орқали билдирган аризасига биноан Сайрам қокимлиги Жаҳонгир султонга иноят қилинганлиги таъкидланади[Мажмуийи мактубот ва маншур. 184а – 184б-бетлар.]. Шу тариқа Туркистон бутун кейинги ҳукмдорлар даврида Бухорога қарашли худудга айланади[Дастур ул-мулк. 169-бет].

Шунингдек, Имомқулихон даврида мавжуд чегара ва маъмурий-худудий бирликлар юзасидан ҳам ислоҳат қилинади ва эндиликда марказий ҳокимият Бухорога тўғридан-тўғри бўйсунувчи Хутталон вилояти бошқаруви кулай бўлиши учун Балх вилоятига берилади ва у орқали бошқарила бошланади[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 38; Тарихи салотини Усманий. 35б-бет.]. Қолаверса, Маҳмуд ибн Валининг таъкидлашича, Балх вилояти ҳокими Надр Муҳаммаднинг ташаббуси билан Тохаристон вилоятининг Шаҳри Равон номли тумани, Боғиаварс, Боғихабаш, Кишм каби вайрон бўлиб, қишлоққа айланиб қолган шаҳарларига аҳоли кўчириб бориб жойлаштирилади, бир қанча имтиёзлар берилиб, яна олдинги маъмурий-худудий бирлик мақоми даражасига келтиради. Шунингдек, Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича, Надр Муҳаммад харобага айланиб қолган Ҳиндувон номи ила маълум Балх шаҳрининг ички қисми қайтадан курдиради[История Балха. С. 27.]. 1630 – 1640 йилларда Балх ва унга бўйсунувчи қолган вилоятларда чегараларни қайта кўриб чиқиш бўйича фармон чиқарилади ва бутун вилоят чегаралари ислоҳ қилиниб, чегара манзиллари мустаҳкамланади[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 38.].

Мамлакатнинг қолган худуди ва чегараси ўзгаришсиз қолади. Хусусан, юқорида тилга олинган ҳужжатда давом этиб қайд этилишича, мамлакатнинг

шимолий шарқий чегаралари Ахси ва Андижонни ўз ичига олган бўлган[О.Д. Чехович. стр.14-18 (перц, текст), стр. 18-23 (русский перевод)]. Хақиқатдан ҳам, Фарғона вилояти таркибига кирган ушбу Ахси ва Андижон шаҳарлари йирик чегара манзиллари вазифасини ҳам ўтган. Буни Маҳмуд ибн Валининг маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Унинг қайд этишича, ушбу қалъалар чегарада жойлашгани учун, душманларнинг тез-тез хужумларига учраб турган. Натижада, қишлоқ оқсақолларидан тортиб то оддий деҳқонларгача доимий қурол билан юрганлар. Ҳамма ҳарбий амалиётга моҳир бўлган[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 17; Имомкулихоннома.107б – 115а-бетлар.]. Айниқса, Андижонга қирғиз қабилаларининг ҳафи кучли бўлган[Tazkira-yi azīzān. S. 127.]. Шу тариқа, Ушбу даврда ҳам Фарғона ва Бадахшон Қошғар билан чегара вилоятлари бўлиб қолаверган[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 71.].

Имомкулихон даврида ҳам мамлакатнинг Бобурийлар Империяси билан туташган жанубий шарқий чегараси деярли ўзгаришсиз қолган[О.Д. Чехович. стр.14-18 (перц, текст), стр. 18-23 (русский перевод)]. Аштархонийлар сулоласи бошқарувидаги Тохаристон ва Бобурийлар Империясига қарашли Кобул вилоятлари билан чегарадош ҳудудида Андареб номли шаҳарча жойлашган бўлиб, стратегик аҳамиятга эга ушбу чегара манзиллини Маҳмуд ибн Вали асарида “исломнинг чегараси” деб атайди[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 19.].

Ушбу даврда мамлакатнинг жанубий нуқталаридан бири Балх вилоятига қарашли Фароб (Фарёб) тумани бўлган. Маймана ва Андхуд орасида жойлашган бўлган ушбу туманнинг шарқида Зардак чўли мавжуд бўлган бўлиб, у Дашти Марв, Сарахс, Ҳирот ва Машҳад билан чегарадош бўлган[Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 63.].

Имомкулихондан кейин тахтни эгаллаган Нодир Муҳаммаднинг бутун ҳукмронлик даврида ҳам мамлакат ҳудуди чегаралари деярли ўзгаришсиз қолади[Политическая история Тукай-Тимуридов. С. 135.]. Сулоланинг XVII аср тарихи ҳақида ахборот берувчи манба ва ҳужжатлардаги маълумотлардан англаш мумкинки, Абдулазизхон даврида ҳам мамлакат чегараси маълум бир муддат Балх учун отаси Надр Муҳаммад ва Ҳиндистондаги Бобурийзодалар билан олиб борилган урушлар эътиборга олинмаса, Имомкулихон даврида мавжуд бўлган ҳолатда қолади. Масалан, 1670 йил 11 майда ёзилган васиқада Абдуллазизхон ҳукмронлиги остида Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Туркистон, Сайрам, Ахси, Андижон, Ўратепа, Зомин, Хўжанд, Жиззах, Балх, Бадахшон, Чоржўй, Андхуд, Чичекту, Маймана, Шабурғон, Насаф ва Ҳисори

Шодмон каби маъмурий бирликлар мавжудлиги ҳақида ёзилади[О.Д. Чехович. стр. 56-60 (пер, текст), стр. 60-64 (русский перевод).].

Учинчи давр, Субҳонқулихон ҳукмронлик вақтига тўғри келган бўлиб, мамлакат ҳудуди, Хива хони Анушахон ҳужумларини инобатга олмаганда, ҳам ғарбга, ҳам жануб ва шарққа томон янада кенгаяди ва энг юқори чўққисига чиқади. Оқибатда, чегаралар ва мамлакат ҳудудида сезиларли даржада ўзгаришлар содир бўлади.

Субҳонқулихон Анушахон ҳужжумини қайтаргач мамлакат ҳудуди олдинги чегараларини тўлиқ тиклайди. Бу хусусида Хожа Самандар Термизий шундай эслайди: “Субҳонқулихон хазратлари Аллохнинг мархамати, ёрдами билан худо нафратига йўлиққан, халққа жабр-зулм қилган душманларни, жиноятчи, бадкирдор исёнчиларни даф этиш ғам-ташвишидан ўз фикрлари, уй-хаёлларини озод этганидан кейингина, муҳолифлари ҳақида мулоҳаза юритишни тўхтатиб, Андижондан тортиб Туркистонгача, Хинжондан то Бадахшонгача бўлган ҳудудларни обод қилиш ҳақида қайғура бошладилар”[ Дастур ул-мулук. 190-бет.]. Жумладан, Самарқандни эгаллаб, хутба ва тангага ўзининг номини қўшириб зарб эттирган Анушахон ва сўнгра, Эрнакхонлар ҳужжумини қайтартиб, уларни бир неча бор мағлуб этган Субҳонқулихон, тарафдорларидан фойдаланиб, Хивани эгаллашга муваффақ бўлади[Муқимханская история. С. 153.]. Натижада, хутбага Субҳонқулихон номи қўшиб ўқилиб, танга зарб қилинади ва Ниёз эшикоғабоши (Муҳаммад Ёқуб Шоҳниёз тўра деб тилга олади)[ Гулшан ул-мулук. 249б-бет.] ҳоким қилиб юборилади[Муқимханская история. С. 153; Дастур ул-мулук 235-бет; Гулшан ул-мулук. 249б-бет; Муҳит ат-таворих. 161-бет; Муншоат.].

Субҳонқулихон даврида ҳам мамлакатнинг шимолида йирик стратегик чегара манзиллари вазифасини Тошкент ва Туркистон ўтайди. Манбаларда қозоқ хонлари билан Тошкентда имзоланган бир қанча тинчлик битимлари мавжуд. Масалан, Муҳаммад Амин Бухорийнинг ёзишича, Субҳонқулихон буйруғи билан ишончли амирлардан Хушиқабий оталиқ 1686 йил 2 июн куни Қозоқ хони Тавка билан Тошкентда учрашади[Муҳит ат-таворих. 95 – 96-бетлар.]. Бироқ, бу ҳужжатларнинг ўзи ҳам уларнинг мазмуни ҳам етиб келмаган. Аммо, Субҳонқулихоннинг Аврангизебга юборган мактубидан улар марказга бўйсунганликларини англаш мумкин: “Шунингдек, қозоқларнинг тамом улуси иқомат йўлида ва истиқомат ёстуғида муқим ва мустаҳкам бўлиб, Дашти Қипчоқ чегарасини қўриқлашга боргандирлар” [Мактубот, муншоат ва маншурот. 289.]. Эътиборлиси, мактуб давомида қалмоқ қабиласининг сардори Абука кўп қулоқ бураш ва ҳад-хисобсиз танбехлардан кейин барча кўчмани ва қабиалари билан итоат бўйинбоғини

такиб, доимо хизмат қилиш йўлига ўтганлиги ҳам таъкидлаб ўтилади [Мактубот, муншоат ва маншурот. 289.].

Шунингдек, Субҳонқулихон даврида Қошғар ҳам мамлакат ҳудудига кўшиб олинади. Яъни, 1689 йилда Қошғар ҳокими Муҳаммад Аминхон хутба ва тангани Субҳонқулихон номига ўқитиб, зарб қилдиради. Бу ҳақида хабар бериш учун махсус элчи юбориб, Субҳонқулихондан Қирғиз қабилаларига қарши курашиш учун ёрдам сўрайди [Муҳит ат-таворих. 104-бет; Мактубот, муншоат ва маншурот. 289.].

Субҳонқулихон даврида мамлакатнинг жанубий чегаралари ҳам янада кенгаяди. Масалан, 1688 йилда Ғойиб Назар девонбеги Субҳонқулихондан рухсат олиб Бухоро ва Балх қўшини билан биргаликда Мурғоб дарёсидан кечиб ўтиб, Абдулло Султон ҳокимлигидаги Мурғоб қалъасини эгаллайди [Муҳит ат-таворих. 100 – 101-бетлар; Дастур ул-мулук. 208-бет.] Ҳақиқаттан ҳам, Субҳонқулихон Аврангизебга юборган мактубда Балойи Мурғобнинг йигирмата қалъасини ҳокимлари билан бир қўлга киритганлигини таъкидлайди [Мактубот, муншоат ва маншурот. 289.]. Хуллас, Ғойиб Назар девонбеги Одина Муҳаммадбий минг ва унинг укаси Ёр Муҳаммад парвоначини Мурғоб қалъасига ҳоким қилиб ортга қайтади [Муҳит ат-таворих. 100 – 101-бетлар; Дастур ул-мулук. 208-бет.].

Иккинчи бор Ҳушиқабий оталиқ 1689 йил 24 октябрида, Субҳонқулихон буйруғи билан, Марвга қўшин тортиб боради ва унинг атрофидаги Миробод қалъасини эгаллайди [Муҳит ат-таворих. 103-бет.].

Аммо, Субҳонқулихон ҳукмронлигининг охириги йилларида ўзаро ички урушларнинг кучайиши, уни бу ҳудудларни ушлаб қолиш имкониятидан маҳрум қилади. Айниқса, унинг ўлиmidан сўнг ҳокимият талашиб бошланган Убайдуллахон ва Муқимхонлар ўртасидаги уруш, ташқи кучларга жуда қўл келади.

Бироқ, тўртинчи давр, Убайдуллахон ҳукмронлик вақтидан бошлаб, аста - секинлик билан мамлакат ҳудуди қисқариб бориш билан бир қаторда айрим ўзгаришлар ҳам содир бўлади. Тўғри, ҳукмронлигининг дастлабки даврида мамлакатнинг сарҳадлари шимол ва шимолий шарқда Тошкент, Сайрам, Туркистон, Улуғтоғ ва Касартоғгача [Убайдулланом. 20б-бет.], шимолий шарқий чегараси маркази Андижон бўлган Фарғона вилоятини қамраб олган эди [Убайдулланом. 20б-бет.].

Маълумки, Шайбонийлар даврида [Абдулланом. Биринчи жилд. 228-бет.], ундан кейинги даврларда ҳам Термиз шаҳри бошқаруви Балх орқали амалга оширилган эди. Аммо, Убайдуллахон даврида Термиз вилояти бошқаруви Балхга эмас тўғридан-тўғри Бухорога бўйсунадиган бўлади ва кейинги вақтларда ўзгаришсиз қолади. Убайдуллахон даврида содир бўлган

бундай ўзгаришга Балх ҳокими Муқимхон билан тахт талашиб олиб борилган уруш сабаб бўлади[Убайдуллонома. 55а-бет; Гулшан ул-мулук. 250а-бет.].

Убайдуллахон даврида кичик ўзгаришлар ҳам содир бўлиб турган. Жумладан унинг фармони билан Самарқанд шаҳри ичидаги арк биноси вайрон бўлгани учун янги арк биноси Самарқанднинг эътиборли хўжалари қароргоҳи саналмиш Чакар худудида кадрослайди[Убайдуллонома. 146а-бет].

Устига-устак, бошқарувининг сўнги даврига келиб, ўзаро ички урушлар оқибатида Фарғона водийси минглар сулоласи етакчилигида мустақил деб эълон қилинади. Оқибатда, шарқда мамлакат чегараси Хўжанд вилояти билан чекланиб қолади.

Абулфайзхон даврига келиб эса, мамлакат худуди сулола тарихида мисли кўрилмаган тарзда қисқариб кетади. Яъни, минглар сулоласи вакили Абдурахимбийнинг юришлари натижасида Хўжанд, Ўратепа, Зомин, Жиззах ва маълум бир вақт давомида Каттақўрғон ва Самарқанддан ажралади[Мунтахаб ат-таворих. 228 –230-бетлар; Анжум ат-таворих. 94 – 95-бетлар; Тарихчайи Туроний. 18-бет; Тарихи Шохрухий. 52-бет; Мукаммали тарихи Фарғона. 597. 25а , 25б, 26а, 26б, 27а, 27б-бетлар; Тарихи Туркистон. 51-бет; Ансаб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин. 1995.15-бет.]. Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқулининг 1736 йилги юриши натижасида Амударё(Омуя)нинг жанубидаги Балх вилояти ва у орқали бошқариладиган Анхуд, каби вилоятлар эгалланиб, бошқарувига ўз одамлари тайинланади ва Нодиршоҳ ҳукумати томонидан бошқарила бошланади. Бу вақт давомида Амударё табиий чегарага айланади[Тарихи жаҳонкушийи Нодирий. 176б – 176а-бетлар; محمد كاظم مروى. عالمآراى نادى. تهران. ۱۳۴۶. ; Тухфатул хоний. 42-бет.]. Муҳаммад Карманагий Балхдан Чоржойгача бўлган худудлар Нодиршоҳ бошқаруви остига ўтганлигини урғулайди[Тухфатул хоний. Барагаи 2017.]. Таъкидлаш керакки, бу йиллар ичида Шахрисабзда ҳокимлик қилаётган Иборҳимбий, Тошкент вилоятини бошқарётган Баҳодирхон бўлса, ўзини амалда тўлиқ мустақил санар эди[Анжум ат-таворих. 102-бет.]. Бироқ, эътиборлиси, Тошкент вилояти расман бўйсунувчилик мақомида қолади. Жумладан, Жавшан қалмоқни кушбеги кулл мансабига тайинлаш ҳақидаги маншурда унга бутун Тошкент вилояти худудларидаги амалдорлар, арбоблар, калонтарлар бўйсунуши кераклиги таъкидланади[Мактубот, муншоат ва маншурот. 132б – 133б-бетлар; Абулфайзхон тарихи. 33а-бетлар.].

Хуллас, аштархонийлар даврида мамлакат худуди бир ҳил кечмай, сулола вакиллариининг олиб борган сиёсати натижасида ўзгариб туради.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар

### Манбалар

1. İsgəndər Bəy Münşi Türkman. Dünyanı bəzəyən Abbasın tarixi (Tarixeləmarayə-Abbasi). Bakı. 2010.
2. Muḥammad Şadiq Kashghari. Tazkira-yi azīzān “Tarixi azizon”( in remembrance of the saints). New York. 2021.
3. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи Турк. Тошкент. 1992.
4. Қашқўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттахириин. Бухоро. 2002.
5. Қожамқулибек Балхи. Тарих-и Қыпшақи. Алматы. 2017.
6. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География). Ташкент. 1977.
7. Мирзо Махдихон Астрабодий. Тарихи жаҳонкушийи Нодирий. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари фонди. Қўлёмарақами 1227.
8. Мирзо Оли Мушриф. Ансаб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Тошкент. 1995.
9. Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Тошкент. 2009.
10. Муҳаммед юсуф Мунши. Муқимханская история. Ташкент. 1956.
11. Муҳаммад Амин Бухорий. Муҳит ат-таворих. Тошкент. 2020.
12. Муҳаммад Вафо Карманогий. Туҳфатул хоний. Хўжанд. 2017.
13. Муҳаммад Ёқиб Бухорий. Гулшан ал-мулук. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари фонди. 1507/III.
14. Муҳаммад Садри Зиё. Тарихи салотини Усмоний. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари фонди. Қўлёмарақами 1304/II.
15. Муҳаммад Умар Умидий. Тарихчайи Туроний. Тошкент. 2012.
16. Муҳаммад Фозилбек. Муқаммали тарихи Фарғона. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари фонди. Қўлёмарақами 597.
17. Муҳаммад Ҳайдар. Шужойи Ҳайдари. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари фонди. Қўлёмарақами 2467.
18. Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Тошкент. 2010.
19. Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шохрухий. Тошкент. 2014.
20. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент. 2014.
21. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Биринчи жилд. Тошкент. 1999.
22. Ҳофиз Таниш Бухорий. Имомқулихоннома. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари фонди. Қўлёмарақами 89.

### Ҳужжатлар

23. Мажмуийи мактубот ва маншур. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари фонди. Қўлёмарақами 880/I.

24. Миракшоҳ мунший, Мулло Зоҳид мунший. Муҳаммад Жавшан қоровулбеғини кушбеғи кулл мансабига тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. Мактубот, муншоат ва маншурот. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари фонди. Қўлёмма рақами 289.

25. Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. стр.14-18 (перц, текст), стр. 18-23 (русский перевод)

#### **Илмий адабиётлар**

26. Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов. Санкт-Петербург. 2006.

27. Низомиддинов И.Ф. XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиё Ҳиндистон муносабатлари. Тошкент. 1966.

28. Ахмедов Б.А. История Балха. Ташкент. 1982.

### **В.А.ШИШКИННИНГ ШАХСИЙ АРХИВИГА БИР НАЗАР**

*Болтаев А.Х. - Бухоро давлат университети*

*Археология ва Бухоро тарихи*

*кафедраси доценти*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Шарқ давлат мезеи фондида сақланаётган В.А.Шишкин шахсий архиви ҳақида сўз боради. Музейда олимнинг дала тадқиқот материаллари қайд қилинган кундалик дафтарлари унинг фарзандлари томонидан тақдим қилинганлиги ва кундаликларда Ўрта Осиё археологияси масалалари ва Бухоро воҳаси археологиясига оид маълумотлар жамлангани айтилган. Шунингдек, олим амалга оширган археологик экспедициялар натижасида монография, рисола ва тўпламлар нашр этганлиги қайд қилинган.

**Аннотация:** В этой статье рассказывается о личном архиве В.А. Шишкина, который хранится в фонде государственного музея Востока. Сказано, что в музее имеются дневники ученого, в которых записаны материалы полевых исследований, были предоставлены его детьми и в них собраны сведения по вопросам археологии Средней Азии и археологии Бухарского оазиса. Также отмечается, что в результате проведенных ученым археологических экспедиций были изданы монографии, брошюры и сборники.

**Abstract:** This article tells about Shishkin's personal archive, which is kept in the fund of the State Museum of the East. It is said that the museum has diaries of the scientist, in which field research materials are recorded, were provided by his children and they contain information on the archaeology of Central Asia and the archeology of the Bukhara oasis. It is also noted that as a result of

archaeological expeditions conducted by the scientist, monographs, brochures and collections were published.

**Калит сўзлар:** Бухоро, Ўрта Осиё, археология, кундалик, дала тадқиқотлари, коллекция, музей, архив, фонд, топонимика, тарихий топография.

**Ключевые слова:** Бухара, Центральная Азия, археология, дневник, полевые исследования, коллекция, музей, архив, фонд, топонимика, историческая топография.

**Key words:** Bukhara, Central Asia, archeology, diary, field research, collection, museum, archive, foundation, toponymy, historical topography.

Тарихий ҳужжатлар ва архивларнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, улар орасида археологик архивлар ўзига хос тоифани ташкил қилади. Кўпинча, дала тадқиқотлари давомида олинган ва нашр этилмаган материаллар бир ёки бошқа сабаб бу ерда сақланади. Бундай материалларни архив коллекциялари шаклида сақлаш ва уларни нашр этиш археологик меросни сақлаш муаммосини ҳал қилишнинг муҳим қисмидир.

1999 йили Москвадаги Шарқ давлат музейи<sup>2</sup> архиви таркибида янги фонд ташкил этилди. Бу фонд “археологик материаллар фонди” деб номланди. Унинг асосий таркибини дастлаб иккита катта ҳужжатлар тўплами ташкил этган:

1) Марказий Осиё археологик экспедициясининг 1980-1990 йилларида Ўзбекистоннинг турли ёдгорликлари бўйича тадқиқот материаллари;

2) Шарқ давлат музейига совға қилинган ашёлар – яъни Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср археологияси ҳамда маданияти тарихи мутахассислардан Галина Васильевна Шишкинанинг шахсий архиви. Бу ҳужжатлар тахминан 250 дона сақлов бирлигини ташкил этади. Улар орасида Г.В.Шишкинанинг турли ёдгорликларга, асосан Самарқанддаги Афросиёб ёдгорлигига оид узоқ йиллик тадқиқот материаллари ҳамда отаси машҳур археолог Василий Афанасьевич Шишкиннинг<sup>3</sup> илмий мероси, материаллари (Марказий Осиё тарихий ва меъморий ёдгорликларни ўрганишга қаратилган) сақланади. Шунингдек, бу археология фонди 2000-2003 йилларда санъатшунос Виктория Георгиевна Долинская томонидан совға қилинган шахсий архив материаллари билан тўлдирилади. [Никулина, 2015. С.5-28.]

В.А.Шишкиннинг шахсий архив ҳужжатлари ҳақида гапирганда, унинг дала тадқиқот кундаликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Дала тадқиқот кундаликлари турли ўлчам ва ҳажмдаги умумий дафтарлардан иборат бўлиб, улар муаллиф томонидан рақамланган ва сарлавҳалар

<sup>2</sup>Государственный музей Востока (ГМВ).

<sup>3</sup>Василий Афанасьевич Шишкин 1898 йил 29 декабрда Россиянинг Вятская губерниясида туғилган. 1966 йил 18 октябрда Самарқандда вафот этган.

кўйилган, баъзиларида эса саҳифаларни кўрсатадиган мундарижа жадвали акс эттирилган.

Бундан ташқари, дафтарларга алоҳида кўрсатгичлар мавжуд бўлиб, уни олимнинг ўзи рўйхатини тузган ва хулосалаб берган. Кўрсатгичларга кўра, олимнинг кўп йиллик илмий фаолияти 74 та дафтарга жамланган. Шундан, 37 дала тадқиқот кундаликлари Шарқ давлат музейи (ГМВ) архивининг археологик фондида сақланади.

Бу дала тадқиқот дафтарлари В.А.Шишкин томонидан экспедициялар пайтида яратилган. Кундаликларда деярли ҳар кунгида ёзувлари, кун давомида олимнинг жуда катта миқдордаги ишни, шу жумладан қидирув ёки қазишмаларнинг тавсифларини, экспедиция раҳбариятининг топшириқларини, маҳаллий ҳокимият ва илмий жамоатчилик вакиллари билан алоқалари акс эттирилган. Шунингдек, кундаликда юзага келадиган илмий фикрлар, ғоялар, мунозарали масалаларни қайд этилган бўлиб, ёзма манбалар, адабиётлар ва археологик материаллар билан ишлаш жараёнида ўз тасдиғини топган фикрлар ёки янгиликлар ҳам қайд қилинган. Тадқиқот саҳифаларидан сиз В.А.Шишкиннинг илмий ва ижодий ишларининг боришини аниқ кузатишингиз мумкин. Олимнинг дала тадқиқот кундаликлари унинг келажакдаги кўплаб мақолалари ва китобларининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Бироқ, Василий Афанасьевич фақат пухта ўйланган ва пухта ишлаб чиқилган хулосаларини нашр этганлиги сабабли, кўплаб нашр этилмаган ишлари кундаликларда сақланиб қолган.

Бугунги кунга қадар фақат ушбу кундалик дафтарларининг саҳифаларида В.А.Шишкиннинг илмий иш методологияси, маданий ёдгорликлар билан ишлаш техникаси, ўлчовлар ва эскизларнинг тафсилотлари, ўрганилаётган объектларнинг аниқ тарихий ва топографик тасвифларининг қайд қилиниши уни ишончли ҳамда қимматли манбага айлантиради. Бу нафақат Ўзбекистон тарихи ва археологиясига оид илмий тадқиқотларнинг бир тури, балки дала тадқиқот материалларининг алоҳида методлари, жонли тили, муаллифнинг шубҳасиз илмий истеъдоди ва унинг рассом сифатидаги қобилиятининг юксаклиги ҳамда фидокорона меҳнатининг ўзига хос аниқлигида кўриш мумкин.

В.А. Шишкиннинг 1934-1940, 1947, 1949-1950 ва 1952-1953 йиллардаги Бухоро-Сўғди ҳудудидаги экспедицияси ва Зарафшон археологияси разведка ишлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган кундаликлари илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотади. Бу дала тадқиқоти дафтарларида Бухоро воҳасидаги юздан ортиқ археологик обидалар ўрганилди ва маълумотлари жамланди.

Дала тадқиқот кундалик ёзувларида Бухоро воҳаси тарихий топографиясини тиклаш учун олимнинг машаққатли меҳнاتини кўриш мумкин. У воҳани суғориш тарихига оид ёзма манбаларни ўрганиш, қадимги номларни ва энг қадимги қатламини аниқлаш билан бирга ёзма манбалардаги топонимларни солиштириш ишларини ҳам амалга оширган.

В.А. Шишкиннинг Шарқ давлат музейи архивида сақланаётган бир нечта дала тадқиқот кундаликлари Бухоро воҳасининг йирик тарихий ёдгорлиги Варахшада олиб борган қазилмалари ҳақидаги ёзувлар ҳамда ушбу аҳоли манзилгоҳи худудининг тадқиқот материаллари ташкил этади. Бунга қўшимча равишда учта албомда қазилш ва археологик топилма матнлари ҳамда фотосуратлар жамланган бўлиб, бу воҳанинг археологик маълумотларини тўлдиради.

В.А. Шишкин тадқиқотининг маълумотлари 1980 йиллар ўрталарида Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти Бухоро археологик экспедициясининг Республика археологик ёдгорликлари тўпламини тузиш, шу жумладан Варахша массиви (археологик) ёдгорликлари тўпламини тузиш бўйича ишларига асос бўлди [Адылов, 2002. С.73.].

1930-1950 йиллари В.А. Шишкин бошчилигидаги экспедициянинг Бухоро воҳаси худудида, шу жумладан Варахша массивида олиб борилган қазилмалар ва изланиш материаллари асосан нашр этилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида “Варахша” монографияси (1963 й), “Бухоро воҳасини археологик ўрганиш тарихидан” ва “Варахша шаҳри ва унинг атрофи”, деб номланган тўпламлар нашр этилди. Бироқ, кўплаб материаллар нашр этилмаган ва ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, чунки Бухоро воҳасидаги ерларни ўзлаштириш пайтида, суғориш ва қурилиш ишлари вақтида кўплаб тарихий обидалар жиддий равишда вайрон қилинган ёки тиклаб бўлмайдиган даражага келтирилган.

Варахшадаги қазилмаларга қарасак, В.А. Шишкин экспедицияси (1930-1950) ва Шарқ Давлат музейининг Ўрта Осиё археологик экспедицияси (1980-1990) тадқиқот ишлари кўламига қарамай, ўн йиллар давомида Бухоро воҳасининг археологик жойлари ўзбек, рус ва сўнгги йилларда чет эллик мутахассисларнинг диққатини жалб қилишда давом этмоқда. Улар орасида 1934 йилда археологлар томонидан текширилган Зарафшон водийси манзилгоҳлари яқинидаги қабристонларни ўрганиш бўйича олиб борилган ишларни таъкидлаш лозим: Якубовский ва Обельченколарнинг Қизилтепа, Шаҳри-Вайрон ва Ҳазора манзилгоҳидаги, Моҳандарё дельтасида Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти экспедициялари тош асри ёдгорликларини аниқлаш билан шуғулланган: Я.Ғуломов бошчилигидаги Моҳандарё археологик отряди ва Бухорода А.Муҳаммаджонов бошчилигида

Зарафшоннинг куйи ва ўрта қисмларида, шунингдек, Бухоро воҳасининг ғарбий ва шимоли-ғарбий қисмида археологик ёдгорликлар тўпламини тузиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. [Археологические... 1990. С.141,142.]

Ҳозирги кунга қадар Ш.Адилов, Ж.Мирзааҳмедовлар томонидан Варахша ёдгорлигининг турли нуқталари, Бухоро воҳасидаги қадимий суғориш ерлари ва 1934 йилда бошланган Кампирдеворини ўрганиш ишлари давом этмоқда.

2011 йилдан бери Ўзбекистон-Америка қўшма экспедицияси ходимлари Ж. Мирзааҳмедов ва С. Штарке томонидан 1930-йилларда В.А. Шишкин олиб борган дала тадқиқот йўналишлари билан бевосита боғлиқ ҳолда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, С.Н. Юренев фондларидаги мактубларни тадқиқ этиш жараёнида олимнинг ўз давридаги машҳур археолог ва ўлкашунос В.А.Шишкин билан ҳам ўзаро ёзишмалар олиб борганлиги маълум бўлди. Мактубларнинг матни билан танишиш жараёнида икки олимнинг Бухорода археологик изланишлар олиб бориш, топилмаларни ўрганиш ҳамда улар асосида илгари сурилган илмий хулосалар тўғрисида фикр алмашилганлиги аниқланди [Болтаев, 2018. Б. 5-9.].

Хулоса қилиб айтганда, В.А.Шишкин Бухоро воҳаси билимдони. У кўплаб ёдгорликларни ўрганган олим, нафақат Бухоро шаҳрини балки унинг атрофидаги тарихий ёдгорликларни ўрганган. Олимнинг ҳар бир ёдгорликни синчиклаб ўрганиши жараёнида уларни ўз кундалигига қайд қилиши ва уларнинг суратини чизиши унинг юқори истеъдод соҳиббилигидан далолатдир. Ҳозирги кунда бу дала тадқиқот материалларининг Шарқ давлат музейи архивида сақланиши музей фондини бойитиш билан бир қаторда, коллекция хужжатларнинг илмий қиммати юқорилигини билдиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Адылов Ш.Т. Западные окраины Бухарского оазиса на ранних стадиях обживания (VI в. до н.э. – III в. н.э.) (По материалам исследований в Баштепинской зоне Варахшинского массива) //ИМКУ. Вып. 33. – Ташкент, 2002. – С.73.
2. Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент, 1990. - С.141,142
3. Болтаев А.Х. Бухоро ўлкашунослиги тарихини ўрганишда С.Н.Юренев ёзишмаларининг ўрни //Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. – Тошкент. 2018. № 1. 5-9-бетлар.
4. Болтаев А.Х. Бухоро музейи – тарихий ўлкашунослик маркази сифатида. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 70 б.

5. Болтаев А.Ҳ. С.Н.Юрениев ва В.А.Шишкин ёзишмаларида ўлка тарихи масалалари // “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқот методлари ва методологиясининг долзарб вазифалари” мавзuidaги Республика X илмий-назарий конференциясининг материаллари. – Тошкент, 2018. №10. 75-78-бетлар.
6. Никулина О.С. Архивные материалы по истории и археологии Узбекистана в Государственном музее Восток //Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том II. – Самарканд: МИЦАИ 2015. – С.5-28.

## **БУХОРО МУЗЕЙИДАГИ ТУРКИЯ ТАНГАЛАРИ**

*Жўраев Шерали Фулом ўгли - Самарқанд Археология институти*  
*Бухоро филиали кичик илмий ходими*

**Аннотация:** Мазкур мақола Бухоро музейида сақланаётган Туркияда зарб қилинган тангалар коллекцияси ҳақида маълумот беради. Мақолада ушбу экспонатларнинг музейга келиш тарихи ҳамда нумизматик материалларнинг тавсифи ёритиб берилди. Шунингдек, айрим тангаларнинг тўлиқ маълумотлари ёритиб берилди.

**Калит сўзлар:** Бухоро музейи, Нумизматика, экспонат, танга, фонд

**Аннотация:** В этой статье представляется информация о коллекции монет, отчеканенных в Турции, которая хранится в Бухарском музее. В статье будет освещена история поступления этих экспонатов в музей, а также описание нумизматических материалов. Кроме того, будут отображены полные данные по некоторым монетам.

**Ключевые слова:** Бухарский музей, нумизматика, экспонат, монета, фонд

**Annotation:** This article provides information about the collection of coins minted in Turkey, which is kept in the Bukhara Museum. The article will cover the history of the receipt of these exhibits in the museum, as well as a description of numismatic materials. In addition, full data on some coins will be displayed.

**Keywords:** Bukhara Museum, numismatics, exhibit, coin, fund

Нумизматик коллекция аксарият музейларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, тарихнинг маълум бир саҳифасини ёритишда асосий элементлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда Республика миқёсида етакчилик қиладиган музейлардан бири - Бухоро музейи бўлиб, ўз бағрида 40 мингдан ортиқ ашёдан ташкил топган Нумизматика коллекциясини сақлаб келади. Ушбу коллекция музей экспонатлари миқдорининг 30%идан ортиғини ташкил қиладди. Улар асосан археологик қазилмалар вақтида

топилган ва илмий йиғув натижасида музейга совға қилинган артефактлардан иборатдир. Мазкур коллекция таркибига нафақат Ўрта Осиёда зарб қилинган, балки ундан ташқарида муомалага чиқарилган бошқа давлатлар ва сулолаларнинг тангаларини киритиш мумкин. Шундай тангалар сирасига Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Кичик Осиё ва Туркияда турли даврларда зарб қилинган тангаларни мисол тариқасида айтиш мумкин. [Джураев Ш., Кобилов Ш. 2021., Б. 49-54.]

Бухоро музейининг дастлабки нумизматик ашёлари ўлкада музей ташкил қилингандан кейин ҳисобга олиш бошланган ҳамда улар Кирилл китоби ёки бош инвентарь китобга киритилган. Бугунги кунга келиб бундай китоблар сони 50 дан ортиқ бўлиб, №4 китобдан уларни мунтазам ёзиб бориш имконияти пайдо бўлди. [КП, №4] Шу сингари нумизматик материалларга мисол тариқасида Туркияда зарб қилинган тангаларни мисол келтириш мумкин.

Туркия ҳудудида зарб қилинган ва музейнинг экспонати мақомини олган дастлабки буюмлар – тангалар 1950 йил 12 августда Кирилл далолатномаси асосида қабул қилинган. Тангалар 15 рублга сотиб олинган ва уларнинг умумий сони 3 та. Музей инвентарь китобида жуда қисқа маълумот берилганлиги учун, улар ҳақида экспонатнинг ўзига қараб қўшимча маълумот йиғиш мумкин. Тангалар Усманийлар сулоласининг сўнгги даврига тегишли бўлиб, бу пайтда уларнинг материаллари нафақат мисдан, балки тилла ва кумуш, айрим ҳолатларда никелдан тайёрланган. Маълумки XIX аср охирига келиб Усмонли Турк салтанатида пул ислоҳоти ўтказилиб, натижада уларга лира номи берилди. Тангаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳаммасида мусулмон мамлакатлари учун хос бўлган қатъий дизайн мавжуд. Ёзувлар араб графикасида амалга оширилган. Бу давр тангаларида фақат ёзув билан чекланиш мавжуд ва уларда жонли мавжудот ёки бинолар тасвири мавжуд эмас. Диаметри 16-18 мм. атрофида, зарб қилинган йили сифатида 1327- хижрий йил кўрсатиб ўтилган (1912-13 йй.). Танганинг қалинлиги 1,3 мм. Оғирлиги – 2,6 гр.ни ташкил қилади.

Ушбу тангаларнинг асосий элементи сулоланинг рамзи – туғро белгисидир. Мазкур белги жуда бежирим услубда хаттотлик элементлари билан безатилган. Тангаларнинг AV қисми марказида айнан шундай тасвир мавжуд. Белгининг ўнг томонида ҳукмдор номи ёзиб қолдирилган. Ёзувнинг атрофи тангасимон ҳошия билан ўраб олинган. Унинг пастида буғдой бошоқли ва баргсимон гулчамбар тасвири берилган. Юқори қисмидаги ёзувлар бир биридан кичик бешқиррали юлдузчалар билан ажратилган: “Ҳуррият, мушоварат (яъни, ўзаро маслаҳатлашиш, кенгашиш), Адолат” ёзувлари

Ушбу тангалар Усманийлар салтанатининг ҳукмдори Махмуд V Ришод даврида муомалага чиқарилган. Нумизматик материалларнинг RV қисмида ҳам худди юкоридагидек ҳолатлар учрайди, фақат айрим ўзгаришлар мавжуд. Масалан, танганинг марказида унинг номинали – 10 рақами келтирилган. “Зуриба фи давлати Усманийя- кастантинийя. 10 пора (Усмонли давлатининг Константинополь деган жойида зарб қилинди)” Пастидаги гулчамбар ичига эса танганинг зарб қилинган йили кўрсатилган. Яъни, ҳижрий 1327 й. Танганинг четки бортиги бироз кўтарилган ва майда таёқчалар бутун айланаси бўйлаб қошлаб олган.

Яна шундай материаллар сирасига 1 жуфт тангани киритиш мумкин, мазкур экспонатлар 1966 йилда рўйхатга олинган ва 2 та танга 1293 ҳижрий йил билан саналанади. Милодий йил ҳисоби бўйича 1876 йилга тўғри келади. Зарб қилинган ўри Туркия ҳудуди. [Джураев, 2022. Б-34] Усманийлар салтанатининг бу даврдаги тангалари қуруш номи билан аталади. Манбаларда зарбхона (Монетный двор) сифатида Константинопол кўрсатилган бўлиб, умумий зарб қилинган тангалар сони 3 миллиондан ортиқни ташкил қилган. Музейнинг қирим қитобида материали ўрнида оқ металл деб ёзиб қўйилган. Танганинг диаметри 18 мм. ни ташкил қилади. Нумизматик ашёлар подшо Абдул-Ҳамид II даврида зарб қилинган ва муомалага чиқарилган.

Тангаларнинг AV қисми Усманийлар салтанатининг махсус белгиси – туғро жойлаштирилган бўлиб, унинг пастки қисмида 33 рақами келтирилган. Танганинг четки қисми майда таёқчасимон безак билан безатилган. Танганинг марказидаги ёзув атрофи ярим ой ва юлдуз тасвирларининг комплект жойлашувидан иборат бўлиб, уларнинг орасида гул тасвири туширилган.

RV қисмида ҳам бир ҳолат такрорланади. Тасвирлар ўз ўрнини сақлаб қолган ва ёзув ўзгариб, энг пастки қисмида 1293 рақами битилган. Юлдуз ва ярим ой тасвирлари 12 тадан қилиб ишланган.

Бухоро музейидаги Туркия ҳукмдорларининг тангалари орқали қўшимча маълумотлар олиш имкони пайдо бўлади. Шунингдек, улардаги турли хил эпиграфик ёзувлар, нақшларни бир-бирига солиштириш асосида танга зарб қилиш борасидаги ўзгаришлар, уларнинг ривожланиш босқичларини аниқласа бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Архив Бухарского Музея. Книга Приказов за 1966.
2. Бухарский Областной Гос. Архив, Ф-1175 Оп. 5, Д-31, Л. 118
3. Джураев Ш., Кобилов Ш. Монетные клады, найденные в Бухарском оазисе. (На основе книги приёма бухарского музея). // “Бухоро тарихи

масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция. Бухоро, 26.06.2021., Б. 49-54.

4. Джураев Ш.Г. Из истории Бухарского музея. Формирование коллекции. К 100-летию Бухарского государственного музея-заповедника. // Музей, №10, 2022

5. Жўраев Ш., Халикова Н. Бухоро музейидаги Эрон тангалари. // Таълим инновацияси ва интеграцияси. 2023 й, июль. 1-сон, 1-тўплам. Б.29-33

6. КП музея-заповедника №4

## **РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ УЗБЕКИСТАНА В СЕРЕДИНЕ 80-Х ГОДОВ XX ВЕКА**

*Зарипов С.Д. -*

*Преподаватель кафедры “Всемирной истории”  
Бухарского Государственного университета*

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются исторические основы концепции ускорения развития экономики Узбекистана в условиях научно - технического прогресса в середине 80 - х годах XX века.

**Ключевые слова:** Экономика, прогресс, переселения, перемещение, сокращение, темп, скептицизм, ресурс, промышленность.

Для ускорения темпов экономического роста Узбекистана определено необходимость рационального использования всех видов ресурсов, в том числе трудовых.

В социальном плане проблема рационального использования трудовых ресурсов во многом определена демографическими особенностями Узбекистана. Так, среднегодовой темп прироста населения Узбекской ССР 1970-1985 гг составил 2 - 2.85% при 0.9% по стране целом, за этот период он повысил среднегодовой уровень более чем в 3 раза. Причем, если по стране численность сельского населения постоянно сокращается, то в Узбекистана увеличивается. Так, за 1960-1980 гг сельское население страны сократилось на 10.5млн человек, а по республике увеличилось на 3875 тыс человек. Несмотря на то, что доля сельского населения в общей численности жителей Узбекистана постоянно сокращается по сравнению с 1960 года большая его часть проживает в сельской местности - 58.8% (по Союзу в целом - 34.6%). Это объясняется специфическими факторами, главный из которых - сложившаяся специализация республики на производстве хлопка и хлопкопродуктов.

В республике быстрыми темпами росла численность городского населения. За 1960-1980 гг оно увеличилось более чем в два раза, а его

среднегодовые темпы прироста оказались вдвое выше темпов прироста сельского населения. Это соотношение в известной степени отражает экономический рост сельских районов республики, образование новых промышленных центров городов.

Одним из существенных источников вовлечения в общественное производство незанятой части населения являлось повышение коэффициента сменности работы предприятий. Советскими и хозяйственными органами республики в этом направлении проводилась значительная работа. В Ташкенте, Коканде, Самарканде, Бухаре и других крупных городах была трудоустроена и участвовала в общественном производстве довольно существенная часть трудовых ресурсов, ранее занятых в домашнем и личном подсобном хозяйстве.

Важным резервом улучшения занятости населения является повышение его подвижности. Вся ещё низкая миграционная активность коренных жителей Узбекистана объясняется прежде всего их традиционной привязанностью к родным местам и сельско-хозяйственному труду, рядом национальных и бытовых особенностей.

Перемещение в тот или иной район определенного количества трудовых ресурсов требует обеспечения необходимого уровня культурного и социального развития региона. Как отмечал экономист В. Костаков... вызывают скептицизм предложения о широком перемещении во имя трудоустройства “лишних работников в другие районы страны, где большая потребность в рабочих руках люди не сырье и не оборудование, которое можно по своему усмотрению перебрасывать с места на место. Так что массовое перемещение - это дело не близкого будущего. К этому надо добавить, что в условиях интенсификации повсюду нужны не просто работники, а работники квалифицированные, которых очень не хватает в среднеазиатских и других республиках с аналогичным состоянием трудовых ресурсов”.

В республике переселение в сельской местности семей, как и организованный набор рабочих, осуществляется Государственным комитетом Узбекской ССР труда и его местными органами. В 1985 году им по линии межреспубликанского организованного набора рабочих было направлено более 5,7 тысяч человек, что почти на 40% превышает аналогичный показатель 1981 года. В целом же за годы одиннадцатой пятилетки было направлено на работу за пределы республики около 25 тысяч рабочих, а масштабы сельско-хозяйственного межреспубликанского переселения увеличилось почти в 3 раза. При этом наиболее мобильной частью населения была молодежь.

В результате развития собственной производственной базы и расширения экономической связи с другими районами.

Страны занятность в отраслях промышленного производства должна была существенно возрасти.

#### **Используемые литературы :**

1. Ускорение развития экономики Узбекистана на базе научно - технического прогресса. С. К. Зиядуллаев. док. экон. наук А. Н Уз. ССР и другие.
2. Народное хозяйство СССР в 1985г. Издательство "Наука" Москва. 1985 г. стр 8.
3. В.Костаков. Занятность: дефицит или избыток. Статья. Журнал Коммунист Н2. 1987г. стр 89.
4. Государственный Архив Бухарской области Ф-1172, Он-1, Дело - 15, Л 454.

### **XX АСР 50-80 ЙИЛЛАРИДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА КАДРЛАР МУАММОСИ МАСАЛАСИНИНГ АРХИВ МАНБАЛАРИДА ЎРИТИЛИШИ (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

*Мажидов Ж.Ж. - Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи  
кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада 50-80 йилларда йўл қурилиши, транспорт соҳасидаги кадрларга бўлган эҳтиёж, бу борадаги асосий муаммо ва вазифалар таҳлил қилинади.

**Аннотация:** В данной статье анализируется потребность в дорожном строительстве, кадрах в сфере транспорта, основные проблемы и задачи в связи с этим в 1950-х и 1980-х гг.

**Abstract:** This article analyzes the need for road construction, personnel in the field of transport, the main problems and tasks in this regard in the 1950s and 1980s.

XX асрнинг 50-80 йилларида Бухоро вилояти ҳудудида фаолият юритган йўл қурилиши ташкилотларидаги кадрлар масаласи асосий оғриқли нуқта саналиб, уни бартараф этиш бўйича амалга оширилган, белгилаб олинган ишлар ҳар доим ҳам ўз самарасини бермаган. Ва ҳолангки бу даврда мамлакат халқ хўжалигини транспортсиз тасаввур қилиш қийин бўлган.

Нафақат Бухоро вилоятида, балки бутун Ўзбекистонда XX асрнинг 50-йилларида халқ хўжалигининг оқсайдиган соҳаларидан бири бўлган. Ҳудудларда, хусусан Бухоро вилоятида ҳатто, Республика аҳамиятидаги йўлларнинг ҳам бир қисмида ҳаракатланиш катта қийинчиликларни келтириб чиқарган. Ваҳоланки, маҳаллий аҳамиятдаги йўналишлар аҳволи бундан ҳам ёмон ҳолатда бўлган. Йўллар техник ҳолатининг ёмонлиги сабабли

автомашиналарни муддатдан олдин ишдан чиқишига, шунингдек, ёкилғини кўп сарфланиши кабилар билан биргаликда транспорт соҳаси давлатга катта зарар келтирган. Малакали кадрларнинг етишмаслиги натижасида 1951 йилда ҳам йўлларга хизмат кўрсатиш ва уларга шағал ташлаш урушдан олдинги даражага етмаган. Гарчи йўл қурилиш бошқармаси 1949 йилда шағал ташиш ишларини 119% бажарган бўлсада, бу 1940 йилдаги 67% ни ташкил қилган холос. 50-йиллардан Ўзбекистонда бўз ва кўриқ ерларнинг ўзлаштиришни бошланаётгани, янги йўлларни уришни тақазо қилган. Шу сабабли Ўзбекистон йўл қурилишига 606,9 млн рубль маблағ ажратилган[1]. Аммо, кадрлар масаласига эътибор етарли қаратилмаган.

Йўл қурилиши соҳасида фаолият кўрсатаётган ишчиларнинг ҳам малакасини қониқарли бўлмаган деб хулоса қилиш мумкин. Архив хужжатларида ишчилар малакасини ошириш мақсадида турли мусобақалар ўтказиб турилган жумладан, “Энг яхши автогрейдерчи”, “Энг яхши булдозерчи”, “Энг яхши йўл таъмири устаси”, “Энг яхши йўлчи” ва бошқа Республика миқёсидаги танловлар ўтказилиб, ғолибларга унвонлар, фахрий ёрликлар берилган[2]. Каби каби мусобақалар соҳада етишмайдиган малакали кадрлар муаммосини бир қадар бўлсада, ечиш имконини берган.

1950 йилларга оид архив манбаларида Бухоро вилояти йўлсозларининг кадрларни қайта тайёрлаш масаласи хусусида аниқ маълумотларни учратмадик. 1960 йилга тегишли архив манбаларида Ўзбекистон автомобил ва шоссе йўллари Бухоро вилояти бўлими (трести) инженер-ишчи хизматчилари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни ва йиллик режани мувофақиятли бажарганлар. Шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш режалари ҳам бажарилганлиги келтирилган[3]. Бу ҳали Бухоро вилоятида йўлсозлик соҳасида кадрлар муаммоси тўлиқ ҳал бўлганини аниқлатмаган. Ўша давр тарихига оид архив манбаларида йўлларнинг техник ҳолати яроқсизлигига оид маълумотларни кўплаб келтириш мумкин[4].

1970 йиллар бошларида ҳам бутун Республика йўл қурилишида кадрлар масаласи қониқарли бўлмаган. Асосий муаммо кадрларнинг кўнимсизлиги бўлиб, уларни бир ерда муқим ишлашини таъминлаш деярли иложсиз бўлиб, мутахассис кадрлар тез-тез иш жойини алмаштириб турган. Кадрларнинг кўнимсизлиги Республика миқёсида 25-30 фоизни ташкил қилса, Бухоро вилоятида бу кўрсаткич 40 дан ортиқроқни ташкил қилган. Бундан ташқари йўл қурилиши ташкилоти раҳбарларининг олий маълумотли мутахассис кадрларни сабабсиз ишдан ҳайдаш ҳоллари ҳам учраб турган. Архив манбаларининг бирида келтирилишича, ДРСУ бошлиғи ёш мутахассис Матчонови ишдан сабабсиз ҳайдаган ваҳоланки, корхонада олий маълумотли мутахассис етарли бўлмаган[5]. Бу ҳолни бутун

Республикада кузтиш мумкин бўлиб, бу кадрлар масаласида катта бўшлиқни келтириб чиқарган. Шунингдек, архив манбаларида, 1971 йилда ёш малакали мутахассислар (Ш.Хайрутдинов, А.Қўчқоров, Ш.Салиханов)лар сабабсиз ишдан ҳайдалгани, 1972 йилда Тошкент автомобил йўллари олийгоҳини тугатган Л.А. Костик йўлланмада кўрсатилган жойга ишга келмагани, вилоятда кадрлар масаласи оғир бўлганлиги сабабли 10-синф маълумоти билан айримлар бўлим бошлиқлари лавозимида ишлагани келтириб ўтилган. Бундан ташқари Б.Д. Мушеев, Т.Н. Никулина, Б.Данилянц, А.Потапов ва бошқалар ҳеч қандай ҳужжатсиз ишга қабул қилинган ваҳоланки мутахассис кадрлар ўз соҳасида ишга қабул қилинмаган. Ишга педагог, агроном, концерация технологиялари мутахассислари қабул қилинган. Трестда резерв кадрлар захираси йўқ бўлиб, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Н.М. Юрков ўрта маълумотга эгаллиги, Тошкент молия техникумини кредит инспектори йўналишини тугатгани, 1955-1968 йилларда ўн уч марта иш ўрнини ўзгартиргани келтирилиб; “Бу қандай инсонки, омбор ҳисобчиси, лаборант-фармацевт, давлат банки инспектори, бош ҳисобчи, техник, трест столовой-ресторанлари бухгалтери, кадр бўлими инспектори ва бошқа лавозимларида ишлаган? [6]”-қабилда ҳақли савол қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги маълумотлардан Бухоро вилояти йўл қурилиши соҳаси кадрлар масаласида нечоғли оғир аҳволда эканлигини аниқлаб олиш қийин эмас.

Архив манбасида келтирилишича, бутун Республикада 1973 йилда 113 кишигина инженер-техник мутахассис олий ва ўрта малумотли малакали мутахассислар билан алмаштирилган[7]. Бу 1970 йиллар бошида ҳам кадрлар муаммосининг кўлами катта эканлигини кўрсатиб берди. Мутахассис кадрларнинг етишмаслиги давлатга молиявий зарарлар етказишда ҳам намоён бўлади. Масалан, Бухоро “облдоруправления”сида 13 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, эҳтимол, мутахассиснинг нўноқлиги ёки бошқа сабабдан ойлик маошлар ортиқча тўланиб давлатга молиявий зарар етказилган. Бошқарма бошлиғи ўринбосари, қайта баҳоланган бош мутахассиси, касир, қоровул, хизматчи ва яна етти ишчига ортиқча тўлаш эвазига 1972 йил 8,6 минг, 1973 йил 4,3 минг рубль ортиқча маблағ сарфланган. Қорақўл ва Вобкент туманларига қарашли ДРСУ ишчиларига ноқонуний 30% устама тўланиб, давлатга 10,9 минг рубль зарар келтирилган. Бухоро тумани йўлсозларига эса 9,4 минг ортиқча пул тўланган[8]. Молиявий зарарнинг кўлами кенглиги молия соҳасида кадрлар масаласининг оғир аҳволда эканлигини кўрсатиб беради.

Бухоро вилояти йўл қурилиш соҳасида малакали кадрлар муаммоси Республика миқёсида бир неча марта танқид қилинганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган. 1970 йилга оид маълумотларнинг бирида,

ЎзССР автомобил йўллари қуриш ва эксплуатация қилиш вазирлиги ва ЎзССР автомобил ва шоссей йўллари профсоюзининг 1970 йил 5 июндаги қўшма йиғилишида “Андижон ва Бухоро вилоятлари автомобил йўллари қуриш ва таъмирлаш бошқармаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги ҳолати хусусида” масаласи кўрилган. Унда, ушбу вилоятларда вилоят йўл бошқармаси (облдоруправления)га қарашли бирор бир хўжаликда заправка постлари қўйилмаганлиги, ямаларнинг кўплиги, техника хавфсизлигига оид плакатлар, таблицалар етишмаслиги, бирорта ҳам ДРСУда шофёрларнинг медицина кўригига оид қайдлар мавжуд бўлмаганлиги, ходимларнинг махсус кийимлари ифлос эканлиги, Бухоро ДРСУсида махсус кийим, оёқ кийим, сочиқ, совун, медикаментларга 1450 рубль ортиқча сарфлангани, 1969 йил давомида на Бухоро ва на Андижонда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид ички тафтиш ўтказилмаганлигига оид маълумотлар керишган[9]. Бундан ташқари, 1974 йил 23 апрелда бўлиб ўтган Республика миқёсидаги коллегиял йиғилишида Бухоро-Навоий, Конимех-Зарафшон, йўлларини эксплуатация қилиш талабларига жавоб бермаслиги таъкидланган[10]. Бу каби танқидий фикр-мулоҳазалар архив манбаларида яна кўплаб келтириб ўтилган.

XX асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмида бутун Республикада бўлгани сингари Бухоро вилоятида ҳам магистрал йўлларнинг техник ҳолати яхшиланганлиги, йўл қурилиш соҳасида янги техникаларнинг кириб келиши кузатилган. Йўл қурилишида кириб келган янги техникаларни бошқаришда ҳам малакали мутахассислар муаммоси келиб чиққан бўлиб, техника воситасини бошқаришни етарли даражада билмаслик, техника хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик каби ҳолатлар натижасида ҳалокалар содир бўлиш ҳоллари учраб туради. Архив ҳужжатларининг бирида 1977 йилда бирорта ҳам техник ҳалокат содир бўлмаганлиги қайд этилиб, 1978 йилда эса ҳалокатлар сони тўрттани ташкил қилганлиги келтирилган. Техника хавфсизлик қоидаларига амал қилиниш масаласи Ўрта Осиё транспорт йўл қурилиши (Средазтрансстрой) даражасида кўриб чиқилган ва кадрларни қайта тайёрлаш ишлари йўлга қўйилмагани қайд қилиниб, бу йўналишда тегишли чоралар кўриш буюрилган[11]. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, 1978 йилда Ўрта Осиё транспорт йўл қурилиши (Средазтрансстрой) иш вақтидаги техник ҳалокатлар 1977 йилга нисбатан 7,7% камайган. Оғир жароҳат олиш 9,2% қисқарган, ўлим ҳолатига йўл қўйилмаган. Олинган травмаларнинг 28 фоизи транспорт воситаларини бошқариш жараёнида, 21 фоизи юк ва буюмларни ортиш вақтида, 14 фоизи кўтарма воситаларидан, 14 фоизи одамларни юқоридан қулаши натижасида, 21 фоизи ўз мутахассислигида ишламаслик оқибатида, 14 фоизи ишларни тўғри

ташқиллаштирилмаганлиги сабаб, 14 фоизи ҳимоя воситаларисиз ишлаш натижасида олинганлиги келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин[12].

Бухоро вилоятида ўтган асрнинг 70-йилларнинг охири – 60-йилларнинг бошида йўл қурилиши соҳасида кадрлар муаммоси ўз ечимини топиб борганлиги архив манбаларида ўз аксини топган. Автохужаликларда малакали ишчиларнинг кўпайиб бориши кузатилган. Шу сабабли маъмурият белгиланган тартибда яъни, имтоҳонлар олиш орқали ва имтиҳон натижаларига қараб, ишчиларни юқорироқ разрядларга ўтказиб бориши қарор асосида белгилаб қўйилган[13]. Бухоро вилоятида йўл қурилиши соҳасидаги кадрлар танқислиги XX аср 70-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб ўз ечимини топган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX асрнинг 50-йилларида Бухоро вилоятида йўл қурилиши ва мутахассис кадрлар масаласи оғир аҳволда бўлиб, бунинг ортидан молиявий, техник ва ҳатто, инсонлар қурбон берилган. Аста-секинлик билан бўлсада, бу муаммолар бартараф этиб борилган ва Бухоро вилоятидаги йўл қурилиши соҳаси Республика иқтисодиётидаги муҳим аҳамиятга эга бўлиб борган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. ЎзМА, Р-88-фонд, 10-рўйхат, 257-йиғма жилд, 36-37 варақлар.
2. ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 41-варақ
3. ЎзМА, Р-1770-фонд, 3-рўйхат, 93-йиғма жилд, 4-5 варақлар.
4. ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 389-йиғма жилд, 141-145 варақлар., ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 271-йиғма жилди, 6-варақ., ЎзМА, Р-608-фонд, 9-рўйхат, 778-йиғма жилд, 1-варақ., ЎзМА, Р-2585-фонд, 1-рўйхат, 1023-йиғма жилд, 3-4 варақлар., ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 389-йиғма жилд, 1,2,3-варақлар
5. ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 379-йиғма жилд, 9-варақ
6. ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 379-йиғма жилд, 63-варақ
7. ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 379-йиғма жилд, 9-варақ
8. ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 379-йиғма жилд, 71-варақ
9. ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 152-153 варақлар
10. ЎзМА, Р-2801-фонд, 1-рўйхат, 379-йиғма жилд, 72-варақ
11. ЎзМА, Р-2585-фонд, 1-рўйхат, 1023-йиғма жилд, 224-варақ
12. ЎзМА, Р-2585-фонд, 1-рўйхат, 1023-йиғма жилд, 389-варақ
13. ЎзМА, Р-1770-фонд, 3-рўйхат, 107-йиғма жилд, 8-варақ.

# IX-XV АСРЛАР БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

(Академик Бўрибой Аҳмедов илмий тадқиқотлари асосида)

*Ражабов Санъатжон Сунатович*

*Бухоро давлат педагогика институти*

*ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат*

*бўлими бошлиғи, ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада Академик Бўрибой Аҳмедов томонидан ўрганилган ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмаларнинг IX-XV асрлар Бухоро тарихини ўрганишда аҳамияти ва ўрни таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Бўрибой Аҳмедов, тадқиқот, Бухоро тарихи, манба, кўлёзма, давр, ҳуқуқий-ҳужжатлар, ёзишмалар, мемуар асарлар, эсдаликлар.

**Аннотация:** В статье анализируются значение и роль юридических документов и переписки, изученных академиком Бурибоем Ахмедовым, в изучении истории Бухары IX-XV вв.

**Ключевые слова:** Бурибой Ахмедов, исследование, история Бухары, источник, рукопись, период, правовые документы, переписка, мемуары, воспоминания.

**Annotation:** The article analyzes the significance and role of legal documents and correspondence studied by academician Boriboy Akhmedov in the study of the history of Bukhara in the 9th-15th centuries.

**Key words:** Boriboy Akhmedov, research, history of Bukhara, source, manuscript, period, legal documents, correspondence, memoirs, memoirs.

Бухоронинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда расмий ҳужжат ва ёзишмаларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ўрта Осиё хонликлари: Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг давлат архиви ўтган асрда, яъни 1865-1876 йиллардан кейин, хонлиқлар рус армияси томонидан босиб олингандан кейин, Россияга олиб кетилди ва музейлар ҳамда кутубхоналарда сақланди. Уларнинг бир қисми – Ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид қисми, 1960 йилдан кейин Тошкентга – Ўзбекистон Марказий Тарих архивига қайтарилди. Ушбу ҳужжатларнинг Давлат фаолияти билан боғлиқ қисми катта эҳтимол билан қайтмаган, чунки хонлиқларнинг архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида амалга оширилган тадқиқотлар ва уларнинг мазмунига бағишланган китоб ва мақолаларда асосан ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид масалалар ёритилган.

Бухоро хонлигининг Давлат архиви энг эски давлат архивларидан бири ҳисобланади. Унинг бир қисми Бухоро-Россия дипломатик ва савдо муносабатларига доир қисми Москвада “Қадимги ҳужжатлар Марказий Давлат архиви”да; яна бир қисми “Ўзбекистон марказий Давлат тарих

архиви”да сақланади. Москвада сақланаётган хужжатлар Бухоро хонлигининг Россия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва иқтисодий алоқалар тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Академик Б. Аҳмедов қушбеги архивини Ўзбекистон Давлат тарих архиви фондида (№ И-126) мавжудлиги ва архив Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий тарихи, иқтисодиёти ва бошқа масалаларни ўрганишда муҳим манба бўлишини таъкидлаган [Аҳмедов, 2001. Б. 69.]. Шунингдек, олим ушбу фонднинг ўрганилиши бўйича ўзининг илмий тадқиқотида маълумот берар экан қуйидаги фикрларни келтиради. “Фонднинг айрим хужжатларидан П.П.Иванов, А.А.Семёнов, М.А.Абдураимов К.М.Мирзоев ва Ҳалим Тўраев фойдаланганлар. Хусусан, М.А.Абдураимов ўз шогирдлари билан бирга қушбеги архивини тўла ўрганди ва унинг илмий тавсифини нашрга тайёрлади. Ҳалим Тўраев эса қушбеги архивидан ўзининг “Танҳоҳ” аталмиш катта ер эгалиги институтига бағишланган илмий тадқиқотини яратишда кенг фойдаланди” [Аҳмедов, 2001. Б. 69.].

Б.Аҳмедовнинг йирик мулкдорлардан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, жуйбор хожаларидан Хожа Муҳаммад Ислон, Хожа Саъд, Ялангтўшбий ва Манғитлар сулоласига мансуб бўлган Бухоро ҳукмдори амир Ҳайдар(1800-1826)га тегишли ҳуқуқий хужжатларнинг аҳамияти ва Бухоро тарихини тадқиқ этишда ўрни бўйича тўхталиб ўтамиз. Шарқшунос олима О.Д.Чехович (1912-1982) томонидан Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат тарихи архиви фондларида сақланаётган васиқалар ва вақфномалар фондидан Бухоро хонлигида ўзининг катта нуфузига эга бўлган Хўжа Убайдулло Аҳрорга тегишлиларини ажратиб олиб, матни ва русча таржимасини ўзининг тадқиқоти билан қўшиб 1974 йили “Самаркандские документы XV-XVI вв” номи билан нашр этди. О.Д.Чеховичнинг ушбу нашри Бухоронинг XV-XVI асрлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганишда биринчи даражали ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади [Аҳмедов, 2001. Б. 74].

XVI асрга доир Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган П.П. Иванов(1893-1942) нинг тадқиқотлари билан 1938 ва 1954 йилларда икки жилд қилиб Санкт-Петербургда “Жўйбор хўжаларининг архиви”га доир хужжатлар тўплами(тўплам мол-мулкка оид 288 хужжатни ўз ичига олади) нашр қилинган. Бухородаги йирик ер-сув ва мол-мулк эгаси бўлган хўжа Муҳаммад Ислон ва хўжа Саъдларнинг катта ерлари ва хўжалиги, уларнинг жамиятда эгаллаган ўрни ва нуфузи кўрсатиб берилган.

О.Д.Чехович томонидан 1954 йили фонд, архив, музей ва кутубхоналарда сақланаётган 51 номдаги ҳужжат (фармонлар, ҳукмномалар, иноятномалар, васиқалар, олди-сотди ва ажримлар)ларни ўз ичига олган “Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII-XIX вв” (Бухоро хонлигидаги аграр муносабатлар тарихига доир ҳужжатлар) номли китоби чоп этилган. Мазкур тўплам орқали Бухорода XVII-XIX асрларда мавжуд ер-сув, солиқлар ва жарималарга маълумотларни олишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Китобда келтирилган ҳужжатлар Аштархоний ҳукмдорлардан Имомқулихон (1611-1642) билан Убайдуллахон II (1702-1711), манғит амирларидан Ҳайдар, амир Музаффар ва Насруллоларнинг фармонлари(ҳукмномалари) XVII асрда ўтган йирик ер ва мулк эгалари бўлмиш Ялангтўшбий, Оллоёр девонбеги, Одина Муҳаммаджонларга тегишлидир.

IX – XV асрларга оид расмий ёзишмалар, яъни хонлар, амирлар, тариқат етакчилари ва шоирлар ўртасидаги ёзишмалар ҳам тарихий манба бўлиб хизмат қилиб, ижтимоий-сиёсий тарихни ўрганишда аҳамияти каттадир. Мактуботи Алломий – “Иншойи Абулфазл” (“Абулфазл (Алломи) тарафидан битилган (ва кўчирилган) мактублар) да 1586-1596 йилларда Бухоро ва Балх хонликлари билан Бобурийлар давлатининг сиёсий муносабатларига оид қимматли маълумотлар мавжуд [Аҳмедов, 2001. Б. 95]. Мактублардан бирида Бобурийлар давлати билан Бухоро хонлиги ҳукмдорларининг келгусида тутиладиган махсус учрашувларини уюштириш масаласи кўтарилди.

“Мажмуъайи маросалот” (Мактублар тўплами) Абдурахмон Жомий (1414-1492), хожа Убайдулла Аҳрор(1404-1490), хожа Аҳрорнинг ўғли хожа Муҳаммад Яҳё, ва бошқаларнинг Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, ва Султон Абу Саид мирзо (1451-1469)ларга йўллаган мактубларини ўз ичига олади.

Мажмуъайи мактуботи Саййид Амир Ҳайдар Баҳодирхон. Манғитлар сулоласи (1753-1920) нинг кўзга кўринган намояндаларидан бири амир Ҳайдар (1800-1826) нинг кўзга кўринган яқин амирларидан Муҳаммад Ҳаким иноққа (кейинчалик олий қушбеги) йўллаган турли масалаларга доир мактублари (муборакномалар, иноятномалар, ёрлиқлар ва бошқалар) тўплами[Аҳмедов, 2001. Б. 98]. Тўплам мазкур амирнинг 10 йил (1814-1824) мобайнида ёзган мактубларини ўз ичига олади. Мактубларда Бухоро амирининг маъмурий-хўжалик фаолияти, шунингдек, ўша даврда амалда бўлган қонун-қоидалар, ер эгалигининг турлари (суюрғол, танҳо, мулки хурри холис) ҳамда солиқлар (хирож, закот, ушр ва бошқа) тўғрисидаги муҳим маълумотларни учратамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарихга оид ҳужжатларни ўрганиш ва илмий тадқиқотларга тадбиқ этиш бугунги кунда ўзининг ривожланиш даражасига чиқиб бормокда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмаларни илмий тавсифлаб, каталогларни нашр қилиш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи,
2. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи”. Т. 1994.
3. Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVII в.в. (Письменные памятники). – Ташкент: Фан, 1985.
4. Аҳмедов Б.А. Роль джуйбарских ходжей в общественно-политической жизни Средней Азии (XVI-XVII в.в) // Тезисы докладов и сообщений Всесоюзной конференции “Бартольдские чтения 82”. – Москва: Наука, 1982.
5. Бадриддин Кашмирий. Равзат ар-ризвон. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, инв. №2094.
6. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. “Шарқ”. Т. 1999.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. 2000.
8. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали. “Фан”. Т. 1969. 11-сон.
9. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали. “Фан”. Т. 2005. 3-4-сон.
10. Тўраев Ҳ. “Бухорони Балхга алмаштириш воқеаси ва хўжа Ислом Жўйборий”. “Бухоро мавжлари” журнали.
11. Тўраев Ҳ. Жўйборийларни машҳур этган сиймолар // “Маърифат нури”, 1999-йил 22-ноябрь
12. Тўраев Ҳ. Бухоро ҳукмдорлари ва Жўйбор хўжалари // Бухоро: Тарих саҳифалари. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1998.

## **МУЗЕЙЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОЙИТИШДА**

### **ҚАЗУВ-ЙИҒУВ ИШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.**

**(Бухоро музейи мисолида)**

*Тойиров Руслан Мастонович – Бухоро давлат музей-қўриқхонаси Қадимги Пойкент тарихи музейи катта илмий ходими*

*Жўраев Шерали Фулом ўғли – Самарқанд Археология институти Бухоро филиали кичик илмий ходими*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Бухоро воҳасида олиб борилган айрим археологик тадқиқотлар, шунингдек Замонбобо ва Пойкенд ёдгорликлари ҳақида сўз боради. Мазкур ҳудудларда олиб борилган тадқиқотларнинг аҳамияти ва унинг натижасида олинган материаллар тавсифланади. Шунингдек, музей фондларини бойитишда археологик экспедиция ва қазишнинг аҳамияти очиқ берилди.

**Калит сўзлар:** музей, археология, экспедиция, Пойкенд, археологик тадқиқотлар, Яхё Гуломов.

**Аннотация:** В этой статье рассказываются о некоторых археологических исследованиях, проведенных в Бухарском оазисе, а также о памятниках Заманбаба и Пайкенда. Описывается значимость исследований, проведенных в этих регионах, и материалов, полученных в результате них. В ней также содержится информация о важности археологических экспедиций и раскопок для пополнения фондов музея.

**Ключевые слова:** Музей, археология, экспедиция, Пойкенд, археологические исследования, Яхья Гуломов.

**Annotation.**This article describes some of the archaeological research conducted in the Bukhara oasis, as well as the monuments of Zamanbab and Paykend. The significance of the studies conducted in these regions and the materials obtained as a result of them is described. It also contains information about the importance of archaeological expeditions and excavations to replenish the museum's funds.

**Keywords:** Museum, archeology, expedition, Paykend, archaeological research, Yahya Gulomov.

Маълумки, диёримиз жаҳон тарихи ва цивилизациясининг энг қадимий масканлари ва марказларидан биридир. Республикамиз ҳудудида сақланиб қолган юзлаб бебаҳо тарихий археологик обидалар, меъморий ёдгорликлар, ёзма манбалар, амалий санъат ва халқ ижодиёти намуналари буларнинг барчаси халқимизнинг бой ва бетакрор тарихий-маданий меросидир. Ана шу меросни ўрганиш, уни авайлаб асраш ва келажак авлодларга бениқсон етказиш мақсадида республикамызда бир қанча музейлар ташкил қилинди.

Музейларни ташкил қилиш ва уларни материаллар билан бойитиш, аҳоли орасида кенг миқёсда қидирув ва йиғув ишлари билан шуғулланиш эвазига, ҳамда маданиятимиз тарихини ойдинлаштирувчи далилий ашёларни қазув йўли билан топиш асосида амалга оширилади. Музей экспозицияларига қўйилган қадимий даврларга оид ашёвий далиллар, қадимий маданият ва санъатдан дарак берувчи идишлар, уларнинг қолдиқлари қандай қилиб топилган деган ҳақли саволга асос бўлади. Булар археолог, санъатшунос олимлар, археология жонбозлари ва музей фидоийлари томонидан қўлга киритилган ютуқлар самараси десак нотўғри бўлмайди. Археолог олим ерни қазади, қазув орқали ўтмиш ёдгорликларини топади, уларни ўрганади. Шунинг асосида қадимги халқларнинг турмуш тарзи, маданияти ва тарихини тадқиқ этади.

Ўзбекистонда расмий археологик тадқиқотлар 1926-1928 йилларда бошланган. Ўша йиллари музейлар ва эски меъморий ёдгорликларни ҳимоя қилиш кўмитаси қадимги Термиз ёдгорликларини ўрганишга киришган. Бу ердаги қадимий шаҳар ўрнида дастлабки қазув ишлари ташкиллаштирилган. Тарихий босмахона ва меъморий ёдгорликлар ўрганилган. Худди шу пайтда Самарқанднинг қадимий шаҳри бўлмиш Афросиёбда ҳам археологик изланишлар олиб борилган. Ўзбекистонда археология соҳасидаги илмий фаолият асосан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тарих ва археология институтида марказлашган бўлган. 1950 йилда Бухоро воҳасининг Қизилқум саҳросига туташ туманларига археологик экспедиция ташкил этилди. Экспедицияга таниқли археологик олим, академик Яҳё Ғуломов раҳбарлик қилган. Я.Ғуломов ва А.Асқаровнинг ёзишича, Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий чегара туманлари бир вақтлар Зарафшон дарёсининг тошқин сувлари туфайли аввал бепоён денгизга айланган, сўнг замоннинг зайли билан тошқин сувлар оқими қисқарган ва сатҳи кенг текис тақир майдонларга айланган ва улар оралаб Зарафшоннинг ҳавза ирмоқлари Амударёгача бориб етган. Аста-секин бу ирмоқлар йўл-йўлакай бир неча катта-кичик кўллар ҳосил қилган. Тош асрининг неолит (янги тош) даври, деб аталмиш босқичида бу бепоён тақирларда ибтидоий бобокалонларимиз кулбалар куриб, кўл ва сой бўйларида овчилик билан, кейинроқ пастқам, зах, намли ерларда дехқончилик, яйловларда эса чорвачилик билан машғул бўлишган. Олиб борилган изланишлар жараёнида 1950-1953 йилларда қазилган Замонбобо қабристонини ўрганиш ишлари давом эттирилиб, ёдгорликнинг ёши, ўша давр одамларининг урф-одатлари, мазор тузилиши, унинг хронологик босқичлари, маданий доираси, аҳолининг этнографик қиёфасига доир қатор жиҳатларини аниқлаш имконияти туғилган.

Замонбобо ёдгорлиги яқинидан бархан қумлар остида қолиб кетган замонбоболикларнинг қишлоғи топилган. Бу ерда кенг кўламли қазишлар олиб борилиб, аҳолининг турмуш тарзи, хўжалиги, урф-одати ва ўзга қабилалар билан бўлган иқтисодий ва этномаданий алоқалари аниқланди. Уларнинг меҳнат қуролларидан тортиб, кулоллик касби-корига тегишли асбоб-ускуналар, ашёвий далиллар топилган. Турли зебу-зийнатлар, қимматбаҳо тошлар - феруза, ҳақиқ, халседон, лаъл, ёқут ҳамда бронза, олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқлар бронза даврида отдан, туядан транспорт воситаси сифатида фойдаланганлиги аниқланди. Турли тотемларга топиниш билан бирга, қуёшга сиғиниш аломатлари борлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар топилган. Замонбобо маданияти номи остида энеолит ва бронза даври аҳолисининг дехқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланган маданияти тарих фанидан мустаҳкам ўрин олган ва ҳозирги

кунда бу маданият қолдиқлари жаҳон тарихида ўз ўрнини топган ва “Замонбобо маданияти” номи билан тарихга кирган. Ҳозирги кунда биргина Бухоро воҳасини ўзида бир қанча халқаро экспедициялар ташкил қилинган бўлиб, бу экспедициялар орқали кенг миқёсида амалга оширилаётган қазув-йиғув ишлари натижасида топилган асори-атиқаларимиз юртимиз музейларидан ўз ўрнини эгаллаб, халқимиз ва хорижлик сайёҳлар эътиборига хавола этилмоқда. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда биргина Бухоро давлат музей кўриқхонаси тасарруфидаги музей экспозицияларида археология, этнография, тасвирий санъат, қўлёзмалар ва нумизматикага оид материаллар ўрин эгаллаган бўлиб, бу материаллар қазув-йиғув ишлари натижасида қўлга киритилган. Биргина Бухоро давлат музей кўриқхонасига қарашли “Қадимги Пойкент тарихи музейи”да ҳозирги кунда 2270 та экспонат мавжуд бўлиб, бу экспонатлар Қадимги Пойкент шаҳри харобаларида олиб борилган археологик қазилмалар чоғида топилган. [Жўраев, 2023, -Б.701] Ушбу тангалар хазинаси 4500 дан ортиқ бўлиб, илк ўрта асрлар оид ашъвий далиллар, 2013 йилги археологик қазилмалар чоғида, Қадимги Пойкент шаҳри, Шаҳристон-І ҳудудидаги хоналарнинг биридан топилган. Тангаларнинг баъзилари маҳаллий, яъни Бухорода зарб қилинган бўлиб, унда ҳаракатдаги “От” билан “Туя” тасвирлари учрайди. Қолганлари эса илк ислом халифалиги даврларига оид бўлиб, бошқа ўлкаларда, Самарқанд, Кеш, Чоч, Хоразм ва Эронда зарб қилинган. [Мусакаева А., 1990, -Б. 33]

Шуларни ҳисобга олиб, бугунги кунда Бухоро воҳасини Қадимги Пойкент шаҳри харобаларида Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Самарқанд давлат археология институти, Россия давлат Эрмидажи ва Франциянинг Лувр музейи билан ҳамкорликда иккита йирик халқаро экспедиция археологик қазув-йиғув ишларини олиб бормоқдалар. Олиб борилган археологик қазилмалар чоғида топилган, ўтмиш тарихимиздан сўзловчи ноёб асори-атиқаларимиз ҳозирда Бухоро давлат музей кўриқхонаси археология бўлими ва Қадимги Пойкент тарихи музейи экспозициясидан ўрин эгаллаб, маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар эътиборига хавола этилмоқда. [Альмеев, 2004, -Б. 8]

Археологик қазувлар вақтида топилган материаллар, кашфиётлар шунчалик муҳим ва катта аҳамиятга эгаки, улар биринчидан энг қадимги маданиятимиз, аجدодларимиз турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, санъати ва хунармандчилигидан маълумот берса, иккинчидан улар музейлар фаолиятида далилий ашёлар сифатида, кўргазмали қуроллар вазифасини бажаради. Шундай қилиб, ҳозирги кунда музейлар археологик изланишлар, қазув-йиғув

ва илмий йиғув ишлари натижасида бойиб, мазмун жиҳатдан ҳам кенгайиб бормоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Альмеев Р. В. Музеефикация памятника археологии древнего городища Пайкенд. // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 9. – Бухара: «Бухара», 2004. -С. 4-13
2. Жўраев Ш. Бухоро музейи археологик коллекциясининг яралиши. // Бухоро тарихи масалалари илмий конференция, Бухоро, 2023, -Б.699
3. Мирзааҳмедов Д.К., Адылов Ш.Т., Мухамеджанов А.Р. Стекланные изделия из Пайкенд // Из истории культурного наследия Бухары. - №.1. Ташкент: Узбекистан, 1990. -С. 38–48
4. Мусакаева А. Типология монет Бухары с изображением верблюда // Из истории культурного наследия Бухары. -№ 1. -Ташкент, 1990. -С. 33–37

## **МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА, ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎДГОРЛИКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАНИШИ ВА УЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

*Савриев Жасур Фахриддинович*

*Кармана туман касб-хунар мактаби директори,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Мақолада мустақилликка қадар, Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларни тиклаш бўйича дастлабки изланишлар таъмирлаш борасидаги илк реставраторлик мактабларининг қийинчилик билан шаклланганлиги тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, қисқа қилган ҳолатда ўдгорликларни таъмирлаш борасидаги илк қарор ва фармойишлар ҳамда ажратилган фонд маблағлари миқдори кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Мустақиллик, ўдгорлик, социалистик, совет, меъмор, муҳандис, архитектор, реставрация, обида, таъмирлаш.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается сложность первых реставрационных школ в восстановлении исторических городов Узбекистана до обретения независимости. Также, кратко показаны первые решения и распоряжения по ремонту памятников и размер выделенных средств.

**Ключевые слова:** Независимость, памятник, социалистический, советский, архитектор, инженер, архитектор, реставрация, памятник, ремонт.

**Annotation:** The article discusses the complexity of the first restoration schools in the restoration of the historical cities of Uzbekistan before

independence. The first decisions and orders for the repair of monuments and the amount of allocated funds are also briefly shown.

**Key words:** Independence, monument, socialist, Soviet, architect, engineer, architect, restoration, monument, repair.

Мустақилликка қадар, совет даврида, меъморий обидаларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш ишларининг оммавий асосда йўлга қўйилишига коммунистик мафкура сиёсати тўсқинлик қиларди. Қурилганидан буён таъмирланмай харобага айланган ва фойдаланишга ярамай, ташландиқ ҳолга келиб қолган ёдгорликлар жуда кўп эди. Социалистик ўзгаришларни назарда тутган “инқилобий рух”- янги ва эски шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқ қилиш ҳамда уларни тенглаштиришга, шунингдек, дин ва кадриятларга қарши қаратилган ғояларнинг ҳукмронлиги совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йиллигида кўплаб қадимий шаҳарсозлик намуналарининг бузилишига олиб келди[1]. Ушбу радикал ғоялар Самарқанд, Бухоро, қадимий Урганч ҳамда Шахрисабз ва Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарларига ўнглаб бўлмас зарар етказди[2]. Шу муносабат билан меъмор-муҳандислар аввало вайрона ҳолатида бўлган ёдгорликлар қисмларини сақлаб қолишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу даврда Ўзбекистонда халқ усталарининг фаол иштироки билан маҳаллий таъмирлаш мактаби ташкил этилди ва шаклланди[3]. Таъмирлаш ишларида турли хил даврдаги меъморий ёдгорликларнинг лойиҳаси, шаклланиш тарихи бўйича В.Л.Вяткин, М.Ф.Мауэр, М.Е.Массон, Б.Н.Засыпкин, А.П.Удаленковнинг ўлчов ишлари, нақшинкор қопламалар ва ўймакор ишларни қайд этувчи рассомлар И.С.Казаков, А.В.Исупов, М. В.Столяровлар фикр ва маслаҳатлари инобатга олинди. Таъмир ишларини олиб боришга халқ усталари, меъмор-қурувчилар Абдуқодир Боқиев, Уста Ширин Муродов, Юсуфали Мусаев, Болта Жўраев, Жалол Жўраев, Қули Жалилов, меъморчилик, кошинкорлик ва таъмирлашда катта тажрибага эга усталар – Шамсиддин Ғофуров, Акрам Умаров, Ота Полвонов, Мирҳамид Юнусов, Тошпўлат Арслонкулов ва бошқалар жалб қилинди. Ёдгорликларни таъмирлаш, консервациялаш, муҳандислик жиҳатидан мустаҳкамлаш бўйича маълум анъаналар, қоидалар ва усуллар юзага келди[4]. Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини таъмирлаш илмий услубининг назарий пойдеворини таниқли олим, архитектура мутахассиси Б.Н. Засыпкин қўйди. Унинг кўп йиллик кузатишлари ва амалий тажрибаси қатор илмий нашрларда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон архитектор олимлари ва халқ усталарининг таъмирлаш тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, таъмирга муҳтож ҳар қандай обиданинг энг аввало бузилиш сабаблари аниқланиши, улар бартараф этилгандан сўнггина таъмирлаш ишларига ўтиш мумкинлиги қайд этилди[5]. Унинг тадқиқотларида миллий

меъморчилик мактаблари тарихий анъаналари, улардаги ўхшашлик ҳамда худудий фарқлар масаласи қиёсий ўрганилгани эътиборга моликдир. Б.Н. Засипкин илмий асарларида Ўрта Осиё давлатлари доирасида миллий меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан унумли фойдаланиш борасидаги ишлар Ўзбекистонда самарали ташкил этилганлигини кўп бора таъкидлаб ўтади. Шунингдек, Ўзбекистон миллий меъморчилиги намуналари маҳобатига юқори баҳо беради[6]. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейин юртимиз, халқимиз тарихини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳаққоний тадқиқ этиш, қадимий манбаларни холислик билан асл ҳолида тиклаш, давлатчилик тарихининг илдизларини очиб бериш республикамиз маданий-маънавий ҳаётидаги асосий масалалардан бирига айланди. Тарихий ҳақиқатни тиклашга давлат сиёсати даражасида қаралди. Бу ҳаётий зарурат эди. Чунки ўз озодлигини эркини қўлга киритган халқ кўп асрлар давомида босиб ўтган тарихий йўлини аниқ билиши, буюк аждодлар меросидан тўла баҳраманд бўлиши керак эди. Бу миллатимизнинг ўзлигини англаб етиши, истибдод даврида топталган ғурурини тиклаши, юксалтириши, мамлакатимизнинг келажак йўлини белгилаб олиши учун хизмат қиларди[7]. Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини таъмирлаш илмий услубининг назарий пойдеворини таниқли олим, архитектура мутахассиси Б.Н. Засипкин қўйди. Унинг кўп йиллик кузатишлари ва амалий тажрибаси қатор илмий нашрларда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон архитектор олимлари ва халқ усталарининг таъмирлаш тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, таъмирга муҳтож ҳар қандай обиданинг энг аввало бузилиш сабаблари аниқланиши, улар бартараф этилгандан сўнгина таъмирлаш ишларига ўтиш мумкинлиги қайд этилди[8]. Унинг тадқиқотларида миллий меъморчилик мактаблари тарихий анъаналари, улардаги ўхшашлик ҳамда худудий фарқлар масаласи қиёсий ўрганилгани эътиборга моликдир. Б.Н. Засыпкин илмий асарларида Ўрта Осиё давлатлари доирасида миллий меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан унумли фойдаланиш борасидаги ишлар Ўзбекистонда самарали ташкил этилганлигини кўп бора таъкидлаб ўтади. Шунингдек, Ўзбекистон миллий меъморчилиги намуналари маҳобатига юқори баҳо беради[9]. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейин юртимиз, халқимиз тарихини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳаққоний тадқиқ этиш, қадимий манбаларни холислик билан асл ҳолида тиклаш, давлатчилик тарихининг илдизларини очиб бериш республикамиз маданий-маънавий ҳаётидаги асосий масалалардан бирига айланди. Тарихий ҳақиқатни тиклашга давлат сиёсати даражасида қаралди. Бу ҳаётий зарурат эди. Чунки ўз озодлигини эркини қўлга киритган халқ кўп асрлар давомида босиб ўтган тарихий йўлини аниқ билиши, буюк аждодлар

меросидан тўла баҳраманд бўлиши керак эди. Бу миллатимизнинг ўзлигини англаб етиши, истибдод даврида топталган ғурурини тиклаши, юксалтириши, мамлакатимизнинг келажак йўлини белгилаб олиши учун хизмат қиларди[10]. Шундан сўнг, ушбу ишларни амалга оширишда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг 1998 йилда тарихчи олимлар билан учрашувда ўртага ташлаган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, [11] деган ғоявий концепсияси асос бўлди. Тарихни ҳаққоний ёритишда халқимизнинг яратувчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган қадимий шаҳарларимиздаги ёдгорликлар, обидалар, иншоотларни қайта қуриш, таъмирлаш, асл ҳолида бунёд этиш каби ишлар алоҳида назорат остига олинди. Бу бежиз бўлмайдиган маданий-маънавий бойликлар тарихимизнинг асл манбалари, жонли гувоҳлари илмий асослари ҳисобланади. Истиқлолнинг биринчи ўн йилликларида республика ҳукумати тарихий ва маданий ёдгорликларни қайта тиклаш ишига катта эътибор қаратди. Бу ишлар асосан давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди. Айни вақтда ҳомийлар, хайрия жамғармалари ва “Олтин мерос” жамғармасининг имкониятлари ишга солинди. Натижада, мустақиллик йилларида бу соҳага сарф қилинган маблағлар йилдан-йилга ошиб борди, тарихий ва меъморий ёдгорликлар реставрация қилинди ва қайта таъмирланди. Агар собиқ Иттифоқ даврида республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига 1989 йилда 10,28 млн рубл ажратилган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йили, яъни 1992 йилда республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажми 65,4 млн рублни, 1996 йилда эса 592 млн сўмни ташкил этди. 1991-1996 йиллар давомида тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун қурилиш материалларини тайёрлашга мослаштирилган Самарқанд устахонаси томонидан бажарилган ишлар ҳажми 20 баробар, Шаҳрисабз устахонасида бажарилган иш ҳажми салкам 23 баробарга ошди. 1991-2000-йилларда республика бўйича 69 та меъморий ёдгорликлар таъмирланди[12]. Амалга оширилган бундай кенг кўламли ишлар озгина бўлса-да, тарихий обидаларнинг умрини узайтириш ва янги туристик маршрутлар ташкил этиш имкониятларини яратди. 1996 йил апрель ойида Ўзбекистон “Бутунжаҳон маданият ва табиат меросини сақлаш конвенцияси”га қабул қилинди. Мазкур конвенциянинг умуминсоний аҳамиятга эга бўлган бойликларини ҳисобга олиш “Бутунжаҳон мероси рўйхати”га 1996 йил июнь ойида республиканинг 22 та тарихий ёдгорлиги рўйхати юборилди. Ушбу даврда Ўзбекистон моддий-маданий меросини ўрганиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини назорат қилувчи давлат муассасалари қайта ташкил этилди ва фаолияти такомиллаштирилди. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги ҳузуридаги “Маданий мерос

департаменти”, “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат кўмитаси”нинг миллий меъморий меросни асраш ва улардан фойдаланишга оид фаолиятини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур муассасалар раҳбарлигида давлат муҳофазасига олиниши зарур ёдгорликлар рўйхати кенгайтирилди. Шу пайтга қадар етарлича ўрганилмаган ёдгорликларда илмий тадқиқотлар олиб бориш, тиклаш ва улардан республика иқтисодий салоҳиятини оширишда, туризмни ривожлантиришда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан, тарихий-меъморий ёдгорликлар ва шаҳарсозлик объектларини қамраб олган халқаро сайёҳлик йўналишлари йўлга қўйилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Навоий вилоятида ҳам кўплаб халқаро анжуманлар ва илмий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, 1999-йили Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларидан қатор тарихий-маданий объектлар ЮНЕСКОнинг, Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун жўнатилди. Жумладан: Навоий вилоятидан ҳам 4 та тарихий-маданий объект, Кармана шаҳридаги Қосим Шайх комплекси, Мир Саййид Баҳром мақбараси, Работи Малик карвонсаройи ва Сардоба ёдгорликлари танлаб олиниб ушбу рўйхатга киритилди. Ваҳоланки уларнинг ҳеч бири шу пайтга қадар, жаҳон маданий-мероси рўйхатига киритилгани йўқ эди. Бирок кейинчалик улардан Работи Малик карвонсаройи, Сардоба билан биргаликда Сармишсой ва Хонбанди сув омбори ЮНЕСКОнинг дастлабки номзоди сифатида рўйхатига киритилиши эътироф этилди[13]. Таъкидлаш керакки, Навоий вилояти ҳам Ўзбекистон ва жаҳон тарихида муҳим аҳамиятга эга. Навоий вилояти тарихий-меъморий обидаларини таъмирлаш, асраб-авайлаш ва халқаро тарғиб қилиш масалалари Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг сезиларли равишда жонланди. 1998-йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов, Навоий вилоятига ташриф буюриб, Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди. Ташриф жараёнида вилоятда жойлашган маданий ёдгорликлар, уларнинг тарихи билан яқиндан танишиб, Кармана ва унинг атрофидаги тарихий обидалар, Карманада умргузаронлик қилган улуғ зотлар, Кармананинг ёши, унинг тарихда тутган ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий мавқеига алоҳида эътибор қаратди[14].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 27-май ПФ-2323-сонли фармони эса Навоий вилоятидаги тарихий-маданий ёдгорликларни асраб умрини узайтирилишида дастлабки қадамлардан бири ҳисобланди[15]. Мазкур қарорнинг бош қисмида Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш, Кармана шаҳрининг ўтмишдаги шухратини тиклаш, тарихий обидаларни қайта таъмирлаш имкониятини кенгайтириш,

маданий-маиший, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида бир қатор топшириқлар назарда тутилди. Фармонни зўр шодиёналик билан кутиб олган Навоий вилоят фаолларининг Биринчи Президентга: “Яна кадр топди Кармана” сарвлавҳали эҳтиром ва миннатдорчилик хатларидан куйидаги сатрларни ўқиш мумкин: “Ишончимиз комилки, яқин келажакда Кармана шаҳри ва унинг атрофида кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга ошади. Марказий Осиё маданиятининг ноёб ёдгорликлари Работи Малик, Сардоба, Мир Саййид Баҳром, Қосим Шайх, Хўжа Хисрав, Мирзачорбоғ каби тарихий обидалар қайтадан таъмирланиб, минглаб саёҳатчиларни ўзига чорлайдиган табаррук зиёратгоҳ жойларга айлантирилди”[16]. Ўтган давр ичида Навоий вилоятида ҳам кенг кўламдаги ишлар: тарихий-маданий муқаддас кадамжолар ва зиёратгоҳларни таъмирлаш жараёни босқичма-босқич ўрганилиб, таъмирлаш, реставрация ишлари амалга оширилди ва тадбиқ этиш жараёнлари бошланди. Уларни ўрганиш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2019 йил 28 июндаги 401 қарорига мувофиқ Навоий вилояти бўйича моддий-маънавий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилган ва янгиланган рўйхати эълон қилинди. Жумладан, жами 437 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинди, шундан 232 та тарихий, 121 та археологик, 63 та меъморий ёдгорликлар, шундан 13 таси республика ва 50 таси маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб 48 таси мономентал ёдгорликлар сифатида расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек: “Азим Зарафшон воҳасида, беҳисоб табиий бойликлар макони бўлган Қизилқум минтақасида жойлашган Навоий вилояти, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг дуру-жавоҳирлар хазинасидир”[17]. Навоий вилояти худуди нафақат ҳозирги Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ҳам муҳим савдо йўллари кесишган, қулай транзит ва логистика имкониятларини мужассам этган, Буюк ипак йўлининг асосий тармоқларини [18] бирлаштирган, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро каби йирик савдо-иқтисодий ва маданият марказлари оралиғидаги, уларни боғлаб турган қадимий тарихга эга макон сифатида маълум. Худди шу омиллар мазкур худуднинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим асос бўлган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995.- Б.112. (Ahmedov M.Q. History of Central Asian Architecture. - Tashkent: Uzbekistan, 1995. - P.112).

2. Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1990 гг.) // Строительство и архитектура Узбекистана. 1990. № 8.-С.12.
3. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси: Ўқув қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990. -Б.160
4. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. – Москва: Академии архитектуры СССР, 1948. – С.160.
5. Ўтмишга назар / Взгляд в прошлое / Look to the past №4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-4>. Муҳаббат Ҳамидова, XIX аср охири –XXI аср бошларида Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини ўрганишга бўлган муносабат тарихидан. – Б.81.
6. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. – Москва: Академии архитектуры СССР, 1948. – С.160. (Zasyupkin B.N. Architecture of Central Asia. – Moscow: Publishing house of the Academy of Architecture of the USSR, 1948. –P.160).
7. Аждодлар мероси-халқ даҳосининг тимсоли. Адолат ижтимоий сиёсий газетаси 2020. 30.05. № 9-сон <https://adolatgzt.uz/society/4254>.
8. Ўтмишга назар / Взгляд в прошлое / Look to the past №4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-4>. Муҳаббат Ҳамидова, XIX аср охири –XXI аср бошларида Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини ўрганишга бўлган муносабат тарихидан. – Б.81.
9. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. – Москва: Академии архитектуры СССР, 1948. – С.160. (Zasyupkin B.N. Architecture of Central Asia. – Moscow: Publishing house of the Academy of Architecture of the USSR, 1948. –P.160).
10. Аждодлар мероси-халқ даҳосининг тимсоли. Адолат ижтимоий сиёсий газетаси 2020. 30.05. № 9-сон <https://adolatgzt.uz/society/4254>.
11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент: Шарқ, 1998. - Б.32.
12. Маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Б.Абдурахмоновнинг “1991-1995 йиллардаги фаолият натижалари таҳлили ва шаклланаётган устивор йўналишлар” мавзусидаги доклады. 1996. –Б.4.
13. <https://whc.unesco.org/en/tentativelists/state=uz> (02.08.2018).
14. “Халқ сўзи газетаси”, 1998 йил, 12 ноябрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 й. 27 май, ПФ-2323-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,1999 й, 5-сон,142-модда).
16. “Халқ сўзи газетаси”, 1999 йил, 10 июн.

17. Мирзиёев Ш. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.111.

18. Ҳотамов А., Бекниёзов Н. Кармана – қадимий диёр. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –Б.5.

## **БУХОРО ВОҲАСИДАГИ МАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИЛИШИ ҲАҚИДА (1985-2016 й.й.)**

***Ходжаева Санобар Насруллаевна - “ТИҚХММИ” МТУ БТРБИ  
“Ижтимоий гуманитар фанлар ва жисмоний маданият” кафедраси  
ассистенти***

**Аннотация:** Мақолада 1985-2016 йилларда Бухоро воҳасининг маданий ўзгаришларини ўрганишга оид олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Бугунги кунга қадар мазкур масалада бир қатор изланишлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг яратилган даври ва мазмунига кўра таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Калит сўзлар:** тарихшунослик, маданият, “қайта қуриш” сиёсати, тадқиқот, объективлик, илмий таҳлил, Бухоро воҳаси, культурологик ёндашув.

**Аннотация:** В статье анализируются исследования, проведенные в 1985-2016 гг. по изучению изменений в культуре Бухарского оазиса. До сегодняшнего дня по данному вопросу проведены ряд исследований, и важно проанализировать их по периоду создания и содержанию.

**Ключевые слова:** историография, культура, политика «перестройки», исследование, объективность, научный анализ, Бухарский оазис, культурологический подход.

**Annotation:** The article analyzes the researches, conducted in 1985-2016 on the study of the cultural changes of Uzbekistan and Bukhara oasis. Up to date, a number of researches have been carried out on this issue, and it is important to analyze them according to the period of their creation and content.

**Key words:** historiography, culture, politics, "perestroykii", research, objectivity, scientific analysis, Bukhara oasis, cultural approach.

Мустақиллик йилларида тарихни, айниқса ватан ва миллат тарихини холисона ўрганишга бўлган қизиқиш ижтимоий эҳтиёж даражасига кўтарилди. Мамлакатнинг узоқ ва яқин тарихи, ҳозирги кунда жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, уларни илмий таҳлил этиш, фикрий мушоҳададан ўтказиш келажак, миллат ва юрт истиқболи учун муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг

тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур” [Мирзиёев, 2021. Б. 288.]. Бу борада республикамизда амалга оширилган ишлар салмоғи кўпайиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, халқимизнинг маънавий-маърифий савияси ва билимини ошириш, моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ҳамда оммалаштириш, жаҳон маданияти майдонига фаол интеграцияни олиб кириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маданият соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жамият маънавий ҳаётининг асосини ташкил этувчи маданиятни тарихий жараёнлар давомида мураккаб, зиддиятли тараққий этувчи, сиёсат ҳамда иқтисодийга нисбатан мазмун ва моҳият жиҳатидан кўпроқ ўзгарувчан хусусиятларни ўзида мужассам этган феномен деб баҳолаш мумкин. Том маънода маданият жамият ҳаётининг ривожланишида ҳаракатлантирувчи кучдир. Маданиятнинг муҳим компонентлари сифатида намоён бўлувчи фан, таълим-тарбия, санъат, дин ва бошқалар ўз хусусиятига кўра коммуникатив характерга эга бўлиб, уларга турли хил тарихий даврлар ва воқеликлар ўз муҳрини босган. Маданият анъаналар ва янгиликлар уйғунлигини ўзида мужассам этган, давлат аҳамиятига молик, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсата оладиган муҳим тарихий омил ҳисобланади. Чунки маданият тарихи призмаси орқали жамият тараққиётидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий каби бир қатор масалалар ва муаммоларни яққолроқ кўриш имконияти кенг [Мустафаева, 2014. Б. 4-5]. Бу маданият, маданий жараёнлар ва ўзгаришларни ўрганиш долзарблигини оширади. Ф. Қосимов тадқиқотларида қисман маданий қурилиш масалаларига тўхталган ва соҳани “бу мавзу тарих фани олдида турган, ҳали ҳам катта куч талаб этилаётган вазифалардан ҳисобланади” [Қасимов. 19. Б. 311.], деган эди.

Кейинги йилларда мамлакатнинг ҳудудий бирлик мисолида тарихни илмий асосда ўрганиш, тўпланган янги маълумотларни фанга жорий этиш кенг тус олди. Ҳозирги кунда Бухоро воҳаси нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё ва жаҳон гиосиёсий жараёнларида, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий, маънавий ҳолатида катта ўрин тутди. Бухоро воҳаси энг қадимий ва йирик деҳқончилик масканларидан бири бўлиб, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашган. Шимолий шарқда Ҳазора йўлаги орқали Навоий Конимех воҳасига, жанубий ғарбда эса Жондор йўлаги орқали Қорақўл воҳасига туташган. Узунлиги 80 км, энг кенг жойи 60 км ни ташкил қилади.

Воҳа маъмурий жиҳатдан асосан Бухоро вилояти таркибида бўлиб, Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Пешку, Ромитан, Бухоро, Когон, Жондор туманларини ўз ичига олади. Унинг Маликчўл ва Қизилтепа платоларига ёндош шимолий шарқий қисми Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани ҳудудига киради [ЎМЭ. Б. 767-768.]. Бу ҳудуддаги аҳоли тарихи, айниқса, маданияти тарихини ўрганиш, зарурий ҳулосалар чиқариш нафақат юртимиз, ҳатто жаҳон миқёсида муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга яқин шу вақтга қадар олиб борилган тадқиқот ва нашр этилган адабиётларнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсадидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга бўлиб ўрганиш самарали натижа беради. Биринчи гуруҳга-қайта куриш йилларида нашр этилган адабиётлар ва тадқиқотлар киради. Иккинчи гуруҳга-мустақиллик йилларида чоп этилган мақола, адабиёт ва амалга оширилаётган тадқиқот ишлари киради.

Жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, кишилар онги ва тафаккуридаги ўзгаришларни таҳлил этиш жуда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида бошланган “қайта куриш” сиёсати ижтимоий-гуманитар фан олимлари олдига катта вазифаларни қўйди. С. Отамуродов, Ғ. Нажимов, М. Нишонов, З. Ҳақимов ва бошқаларнинг асарларида янги шароитда миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши, миллий жиҳатдан ўзликни англаш, миллий маданиятлар муаммолари янги аснода, миллий маданиятлар ривожланиши манфаати асосида ўрганила бошланди [Акбаров. 2008. Б. 8]. Бу даврда маданият масалаларини тарихий-социологик жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам ортди. Аниқ ижтимоий тадқиқотнинг натижалари ўз навбатида жамият маънавий турмушининг аҳволини ўрганиш, маданият муассасалари иш самардорлигини ошириш, шахснинг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш йўллари белгилаб беришда муҳим рол ўйнайди. Шу ўринда 80-йилларнинг иккинчи ярмида чоп этилган қатор тадқиқотларни мисол келтириш ўринли. Уларда Ўзбекистонда мавжуд маданий-маънавий вазият, фуқаролар билим ва маданияти даражаларини ўрганиш масалаларига эътибор берилган жиҳатлар мавжуд. Н.Бромлей, Л. Дробужева, Ю. Ефимов ва И. Громов, К. Соколев асарларида маълум бир ижобий ҳолатлар билан бирга уларда баён этилган фикрларни бугунги кун талабига жавоб бермаслиги ҳам кузатилади. Улардаги мунозарали масалалар шундаки, социологик тадқиқотларнинг айрим натижалари реал воқеликни тўғри акс эттирмаган.

Мустақиллик йилларида мамлакат олимлари маънавият-маърифат, маданият-санъат масалаларини илмий жиҳатдан таҳлил этишга алоҳида эътибор қарата бошладилар. Истиқлолнинг дастлабки йилларида нашр қилинган илмий ишлар сирасига А. Ҳазратқулов ва А. Мавруловнинг

асарлари[Рахимов, 2008. Б. 6] ва тадқиқот ишларини киритиш мумкин. Ушбу нашрларда муаллифлар республикада, шунингдек вилоятларда кечган иқтисодий-ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиб маданият масалаларига ҳам урғу берганлар.

Маданий ўзгаришлар, жараёнларни яхлит тарзда ўрганилиши ҳам диққатга сазавордир. Масалан, У. Қорабоев, Ғ. Соатовлар томонидан ёзилган “Ўзбекистон маданияти” (2011 й), бир гуруҳ муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган “Ўзбекистон санъати” (2001 й) ўқув кўлланмалари, Б.Ирзаевнинг “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мусиқа маданиятининг ривожланиши”(2015 й), А. Мўминовнинг “Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислоҳотлар” (2010 й), А. Ҳайдаровнинг “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами”(2016 й) сингари китоблари мавзунини ўрганишда қимматли манбалиги билан муҳим ҳисобланади. Мутахассислар нигоҳи билан қараш имконини беради. Шу билан бирга уларда мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган маданий ислоҳотлар, анъанавий маданиятнинг тикланиши, Ўзбекистон маданияти ва санъати ютуқлари, маданий-маърифий муассасалар фаолиятига оид муҳим маълумотлар келтирилган.

Маълумки, қайта қуриш даврида воҳа маданияти назарий-услубий асослари ғоявий доктринага боғлиқ бўлиб, ишга сиёсий-мафкуравий омиллар кучли таъсир қилди ҳамда уларда партия ва давлатнинг турли анжуманлари, қарорлари ва фармонлар ижросини таъминлаш учун хизмат қилишга йўналтирилди. Маданият муассасалари-театр, клуб, кутубхона, музей ва маданият уйларига совет мафкурасини тарғиб қилиш, коммунистик тарбияни кучайтириш талаблари қўйилди. Мустақиллик йилларида эса бу борадаги вазият тамомилан ўзгарди. Масалага жиддий ёндашилиб, тарихий воқеа-ҳодисалар баёнида объективликка катта аҳамият берилди [Муртазова. 2022. Б. 118]. Республика ҳукумати барча ҳудудлар сингари Бухоро воҳаси, жумладан унинг маданий-маърифий ва маънавий аҳволига алоҳида эътибор қарата бошлади.

Мавзунини тарихшунослик юзасидан таҳлил қилар эканмиз, шунини таъкидлаш лозимки, Бухоро воҳасида маданий ўзгаришлар (1985-2016 йиллар) бўйича яхлит илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Фақат унинг айрим жиҳатлари ўрганилиб келинмоқда. Баъзи илмий тўплам, илмий, илмий оммабоп мақолалардагина ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Бухоро тарихига тегишли китоб ва тўпламларда, вилоят туманларига таалукли бўлган қатор рисолаларда ҳудуднинг маданий ўзгаришларига оид умумий маълумотларни учратамиз. Жумладан, Ғ. Қосимовнинг “Бухоро-

Париж: асрлар садоси” (1997 й), С. Бадриддиновнинг “Бухоро моддий ва маънавий маданияти саҳифалари” (2013 й), Қ. Ражабов, С. Иноятовларнинг “Бухоро тарихи” (2016 й), Қ. Ражабов, К. Раҳмоновларнинг “Вобкент тумани тарихи” (2015 й), Қ. Ражабов, Ф. Темировларнинг “Жондор тумани тарихи” (2015 й), Қ.Баҳромов, Н.Шодиеваларнинг “Бухоро тарихий обидалари географияси” (2015 й), Қ. Ражабов, Д. Жамоловаларнинг “Когон шаҳри тарихи” , Қ. Ражабов, Б. Қандовларнинг “Пешкў тумани тарихи” (2015 й), Қ. Ражабов, Б. Солиевларнинг “Қоровулбозор тумани тарихи” (2015 й), Қ. Ражабов, У. Рашидов, О. Рашидовларнинг “Ғиждувон тумани тарихи” (2015 й), Қ. Ражабов, Д. Жамоловаларнинг “Когон тумани тарихи” (2015 й), Қ. Ражабов, К. Бобомуродовларнинг “Шофиркон тарихи” (2015 й), Б. Мирзакулов, М. Алимоваларнинг “Бухоро ва Бухороликлар тарихи” (2021й) [Тўйев, 2022. Б. 7] мавзуни ўрганишда йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Бухоро маданияти тарихи масалаларига оид турли йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилди. Санъатшуносликда Ғ. Худоев “Бухоро мумтоз мусиқа анъаналари”(2018 й), педагогика назарияси бўйича Ж. Ярашевнинг “Мусиқа таълими йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш самарадорлигини оширишда аксиологик ёндашув (Бухоро мусиқа мероси мисолида)” (2020 й) мавзусида илмий ишлар амалга оширилди. Тарих йўналиши бўйича А. Ахмадовнинг “Бухоро адабий муҳити тарихи (XX аср)” (2022 й), Ф. Тўйевнинг “Бухоро вилоятининг Ўзбекистон ташқи алоқаларидаги иштироки (1991-2021 й.й.)” (2023 й) мавзусидаги тадқиқот ишларида маданий ўзгаришлар қисман ёритилди. Ф. Тўйевнинг изланишларида воҳанинг катта қисмини эгаллаган Бухоро вилоятида Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилояти бўлинмаси ва унинг таркибидаги ансамблларнинг халқаро фестивал ва конференцияларда иштироки, ютуқлар шунингдек миллий маданий марказларларда олиб борилган ишлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Бугунги кун маданиятшунослик фанида “маданиятнинг моҳиятини билишга цивилизацияли ёндашув ҳар бир миллий маданиятнинг бетакрорлигини, унда умуминсонийлик ва ўзига хослик мавжудлигини эътироф этишни назарда тутати” [Madaniyatshunoslik asoslari. 2006. В. 49]. Ўзбекистон, шу қаторда Бухоро воҳаси маданияти ривожининг тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, бу ҳудуддаги кўп асрлик тараққиёт жараёнида маданиятнинг ўзига хос ва ноёб намуналари уйғунлигига эришилган ва маданиятнинг симбиоз (икки ва ундан ортиқ маданиятларнинг бир-бирига фойда келтириб бирга яшаши) формалари шаклланишига олиб келган. Бу ҳолат воҳанинг геостратегик жойлашуви, яъни минтақалараро йўллар

кесишувида жойлашганлиги, турли цивилизацияларининг учрашув жойи бўлганлиги билан белгиланади.

Маданий ўзгаришлар таҳлили учун культурологик ёндашув катта имкониятларни намоён этади. Фалсафа, тарих, маданиятшунослик, социология, психология, санъатшунослик каби гуманитар фанларнинг ўзаро яқинлашишининг универсал воситаси бўлмиш культурологик ёндашув маданий таҳлил учун мазкур фанлар услубларини жалб этишга олиб келади, бу билан, фанлараро боғланишларни тадқиқот жараёнида реализация этиш учун шароит яратиб беради. Тарих фани тамойиллари асосида турли илмий методологик услублардан фойдаланиб, маданий ўзгаришлар тарихини ёритиш фанлараро боғлиқлик, ўзига хослик ва янгича, инновацион ёндашув асосларидан фойдаланиш имконини беради. Бу эса соҳалар тарихи, хусусан, маданият тарихини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент.: “O`zbekiston”, 2021. - Б.464.
2. Н. Мустафаева. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур (Тарихшунослик таҳлили). -Тошкент, “Navro`z”. 2014.-Б. 334.
3. Ф.Х. Касымов. Миную капитализм. Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму. М., 1980.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Б ҳарфи. -Тошкент. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2000.-Б.878.
5. Қ. Акбаров. Ўзбекистоннинг XX аср сўнги чорагидаги маданияти (Фарғона водийси мисолида): тарих фанлари номзоди... дисс.-Тошкент. 2008. -Б.147.
6. Б. Раҳимов. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти(Сурхандарё вилояти мисолида 1991-2005 й.й.): тарих фанлари номзоди... дисс. -Термиз. 2008. -Б.189.
7. С. Муртазова. Ўзбекистонда мусиқа маданияти ва таълим тизими тарихи масаласининг назарий-методологик асослари. Марказий Осиё цивилизация тизимида Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Қарши. 2022 йил 14 май. -Б. 562.
8. F.To`yev. Buxoro viloyatining O`zbekiston tashqi aloqalaridagi ishtiroki (1991 - 2021 yu.): tarix fanlari bo`yicha falsafa doktori (PhD) dess... . -Buxoro. 2023. B. 173.
9. Madaniyatshunoslik asoslari. O`quv qo`llanmasi. -T.: «Turon-Iqbol» nashriyoti, 2006.144-b.

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЗИЁРАТГОҲИДАГИ ПОДШОҲЛАР ҚАБРИСТОНИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

*Бобожонов Шавкат -*

*Тошкент давлат педагогика университети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти в.б.,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

XVI асрда Бухоро хонлик пойтахтига айлангач давлатда диний ва дунёвий ҳокимият бир-бирини қўллаб-қувватлаши янада кучаяди. Бухоро амирлари мамлакат устидан қонуний ҳукмронлик қилиш учун йирик авлиё ва тариқат пешвоси Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасидан маънавий ва рухий қувват олишган. Бухороликлар ҳам Баҳоуддин қабрини зиёрат қилиш уларга муқаддаслик нурини сочади, деб эътиқод қилишган бўлса, ҳукмдорларга иймон устунлари посбони сифатида қарашган. Бухоро амирлари Баҳоуддин Нақшбандни ўзларининг ҳомийлари ва ҳимоячилари деб билишган ҳамда тахтга чиқишдан олдин ундан дуо сўраб мазорини зиёрат қилишган. Амирлар вафот этгач авлиёнинг қабридан унча узоқ бўлмаган жойда дафн этила бошланган. Бу ерда шайбоний ва аштархоний хонлар, нақшбандия тариқатига эргашганлар, пирнинг шогирдлари ва давомчилари дафн этилган. Мазор Бухоронинг асосий зиёратгоҳи ҳисобланган.

Ҳар бир амир Баҳоуддин зиёратгоҳини обод қилиш, уни таъмирлаш, зиёратчиларга қулайлик туғдирувчи қўшимча биноларни қуришни бурч деб билган. Сўнгги амирлар зиёратгоҳда минора, карвонсарой, масжид барпо этишган. Ҳовузнинг шимолида мевали боғ ташкил қилинган.

Шайбонийлардан Абдуллахоннинг дафн этилиши билан Баҳоуддин Нақшбанд қабристонидан подшоҳлар қабристони шакллана бошлайди. Умуман олганда тарихий мажмуанинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган дахмаи шохон-шоҳлар дахмаси XVI-XVII асрларда юзага келган. Аввало, дахма атамасига тўхталиб ўтиш жоиз. Дахма – қабр устига тикланган дафн иншооти ҳисобланади. Дахма атамаси араблар Ўрта Осиёга келгунга қадар зардуштийлар орасида кенг тарқалган бўлиб, ислом дини кириб келгач дафн иншооти маъносида ишлатила бошланган. Бухоро воҳаси некрополларида олиб борилган кўп йиллик археологик тадқиқотлар давомида дахма кўринишига ўхшаш 50 дан ортиқ дафн иншоотлари аниқланган[1].

Баҳоуддин Нақшбанд тарихий мажмуасини ўрганиш Россия империяси давридан бошланган. Шу муносабат билан кўплаб тадқиқотчилар Бухорога ташриф буюришган. Бу даврга хос иккита илмий мақолани айтиб ўтиш мумкин. Биринчиси А.А.Семёнов иши бўлиб, форс тилидаги қўлёзмалар асосида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва фаолиятига батафсил

тавсиф берилган[2]. Иккинчи иш Н.Ситняковскийга тегишли бўлиб, у тарихий мажмуанинг қурилиши, ташкил топиши, қурилиш даврлари ва унинг хусусиятларини ўрганган. Ҳатто зиёратгоҳга ташриф буюрганида ўз кўзи билан кўрган сайлларни тавсифлаган[3].

Можоар олими Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарига тўхталмасликнинг иложи йўқ. У етарли араб тилидаги манбалар, махсус кузатувлари, афсона ва ривоятлар асосида Баҳоуддин қабри олдида шаклланиб борган тарихий мажмуани қайта-қайта тилга олади[4].

Совет даврига келиб асосан В.В.Бартольд кенг қамровли масалалар, хусусан, ислом, диний таълимотлар, тариқат, унинг ташкил топиш сабаблари, Баҳоуддин фаолияти ва унга атаб барпо этилган мажмуа қабиларга эътибор қаратган. Урушдан кейинги йилларда зиёратгоҳдаги тарихий мажмуа кенг ёритилган ишлар юзага кела бошлади. Мажмуани тадқиқ этган ва тавсиф этган олимлар қаторида Б.Н.Засыпкин[5], В.А.Лавров[6], В.Л.Воронина[7], Р.И.Кочемадов[8], Г.А.Пугаченкова[9], Л.И.Ремпель[10] ва бошқаларни санаш мумкин. Соф тавсифий характерга эга тадқиқотлар мажмуани визуал кузатиш натижасида юзага келган. 1947 йилда зиёратгоҳни ўрганган В.Н.Засыпкиннинг маълумотларига кўра, подшоҳлар қабристонини олтига улкан тўғрибурчакли баланд ёдгорликлардан иборат бўлиб, деворларининг баландлиги 2,5 м.гача етган[11].

В.А.Лавров ва В.И.Кочемадов тарихий-меъморий мажмуанинг лойиҳа чизмаларида кўпчилик обидаларни ёрқин акс эттиришган. Мажмуани яна ҳам кўпроқ тавсифи Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпель тадқиқотларида акс этган.

1962 йилгача мажмуада мусулмонлар диний идораси жойлашган. Мазкур даврларда мажмуа қайта-қайта таъмир этилган бўлсада, аммо ҳеч қандай лойиҳасиз, номукамал даражада бажарилган. Нисбатан яхшироқ таъмир ишлари дахмаи шохонда 1980 йилда Бухоро вилоят ижроия кўмитаси тошшириғи асосида маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан амалга оширилган[12]. Кўплаб қабрлар ўзининг дастлабки жойидан кўчирилган. Кўплаб стеллалар, қабр безаклари йўқолган. Буларнинг барчаси объектда тадқиқотларни давом эттириш учун қийинчиликлар туғдирган.

1979 йилнинг декабр ойида археолог З.С.Нюкина дахмаи шохонда археологик тадқиқотларни олиб борган. Тадқиқотида ансамбл пойдевори ва композиция тарихини ўрганишни мақсад қилган. Тадқиқот натижалари дахмаларнинг ташкил топиш тарихининг асосий хусусиятларини юзага чиқариш имконини берди. Дахмаи шохон жанубий гуруҳ дахмалари ва I, II, III, IV, V-дахмаларга бўлиб ўрганилган. I-дахма 24,2x13. II-дахма 12,7x15,3. III-дахма 15,2x12,5. IV-дахма 22,8x12,9. V-дахма 12,50x15,30 м.ни ташкил этган[13]. Ҳудудда қазилган 4 метрлик

шурф натижалари дахмаларнинг пойдевори 0,6 м.дан 1,25 м.гача бўлганини кўрсатган. Дахма деворларининг куйи қисми 26x29x5 ўлчамдаги тўртбурчак пишган ғиштлардан таркиб топган. Деворнинг қалинлиги 0,9 м, силлиқланган мармар блоклар қалингиги эса 350 мм.

1949 йилда Шпаков, 1958 йилда Е.С.Рафаевичлар Дахмаи шохонни катта ҳажмдаги бу фотосуратларини олган бўлиб, улар ҳозирда Ўзбекистон маданият вазирлиги ҳузуридаги бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси архивида сақланмоқда[14]. Шунингдек, мажмуанинг тўлиқ лойиҳаси 1924 йилда Штубург, объект плани 1938 йилда Зайнутдинов, бош лойиҳаси 1952 йилда В.М.Филимонов, топосъёмкаси архитектор И.Е.Плешневлардан томонидан бажарилган.

1978 йилда топографик-геологик бўлим томонидан дахмаи шохонда топографик ва геологик-муҳандислик тадқиқотлари олиб борилган. Ҳудуднинг литологик қурилиши, тупроқ таркибининг физик ва геотехник таркиби асослари, пойдеворининг ҳолати, шунингдек, геоморфологик, геологик, гидрогеологик, сейсмик нутқай назардан ўрганилган. Мазкур тадқиқот ишлари бўлим бошлиғи А.Р.Акименко, лойиҳанинг бош архитектори А.Галкин раҳбарлигида олиб борилган. Дала топографик ишлари гуруҳ раҳбари Ю.С.Митин томонидан ўтказилган. Лаборатория ишлари Л.А.Гладышева, геологик муҳандислик ишлари И.Н.Бурштейн томонидан бажарилган. Тадқиқотларга кўра ҳудуд сейсмиклиги 7 балл деб ҳулоса берилган. Объектлар пойдевори эса айнан шу даражага чидамлиги эканлиги тасдиқланган.

Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасининг қабристон қисми 4 гектар ҳудудни эгаллаган. Подшоҳлар қабристонидан аштархонийларга тегишли учта дахманинг тадқиқ этилиши уларни Субҳонқулихон (1680 – 1702) ва унинг хотини Пошшо-биби (у Ситорайи Моҳи Хоса номи билан машҳур бўлган) томонидан XVII асрнинг 90-йилларида қурилганини кўрсатди. Имомқулихон (1611-1642 й.), Нодир Девонбеги (XVII аср) каби тарихий шахсларнинг номлари ҳам дахмаларда битилган. Субҳонқулихон ва унинг ўғли Убайдуллоҳхон (1702 – 1711) дахмалари тарҳи бир-бирига ўхшайди. Уларнинг жанубий қисмида куббасимон коридор-вестибюль, унинг томида туйнуклар, шимолий деворида эса куббасимон дахмаларга олиб кирувчи эшиклар жойлашган[15]. Дахмаи шохондаги энг катта дахма аштархоний Субҳонқулихон (1702 йилда вафот этган)ни дафн этиш учун барпо этилган. 189 м<sup>2</sup> майдонни эгаллаган дахма тўрт камерали бўлиб, дафн камераси 23 м<sup>2</sup>, баландлиги эса 2,2 м.ни ташкил этган[16].

Мажмуанинг жануби-шарқида жойлашган шоҳлар қабристони жанубга томон чўзилиб борган. Абдулазизхон хонақосидан жанубда, тарихий

мажмуанинг марказида дахмалар шаклидаги амирлар қабрлари ва бошқа йирик амалдорларнинг сағоналари ўрин олган.

Дахмаи шохонда дахмалар икки ва уч қатор бўлиб жойлашган. Дахмалар икки қисмдан иборат бўлган. Дафн этиладиган махсус қисми ва унинг устидаги деворлар билан чегараланган майдон[17]. Шохлар дахмаси мажмуами тўғрибурчакли алоҳида қабр тошларидан ташкил топган. Дахмалар орасида шимол-жануб ва шарқ-ғарб йўналишларида йўлаклар ўтган. Дахмаларнинг юза қисмига силлиқланган мармар тошлари икки панелли қаторларда горизонтал шаклда қўйилган. Қабрлар асосан “занжара” шаклида ўйилган кулранг ва оқ мармарлардан иборат. “Мадохил” шаклида ўйилган горизонтал кичик мармартошлар ҳам сақланиб қолган.

Дахмалар тўғри бурчакли қурилма бўлиб, баландлиги 2,5-3 метр силлиқланган мармар плиткалардан иборат, ичкари қисми кўп камерали гумбазли бинолар йўлаклар билан боғланган. Дахмаларнинг юқори қисми майдончаси нақшинкор, ўймакорлик асосида безатилган мармар панжаралар билан ўралган бўлиб, қабртошларда мархумнинг исм шарифи, шажараси ва вафот санаси қайд этилган[18].

Дахмалар бир қаторда бўлсада, аммо бир биридан деворлар билан ажратилган. Мазкур дахмалар жанубга томон чўзилиб борган. Деворларни тиклашда кулранг мармардан фойдаланилган. Шарқий томонда, Боби салом дарвозасидан кирилганда Баҳоуддин Нақшбанд қабри ўрин олган.

Асосий мармар йўлак (эни 2 м)дан жанубда мусулмонларнинг қабристонни жойлашган бўлиб, тўрт аср давомида дарвешлар, сўфий жамоалари аъзолари, ҳатто қишлоқ аҳолиси дафн этилган. Хонақодан ғарб томонда жойлашган амирларнинг аёллари қабристонни мармар дахмалар ва сағаналар шаклида барпо этилган.

Мармар йўлакнинг шарқий қисм иморатлари ва унга туташ дахмалар шурф қазилиши натижасида XVII-XVIII асрларга тааллуқли эканлиги аниқланди. Йўлакнинг ғарбий қисми сал кейинроқ, тахминан XVIII-XIX асрларга қурилган. Мармар йўлакдан жанубда жойлашган қабристон ўрганилмаган. XX асрнинг 90-йилларига қадар унда қишлоқ аҳолиси дафн этилган. Қабрлар қатлами уч юз йил давомида устма уст қўйиб келинган.

Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини ўрганиш фақат бир томонлама эмас, балки турли фанлар доирасида илмий тадқиқ этилганини кўрсатмоқда. Зиёратгоҳдаги дахмаи шохон-шохлар дахмаси тадқиқотчилар диққат марказида бўлган объект саналган. Шунинг учун тарихчи, археолог, этнограф санъатшунос, архитектор, геолог, картограф, топограф, сейсмолог, фотограф, эпиграфшунос ва некрополшунослардан томонидан ўрганилган. Махсус ўрганилган тадқиқот натижалари Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида асрлар

давомида шаклланган подшоҳлар қабристони ҳақида кенг қамровли хулоса чиқариш ва атрофлича маълумотлар олиш имконини берди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Некрасова Е.Г. Бухарские дахмы // *Общественные науки в Узбекистана.* – 1995. № 5-6-7-8. – С.119.
2. Семенов А.А. Бухарский шейх Бохауддин. – Москва., 1914. – С.202-210.
3. Ситняковский Н. Бухарская святыня мазар Бахауддина / *Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии №1-3 1899-1900 гг.* – Ташкент, 1990. – С.48-55.
4. Вамбери Г. История Бохары и Трансоксании / *Туркестанский сборник*, т.70-71. – СПб, 1873.
5. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. – Москва., 1948. – С.113.
6. Лавров В.А. Градостроительная культуры Средней Азии. – Москва, 1950.
7. Воронина В.А. Архитектурные памятники Средней Азии. Бухара, Самарканд. – Ленинград., 1989. – С.113.
8. Кочедамов Р.И. Городские водоемы Бухары и Самарканда // *Архитектурное наследство.* – Москва. – 1957. – № 8. – С.183-184.
9. Пугаченкова Г.А. Архитектурные заметки. К характеристике чертежей бухарского мастера XVI в // *Искусство зодчих Узбекистана.* – Ташкент., 1962. – С.198-200.
10. Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Ташкент., 1958. – С.62-64.
11. Засыпкин Б.Н. Ансамбль построек около мазар шейха Бахауддина. Рукопись. 1947. Арх. ГлавНПУ. № Б 3730/3-36.
12. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги архиви. Б 5583/Г-15 рақамли ҳужжат. 13-варақ.
13. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги архиви. Б 5583/Г-15 рақамли ҳужжат. 32-40 варақлар.
14. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги архиви. Б 5583/Г-15 рақамли ҳужжат. 18-варақ.
15. Некрасова Е.Г. Комплекс Дахма-и шахан в ансамбле Баха ад-дина (дахма Падшах-биби).1990; Зоҳидов П. Хожа Баҳоуддин Накшбанд меъморий хазира. – Тошкент,1993. – Б.8.
16. Некрасова Е.Г. Бухарские дахмы // *Общественные науки в Узбекистана.* – 1995. № 5-6-7-8. – С.120.
17. Джуракулов Дж.М., Некрасова Е.Г., Ходжайов Т.К. Позднефеодальные некрополи Бухары как исторический источник. – Самарканд: СамГУ, 1991. – С.16.
18. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги архиви. Б 5583/Г-15 рақамли ҳужжат. 10-варақ.

## БУХОРО МУЗЕЙИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚОЖАРЛАР УСУЛИДАГИ КОШИНЛАРИ ХУСУСИДА

*Рашианов Ўқтамали Рустам ўғли -*

*Бухоро давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро музейида сақланаётган XIX асрга оид Эронда Қожарлар сулоласи даврида сарой, масжид ва диний масканларни безашда урфга кирган суратли кошинлар ҳақида сўз боради. Уларнинг Бухоро замида сақланишини аниқлаш ҳам мақоланинг мақсадларидан биридир.

**Калит сўзлар:** Бухоро музейи, кошин, эроний, қожар, юлдуз, хусайнийхона,

**Аннотация.** В статье рассматриваются живописные изразцы, хранившиеся в Бухарском музее во времена династии Каджаров в Иране XIX века, ставшие традицией в украшении дворцов, мечетей и религиозных объектов. Одна из целей статьи - определить, хранятся ли они в Бухаре.

**Ключевые слова:** Бухарский музей, кошин, ирани, қожар, звезда, хусайнийхона

**Annotation.** This article deals with pictorial tiles kept in the Bukhara Museum during the Qajar dynasty in 19th-century Iran, which became a tradition in the decoration of palaces, mosques and religious sites. One of the purposes of the article is to determine whether they are stored in Bukhara.

**Keywords:** Bukhara museum, koshin, iranian, kojar, star, husayniykhona

Шарқда IX асрдан бошлаб идишлар сирланадиган бўлди. XII асрдан биноларнинг ташқи ва ички қисмлари сирланган ва пиширилган парча сополлар билан безатила бошланди ва шундан кошинсозлик санъати пайдо бўлди. Ҳозирги Эрон ва Ироқ худудида қадимдан бўртма тасвирларга, деворий суратларга эътибор бериш, саройларни ҳашамдор кўринишда қуриш анъанаси шаклланган. Шунинг учун ҳам кошин (форс тилида миной<sup>4</sup>атамаси ҳам ишлатилади) тайёрлашнинг ватани Эрон ҳисобланади.

Бир аср давомида ўз бағрида турли осори-атиқаларни асраб келаётган Бухоро музейи бугунги кунда 130 мингдан ортиқ тарихий ашёларни ва ноёб коллекцияларни ўзида жамлаган. Улар нафақат Бухоро, Ўрта Осиё тарихи бўйича, балки Бухоро билан тарихан боғлиқ халқлар ва мамлакатлар тарихини ҳам ўзида акс эттирган.

1990 йилда археолог Е.Г.Некрасова томонидан Бухоро шаҳри Арк қалъасидан жанубда жойлашган майдонда олиб борилган қазилмалар жараёнида турли ашёлар топилди. Уларнинг 21 таси тарихий-бадий

---

<sup>4</sup> Миной (эмал) – қаттиқ шишасимон қоплам. Металл ва сопол буюмларни бадий безашда уларнинг юза қисмидаги бўёққа қиздириб ишлов бериш натижасидаги кўриниш.

аҳамиятга эга кошинлар<sup>5</sup> бўлиб, музейнинг археология фондига топширилди. Тарихан кошинлар топилган ўринда кушбеги поённинг ҳовли жойлари бўлиб, бу вазифага асосан кушбеги болонинг яъни бош вазирнинг фарзандлари тайнланган. Ўз навбатида Бухорода 1870-1910 йилларда эроний сулола вакиллари кушбеги вазифасини бажарган. Яъни ушбу кошинлар эроний кушбеги поённинг уйини беаган бўлиши мумкин. Яна бир тахмин бор бўлиб, кошинлар жуда кўп тарихий ашёлар билан биргаликда топилган. Бухоро болшевиклар томонидан босиб олингандан сўнг Регистон майдонига бузилган Тоқи Тиргарондан кириш жойида шаҳар вайроналари тўпланган. Кошинлар бу ерга шу вайроналар орқали келган бўлиши ҳам мумкин. Аммо биринчи тахминни ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозиргача Бухоро ёки Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ҳам бундай кошинлар топилмаган. Бу эса кошинлар айнан эроний кушбеги ҳовлисига тегишли бўлганлигидан далолатдир. Ашёларнинг барчаси деворий безаклардан иборат бўлиб, ушбу тадқиқот асосини ташкил этади.

Турли тасвирлар туширилган кошинлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирда Туркиянинг Коратой мадрасаси кошин музейида сақланаётган Султон Алоуддин Кайқубод даврида 1224-1226 йилларда қурилган Қубодобод ёзги саройи (қурилиши XII аср охирида бошланган)ни беаган кошинлар шу турдагиларнинг энг қадимийларидир. [Mehmet Önder, 1961; S.18]

Машҳаддаги Буюк Хуросон музейида сақланаётган кошинлар Эрон кошинларига Европа маданияти тасирининг яққол намуналари ҳисобланади. Энди тасвирларда кема, европача услубдаги уйлар, кошинни беашдаги баргллар, Европа қироллари тасвири ва витраж каби кўринишлар пайдо бўлди.

Қожарлар даври кошинлари Эронда маданият ва санъатнинг анъанавий ва замонавий шакллари ўртасида омукталашув даврининг маҳсули ҳисобланади. Айниқса, Европа маданияти таъсири кучайган даврда. Кошинларнинг бўртма гуллари, бино ва европача кўринишдаги инсонлар ёки маҳаллий кишиларнинг европача кўриниши кабиларда бу яққол намоён бўлади. XIX асргача бўлган даврда бир пайдо бўлиб, бир йўқолиб келаётган тасвирли кошинлар олдинги каби турли ҳайвонларни тасвирлашдан кўра диний (шиа) ҳамда қаҳрамонлик мавзуларини афзал кўрди.

Кошин тайёрлаш алоҳида ҳунар тури бўлиб, бир неча босқичларда тайёрланган. Дастлаб печда пиширилган тўртбурчак шаклдаги сопол плиткалар ёнма-ён қолипда терилган, юзаси оқ ранг билан қоплангандан сўнг улар очик ҳавода қуритилган ва тайёр плиткаларга керакли тасвир ва ранг берилгандан сўнг юзаси эмалланиб (шиша кукунининг суюлтирилгани

---

<sup>5</sup> Ушбу атама кошин ишлаб кичариш ватани бўлган Эроннинг Кашан вилояти номидан олинган.

билан) печда пиширилган. Плитка юзасига мис оксиди суртиш ҳам унинг ялтироқлигини оширган. Кошинлар асосан етти ранг оқ, қора, мовий, жигарранг, бинафша, сариқ, қизилдан иборат бўлиб, кўрғошин оксидининг кам ва кўп миқдорда қўшилиши турли рангларни ҳосил қилишда энг керакли модда ҳисобланган. Юза қисми текислиги бузилиши олдини олиш мақсадида ва деворга яхши ўрнатиш учун кошинларнинг орқасида икки бош бармоқнинг ўринлари қолдирилган. Ички қисмида саккизбурчакли юлдуз ва унинг марказида кўрсатилиши мақсад қилинган тасвир ўрнатилади.

Кошинпаз усталарнинг мақсади биноларни диний, эпик, тарихий, қаҳрамонлик ва бошқа турли мавзудаги тасвирлар билан безаш бўлган. Бухоро мактабига хос кошинлар, асосан катта-кичик тўртбурчак плиткалар бўлиб, улар ўсимликсимон ва геометрик шакллар билан безалган. Турли жонли тасвирли кошинларни тайёрлаш Бухоро мактабида кузатилмаган. Бухорода кошинларга Қуръон ва ҳадислардан намуналар битилган ва атрофи ўсимликсимон ва геометрик нақшлар билан тўлдирилган. Ёзувли кошинлар фақатгина биноларнинг пештоқ қисмларини беаган. Эронда эса ананавий жонли тасвирларни ишлаш кошинларда ҳам кузатилган. Айниқса, Беҳистун ва бошқа қоятош ёдгорликларидаги тасвирларни кошинларда акс эттириш кенг тарқалган. Бундан маълумки, Эроннинг классик даври ва тарихига мурожаатлар XIX асрда авж олган. Аниқроғи санъатнинг янги кўринишлари билан яна ҳам кенг тарқалган.

Қожарлар даврида тош рельефларга тасвир ишлаш ҳам қайта тикланди. Яъни, Эрон Аҳамонийлари ва Сосонийлари каби улар ҳам улуғвор, мазмунли петроглифларни тоғларнинг бағрига туширтиришди.

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси Археология фондида сақланаётган (1.Инв.32586/22-1) кошин - овал юз, қалин ва қора қош-кўз, узун ва йўғон мўйлов барчаси эроний кишини тасвирлаган. Бошида тож, эгнида яшил ранг кўйлак ва устидан баланд кўк рангли халат кийган. Саккиз қиррали юлдузнинг ички ўнг бурчагидаги араб имлосида форс тилидаги “Хурмуз” сўзидан ушбу тасвир кимга тегишли эканлиги аниқланади. Хурмуз Эрон Сосонийларидан Шопур I нинг ўғли(ундан кейин яна 4 та Хурмуз номли подшоҳлар ўтган), давлатнинг учинчи ҳукмдори бўлган. Шунингдек, Хурмуз ҳам Эрон эпик қаҳрамонларидан бири ҳисобланади.

Бухоро музейининг Археология коллекциясида (2.Инв.32586/22-2) 15x18 см ўлчамдаги ашё деворий безак бўлиб, унда умумий мазмунда “ҳокимият саҳнаси” тасвирланган. Мантиқан деворий тасвирларда чап қўл билан ҳукмдорлик рамзини топшириш ўнг қўл билан эса олиш жараёни тасвирланган (бундай маросим саҳналари Панжикент ёдгорлигида ҳам тасвирланган, яъни исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё ва Эронда худо ёки

олдинги ҳукмдор томонидан янги ҳукмдорга давлатни топшириш шундай кўринишда маъно касб этган).<sup>6</sup> Бизгача фақат рамзий тожни (тасма боғланган ҳалқа) топшираётган ва олаётган кишининг ўнг қўли тасвири сақланган. Ушбу рельефда, айнан Бехустундаги каби тасвир: бош ва сочлар елкагача бўлган сариқ рангда майда тангачалар шаклида турмакланган, кўзлар йирик, бурун бўртиб чиққан, чўққи соқолли кўринишда ишланган. Эгнига яшил ёқали кулранг ятак, белида эса жигарранг тасма кўк тўқа билан мустаҳкамланган. Бу кўринишдаги тош рельефларни ишлаш, айниқса, Сосонийлар (226-651) ва Ўрта Осиёнинг Сўғд ҳокимлари (IV-VIII) даврида ўз чўққисига етган. Кирмоншоҳнинг турли қисмларида, масалан Тоқи Бўстонда Ардашер II нинг Шопур III га ҳукмдорлик рамзи бўлган тожни топшираётганлиги унинг ғалаба жараёнлари билан биргаликда тасвирланган. Ёки Нақши Рустамда Артаксеркс I нинг Ахурамаздадан ҳукмдорликни шу кўринишда олаётганлиги тасвирланган (мил.авв. V аср). Худди шундай мазмундаги кошин барельеф 1990 йилда Аркнинг жанубидан ҳам топилган.

Ҳатто қожарлар даврида ҳам тош рельефлар ишлаш қайта санъат даражасига кўтарилган. Ушбу таърифланаётган ашё ҳам қожарлар даврига тегишлидир.

Кошинларнинг яна бири деворнинг пастги хошиялари орасига ишланган тасвир бўлиб, унда (3.Инв. 32586/22-3) кураш майдонидаги одам тиззагача бўлган узунликда йўлбарс териси каби сариқ рангли ва қора нуқтали калта иштон кийган, чап тиззасини ерга тираб ўнг қўли билан рақибини ушлаб турганлигини ва чап қўли билан зарба беришга тайёр турганлигини кўришимиз мумкин. Бу ерда уруш мумий мавзу ҳисобланади.

Навбатдаги кошин (4.Инв. 32586/22-4) юқориси учбурчак шаклдаги плиткада араб жангчиси кўринишида, салла ўраган ва мўйлов, қош, кўзлари калин қора қиёфадаги эркакнинг камон ёйини кўкрагигача тортаётган ҳолатда, эгнига оқ кўйлак устидан қирмизи ятак кийган, кошиннинг фон қисми ҳам одатга кўра мовий ранг билан бўялган. Кошиннинг хошия қисмида зигзак шаклида баргчалар тасвири берилган. Бундай шаклдаги кошинлар асосан хона ички қисмининг вертикал хошияларининг юқори қисмига ўрнатилган.

Афсонавий, қаҳрамонлик, жанг каби мавзулардаги достонлар, эпик турли туманлик Эрон амалий санъатига чуқур кириб борган. Буни юқоридаги мисоллар ҳам исботламоқда.

Охирги кошиннинг (5.Инв. 32586/22-5) жуда кам қисми сақланган бўлиб, фақат юз қисмидан иборат. Ушбу тасвирда ҳам юз қиёфаси эроний услубда ишланган. Бошида сосоний ҳукмдорларга хос тож бўлиб, у олдинги

---

<sup>6</sup> Масалан, Тоқи Бўстонда Митранинг Хусрав II га подшоликни топшираётгани тасвирланган.

таъсирдаги тож каби айнан сосоний тангалари ва тош барелефларидаги алоҳида белгилари билан ажралиб турмасдан, кошинпазнинг аслиятга уринишларини акс эттиради.

Ушбу топилмалар консервация қилинган бўлиб, сирлари тўқилиб кетишининг олдини олиш мақсадида юзаси паралоид полимери билан қопланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Эрон кошинпазлик санъати узоқ вақт давомида ривожланди, турли маданият элементларини ўзида акс эттирди ва Бухоро амирлиги ҳудудларида ҳам тарқалди. Амирлик маркази Арк қалъасига туташ майдондан Қожарлар даврига тегишли кошинларнинг топилиши Бухорода эроний халқлар ва уларнинг маданияти шаклланишига кенг имкониятлар яратилганлигидан намуналар ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Mehmet Önder, Konya Müzesi Çini Eserler Seksiyonu (Karatay Medresesi) Rehberi, Istanbul. 1961; S.18.
2. Eighty Years of Iranian Archaeology. Vol. II. Tehron. 2012. 487 p.
3. Mahmonir Shirazi, Ashraf Moosavilar. Retrieval of Identity layers in Qajar Era. Tehron. 2016. 23 p.
4. Grabar, Oleg. Reflections on Qajar Art and its Significance, Iranain Studies, London. Vol.34, pp. 1- 4.

## **БУХОРО ШАХРИСТОНИДАН ЧИҚГАН ЧАҚАЛОҚ СКЕЛЕТЛАРИ**

*Ҳакимова Ў.Н. - Самарқанд археология институти Бухоро  
филиали Реставратори*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро Шахристонида олиб борилган қазилма ишларида топилган қувур ва сув учун мўлжалланган сопол идишларга солиб дафн қилинган чақалоқ скелетлари ва уларни реставрацияси тўғрисида фикр боради. Бундай дафн қилиш анъанаси зардуштийлик анъаналарига ўхшаб кетиши ва мусулмон динида бундай ҳолатлар кузатилмаганлиги учун кўпгина тахминларга сабаб бўлмоқда.

**Калит сўзлар:** Бухоро, Шахристон, Арк, Франция, Америка, реставрация, цивилизация, антрополог, гузар, масжид.

Бухоро тарихи бир неча минг йилликни ўз ичига олган бўлиб, дунё цивилизациясида тутган ўрни жуда муҳимдир. Мухаммад Наршахийнинг ёзиб қолдирган "Бухоро тарихи" китобида келтирилган маълумотлардан ташқари ҳам X асрдан то ҳозирги кунга қадар, бу юртнинг тарихи, шаҳар кўриниши ва этнографияси ҳам ҳукумдор ва сулоларнинг ҳукумронлиги ўзгариши туфайли, урф одат ва анъаналарга, таъсир қилмасдан қўймаган, бу ерда яшаган турли туман халқларнинг ўз анъаналари бўлган, шу жумладан, дафн маросимлари ҳам ўз дини ва эътиқотидан келиб чиқиб ўзига хос маъно касб этган.

Бухоро шаҳрининг Арк кўрғони шарқида жойлашган Шахристон I атрофида (шахристоннинг ғарб қисмида) олиб борилган археологик илмий изланишлар натижасига кўра, 2018-19 йилларда Франция Ўзбекистон ҳамда 2020-22 йилларда Америка. Ўзбекистон. мутахасислари билан ҳамкорликда олиб борилган тадқиқотлар жараёнида бир қанча маданий бойликларимиз борлиги аниқланди. Шу жумладан, бир қанча турли даврларга оид бино қолдиқлари металл буюмлар, сопол, шиша, деворий сурат бўлаклари топилиб ўрганилди ва ўрганилмоқда. Бухорода яшаган тарихчилар ва бу ерда тадқиқот ишларини олиб борган олимлар томонидан ёзиб қолдирилган Арк кўрғони ва шахристонни кесиб ўтувчи канал борлиги ҳақидаги ёзма маълумотлар қолдирилган бўлса, изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, бу канал кейинчалик XI-XII асрларга келиб кўмилиб қабристонга айлантирилганлиги ва яна бу қабристон бузилиб, шаҳар аҳолисининг кўпайиши жойга бўлган эҳтиёж туфайли шаҳарни янада кенгайтириш мақсадида бинолар қурилганлиги аниқ фактларга таяниб асослаб берилди. У ердан топилган ноодатий ананаларга кўра дафн қилинган, яъни қувур ҳамда сопол идишларига (сув идиш) солинган чақалоқ жасадлари баъзи бир тахминларга сабаб бўлмоқда. Чунки бу топилмалар XI-XII асрларга тегишли.

Тарихдан маълумки, араблар истилосига қадар Бухорода зардуштийлик динига эътиқод қилганлар, яъни бу диннинг урф

одатларига кўра инсон ўлгандан кейин суякдонларга(оссуари) солиб дафн қилинган. Балки мусулмон дини кириб келгандан кейин ҳам бу динга оид баъзи бир ананалар давом этган бўлиши мумкин (ҳозирги кунга қадар ҳам давом этиб келмоқда), масалан Бухорода яшовчи туб аҳоли ота боболаридан қолган дафн маросими анъаналарини, чақалоқларни шунақа идишларга солиб дафн қилиш орқали давом эттирган бўлишлари ҳам мумкин. Иккинчи тахминимиз эса бу топилмалар Бухоро музей-қўриқхонаси таъмирлаш лабораториясига келтирилиб, таъмирлаш жараёнида ўрганилганда, идишларнинг ҳаммаси пишириш жараёнида яроқсиз эканлиги аниқланди. Бундан келиб чиқадики, бу буюмларни яшашда қанча меҳнат ва хомашё сарфланганлигини инобатга олиб уларни шунчаки ташлаб юбориш увол ҳисобланган, масалан, буларни лойини тайёрлашда махсус тупрок, шамот, квас ва шунга ўхшаш органик материаллар ҳамда хомашёни тайёрлашда қанча унга ишлов берилганлиги, пиширишда эса қанча ўтин ишлатилганлиги, қанча вақт сарфланганлиги инобатга олинган бўлса ажабмас. Таъмирлаш жараёнида Франция ва Америка антропологлари билан уларнинг жинси, ёши ва шунга ўхшаш маълумотларни ўрганиш мақсадида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Натижаси анализ хулосаларига кўра ойдинлашади. Шунини айтиш жоизки, албатта яна ўз ўзидан савол туғилади, ўша даврларда хум ва шунга ўхшаш сопол буюмлар ҳам яроқсиз ҳолатга келиб қолган бўлиши мумкин, нега айнан сув идишларига дафн қилинган деб, чунки сув, барча динларда ҳам, бутун инсоният учун поклик ва тозалик рамзи ҳисобланган. Шунинг учун ҳам чақалоқлар гуноҳсиз, худди сув каби пок деган ақидага амал қилишган ҳолда шундай дафн қилишган бўлишлари мумкин.

Қолаверса ўша даврга назар соладиган бўлсак, Бухорода бир қанча ҳаммом ва ҳовузлар мавжуд бўлган, табиийки бу идишларга эҳтиёж юқори бўлган, яъни қувурлар асосан ҳовузларга сув тўлдириш ва эскирган сувини чиқариб ташлашда ишлатилган бўлса, хумсимон сопол идишлар эса ҳаммомларда ёки оила шароитида сув қиздириш учун ишлатилган. Бу идишларнинг

лойини таркиби оддий сополларга қараганда бошқача, яъни оловга чидамли қилиб ишланган, оддий сополларда кўпроқ махсус лой ишлатилган бўлса бу идишларнинг таркиби юқори температурага бардош берадиган тоғ тоши, шамот, қвасдан иборатдир. Хумдондан носоз чиқганларини чақалоқларни дафн қилишда ишлатганлар, чунки бу идишлар қия қилган ҳолда кўтаришга қулай бўлган. О. А.Сухаревани маълумотларига кўра Бухоронинг ҳар бир гузаридан биттадан масжид бўлган ва у ерда махсус хона бўлиб гузарда яшовчиларнинг катта маросимлари учун идишлар, қозон ва шунга ўхшаш буюмлар сақланилган, шу жумладан, дунёдан ўтган майитни қабристонга етказувчи ёғочдан қилинган замбил бўлган. Бу фақат катта кишиларга мўлжалланган, балким чақалоқлар учун бу идишлар замбил вазифасини бажарган бўлиши ҳам мумкин. Таъмирлаш жараёни механик ва химиявий усулларда амалга оширилди. Биринчи қуруқ тозалаш ишлари амалга оширилди (щётка, кисть инструмент, пылесос), қуруқ тозалаш ишлари билан бир вақтнинг ўзида тозаланган суяклар сополга қотириб борилди, ҳамда сопол бўлаклари бир бирига елимланди. (ПВБ +спирт 96%, 3-10%). Бу жараёнлар тўлиқ бажарилгандан сўнг экспонат дистилланган сувда ва тампон йўли билан ювилди ва қурутилди. Реставрация ишлари якулангандан сўнг музей фондига топширилди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бухоро тарихи ва этнографиясининг бизга ҳали номаълум бўлган қирралари жуда кўп, шунини инобатга олган ҳолда устозлар сабоғи ва тажрибаси, тарихимиз зарварақларини очишимизда катта рол ўйнайди, қолаверса юртимиз тарихини асраб авайлашда, уларга қайта ҳаёт бағишлашда, аجدодларимиз руҳини шод қилишимизда ҳамда келажак авлодга буст-бутун асл ҳолича етказишимизда ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

### **Фойдаланган адабиётлар**

- 1.Мухаммад Наршахи. История Бухары.Ташкент 1897.
- 2.Сухарева О.А XIX- начало XX века. 1966.

## МУНДАРИЖА

<i>Мирзаахмедов Дж. , Мирзаахмедов С.</i> Истоки урбанизационных процессов и историческая топография Бухары по письменным и археологическим источникам.....	3
<i>Курбанов Г.</i> Вопросы наследственности должности верховного судьи в Бухарском ханстве.....	25
<i>Халилов Ж., Султонова Н.</i> Кийим деталлари таҳлили археологик ашёлар асосида.....	37
<i>Раҳимов К., Холматов А.</i> Кармана ёзма ва археологик манбаларда.....	42
<i>Очилов А.</i> Қуйи Зарафшон воҳасида антропоген ландшафтнинг ривожланиши: тарихий-географик таҳлил (тош даври мисолида).....	50
<i>Тойиров Р.</i> Қадимги Пойкент неолит даври топилмалари.....	54
<i>Мадреймов Б.</i> Устюртнинг палеолит даври устахоналарининг маданий хусусиятлари.....	57
<i>Жўраев Н.</i> Бухоро воҳаси шишасозлигининг ўзига хос жиҳатлари.....	59
<i>Маматалиева С.</i> Бухоро шишасозлик мактаби тарихидан.....	63
<i>Бабаев С.</i> Сохранение и документирование традиционных домов и махаллей в историческом центре Бухары.....	69
<i>Жамолова Д.</i> Бухоролик тараққийпарвар Мусожон Саиджоновнинг археология ва архитектура соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси.....	77
<i>Холиков Н.</i> Бухоро хонлигининг, Усмонли Турк ва бошқа хорижий давлатлар билан олиб борган ҳарбий алоқалари.....	84
<i>Орзиев М.</i> “Ёш Турклар” инқилоби: Бухоро ва Усманийлар муносабатларининг айрим жиҳатлари хусусида.....	92
<i>Эргашев Ж.</i> Бухоро хонлигида карвон савдосига хизмат қилувчи ижтимоий табақалар.....	97
<i>Сангиров Ж.</i> Аштархонийлар сулоласи даврига доир манбаларда мамлакат маъмурий-худудий тузилишининг ёритилиши.....	103
<i>Болтаев А.</i> В.А.Шишкиннинг шахсий архивига бир назар.....	113
<i>Жўраев Ш.</i> Бухоро музейидаги Туркия тангалари.....	118
<i>Зарипов С.</i> Рациональное использование трудовых ресурсов Узбекистана в середине 80-х годов XX века.....	121
<i>Мажидов Ж.</i> XX аср 50-80 йилларида йўл қурилиши соҳасида кадрлар муаммоси масаласининг архив манбаларида ёритилиши (Бухоро вилояти мисолида).....	123
<i>Ражабов С.</i> IX-XV асрлар Бухоро тарихини ўрганишда ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмаларнинг аҳамияти (Академик Бўрибой Аҳмедов илмий тадқиқотлари асосида).....	128

<i>Тойиров Р., Жўраев Ш.</i> Музейларни ташкил этиш ва бойитишда қазув-йиғув ишларининг аҳамияти (Бухоро музейи мисолида).....	131
<i>Савриев Ж.</i> Мустақиллик йилларида Ўрта Зарафшон воҳаси ёдгорликларини таъмирланиши ва уларнинг натижалари (Навоий вилояти мисолида).....	135
<i>Ходжаева С.</i> Бухоро воҳасидаги маданий ўзгаришлар тарихини ўрганилиши ҳақида (1985-2016 й.й.).....	142
<i>Бобожонов Ш.</i> Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги подшоҳлар қабристонининг ўрганилиш тарихидан.....	148
<i>Равшанов Ў.</i> Бухоро музейида сақланаётган Қожарлар усулидаги кошинлари хусусида.....	153
<i>Ҳакимова Ў.</i> Бухоро Шахристонида чикқан чақалоқ скелетлари.....	157



# **БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**

**(қадимги замонлардан ҳозиргача)**

**мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция**

## **МАТЕРИАЛАРИ**

Нашриёт лицензияси №040075. 23.09.2022. Оригинал макетидан босишга рухсат этилди: 01.07.2024. Бичими 60x84. Кегли 16 шпонли. “Times New Roman” гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет босма қоғози. Босма тобоғи 10,25. Адади 100. Буюртма № 899

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
“BUKHARA HAMD PRINT” нашриёти. Бухоро шаҳри  
Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 190-Б уй. Тел: (97) 736-20-11  
Баҳоси келишилган нархда.



“BUKHARA HAMD PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Бухоро шаҳри Қаям Муртазоев кўчаси, 344-уй.